O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 10 март, пайшанба • 10 (3591)-сон

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

**“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан:

муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - резервга;

муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқаролар - захирага бўшатилсин.

2. 1978-1987 йилларда туғилган, чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2005 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуролли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (О.Обидов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов) бир ҳафта муддатда “Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш,

*(Давоми 2-бетда).*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

## ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

**Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари томонидан қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишга қарши кўрилаётган кураш чоралари яхши самара бермаяпти. Экинларнинг пайҳондан асрашни таъминлашга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фермерлар, деҳқонлар ва бошқа ердан фойдаланувчиларни жалб қилишга етарли эътибор қаратилмаяпти. Натижада экинларни пайҳон қилиш ҳоллари ҳамон учрамоқда, бу эса ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилининг катта исроф бўлишига олиб келмоқда.**

**Қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларга барҳам бериш, кўрилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш ҳамда тегишли идоралар раҳбарлари масъулиятини кучайтириш мақсадида:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари томонидан экинларнинг пайҳон қилинишига қарши кураш борасида олиб борилаётган ишлар қониқарсиз деб топилсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари:

бир ҳафта муддатда бошоқли ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш ва бундай ҳолатларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар ишлаб чиқсин;

*(Давоми 2-бетда).*

## УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



3

МАМЛАКАТИМИЗДА ВИЗА ТАРТИБИ



6-7

*Ниҳол*



18

СЕРМАЪНО УМР СОҲИБИ



20

КОИНОТГА ... ЛИФТДА ЧИҚИШНИ ҲОХЛАЙСИЗМИ?



24

# АЁЛГА ТАЪЗИМ



***Куни кеча “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуида республика Ички ишлар вазирлиги тизимида хизмат қилаётган опа-сингилларимиз иштирокида “Аёлга таъзим” деб номланган катта байрам тадбири бўлиб ўтди.***

Тантана аввалида Ички ишлар вазирининг ўринбосари, генерал-майор Р. Қодиров йиғилганларни қутлуғ айём билан самимий муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди. Шундан сўнг ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Расулов республика Ички ишлар вазири, генерал-полковник З. Алматовнинг табриги ҳамда ички ишлар идораларида ишлаб, хизматда ўрнак кўрсатган бир гуруҳ аёлларимизга муддатидан аввал навбатдаги унвонларни бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди.

Шунингдек, байрамга таклиф этилган фахрий аёллар ҳамда хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган ходимларнинг оилаларига қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.



**Суратларда:** ***тантанадан лавҳалар.***

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё*

*Бирга кулган одамни унутиш мумкин, лекин бирга йиғлаган одамни унутиб бўлмас...*

*«Постда» gazetasining ilovasi*




UCHINCHI OLAM

\+ HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

# МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ФУҚАРОЛАРНИ ХИЗМАТДАН БЎШАТИШ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРУВ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларнинг яшаш жойларига қайтиш тартиби тўғрисида"ги Низомни ишлаб чиқсинлар ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари билан биргаликда жойлардаги чақирув комиссияларининг самарали ишлашини ташкил қилсинлар, чақирилувчиларнинг сифатли ва холисона тиббий кўрикдан ўтказилишини таъминласинлар;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан бўшатилган фуқароларни уларнинг хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги (Қ.Ғуломов), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов), Миллий хавфсизлик хизмати (Р.Иноятов), Қуролли Кучлар Бирлашган штаби (И.Эргашев), ҳарбий округлар қўшинлари қўмондонлари:

муддатли ҳарбий хизматга янгидан чақирилган ҳарбий хизматчиларни қўшилмаларга ва қисмларга қабул қилишда юксак уюшқоқликни, қўшинларнинг жанговар тайёргарлигини;

муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматчилар ҳарбий мутахассисликларни сифатли ўзлаштириб олишига, жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топишига, мақсадга интилиш, Ватанга муҳаббат ва уни ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туришга асосланган мустаҳкам ҳаётий фазилатларни шакллантириш йўлида уларнинг самарали жанговар тайёргарлигини ташкил қилишни, маънавий-ахлоқий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашни таъминласинлар.

6. "Ўзтелерадио" компанияси (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов), Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (Б.Алимов)-га чақирилувчиларни Қуролли Кучларда хизмат қилишга тайёрлашнинг боришини, фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга чақиришнинг амалга оширилишини, чақирув комиссиялари ишини, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматнинг ташкил қилинишини ва Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жойларда кутиб олиш бўйича тантанали тадбирлар уюштирилишини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш тавсия этилсин.

7. Мазкур Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий хавфсизлик Кенгаши Котиби Р.Мирзаев зиммаларига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 4 март*

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ*

# ЭКИНЛАРНИ ПАЙҲОН ҚИЛИШГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

жойларда қишлоқ хўжалиги экин майдонларини пайҳон қилиш ва исрофгарчиликдан асраш бўйича комплекс ишларни амалга оширсин;

пайҳон қилиш ҳоллари нисбатан кўп учрайдиган жойларда ердан фойдаланувчиларни жалб қилган ҳолда кузатув постлари ташкил этсин. Дала қоровуллари ишининг самарадорлигини оширсин;

экин майдонларида мол боқишга, автотранспорт воситалари ва қишлоқ хўжалиги техникасида юриш ҳамда экинларнинг пайҳон бўлишига олиб келадиган бошқа қоидабузарликларга қарши курашни кучайтирсин;

чорва моллари фақат махсус ажратилган жойларда боқилишини таъминласин, экин майдонлари четларида мол боқишни қатъий тақиқласин;

пайҳон қилиш ҳоллари аниқланганда мол эгаси, автотранспорт, қишлоқ хўжалиги техникаси ёки пайҳонга сабаб бўлган бошқа воситаларни аниқлаш юзасидан тезкор чора-тадбирлар кўрсин, уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чораларини қўллаш учун тегишли органларга материалларни тақдим этсин.

Хўжаликлар раҳбарлари ички ишлар органлари вакиллари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик кучи билан ҳамкорликда пайҳон ҳолларини аниқлаш ва бундай қоидабузарликларнинг олдини олишга қаратилган мунтазам рейдлар ўтказиш бўйича амалий чоралар кўрсин.

3. Республика "Маҳалла" жамғармаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарлари билан бирга:

уй ҳайвонлари қишлоқ хўжалиги экинларини пайҳон қилишининг олдини олиш бўйича тушунтириш ва профилактика чора-тадбирлари мажмуининг амалга оширилишини таъминласин;

қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилиниши ҳолларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга маҳалла фаолларини кенг жалб қилсин ва уларнинг имкониятларидан фойдалансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, пайҳон жойида ушланган моллар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилади ва унинг эгасига нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилганидан ва келтирилган зарар тўлиқ қопланганидан кейингина эгасига қайтарилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов):

экинлар пайҳон қилинишининг олдини олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрсин, профилактика ишларини олиб бориш учун тегишли постлар ташкил этсин, ҳар бир пайҳон ҳолати юзасидан айбдор шахсларга нисбатан амалдаги қонунчиликка мувофиқ қатъий жавобгарлик чораларини қўлласин;

амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси (Р.Қодиров), Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) экинларнинг сақланишини таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаган ва пайҳонгарчиликка йўл қўйган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, хўжаликлар ва уларнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарларини қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (Б.Мустафоев) Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда экинлар пайҳон қилингани учун жавобгарлик тўғрисидаги амалдаги қонунчиликни тарғиб қилиш бўйича кенг тушунтириш ишларини амалга оширсин.

8. Ўзтелерадиокомпания (А.Кўчимов), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (М.Ҳазратқулов) ва бошқа оммавий ахборот воситалари қишлоқ хўжалиги экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, экинлар пайҳонгарчилиги ва нобудгарчилигига қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг матбуот, радио ва телевидениеда мунтазам ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2005 йил 5 март*

## БОШҚАРМАДА ТАНТАНА

**Андижон вилояти ички ишлар бошқармасида Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тантанаси шўх мусиқалар садоси остида бошланди. Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Д. Оқмирзаев ички ишлар идораларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг ибратли ишлари ҳақида гапириб, уларни қизғин табриклади. Самарали хизмат қилаётган бир қатор ходимларга қимматбаҳо совғалар ва пул мукофотларини топширди.**

**Тантанага Андижон шаҳар маданият саройининг таниқли хонандалари ўз куй-қўшиқлари билан файз киритдилар.**

**Ўз мухбиримиз.**

Хабарлар

## ФИЛЬМ МУҲОКАМАСИ БЎЛИБ ЎТДИ

***"Ўзбекистон" телеканали орқали шу йилнинг 17-18 февраль кунлари намойиш этилган "Террор илдизлари" фильми кенг жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортмоқда. Шу муносабат билан Янгиариқ туманида бўлиб ўтган учрашувда туман ҳокими ўринбосари Баҳодир Бекчонов, вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғи ўринбосари, подполковник Илҳом Ризаев, туман ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Жонибек Рўзметов ва бошқалар сўзга чиқиб, терроризмнинг олдини олиш ва унга қарши курашда фуқароларимизни янада огоҳ бўлишга ундадилар.***

Боғот тумани ҳокимлигида Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази катта инспектори, майор Исмоил Минавваров иштирокида бўлиб ўтган учрашувда ҳам халқаро терроризмнинг жаҳон тараққиёти ва халқлар тинчлигига солаётган хавфи, унинг олдини олиш борасида қилиниши лозим бўлган ишларга тўхталиб ўтилди.

Фильм муҳокамасида вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, майор Аҳмаджон Ниёзметов терроризмнинг жаҳон халқлари бошига солаётган кулфатлари ҳақида ўз фикрини билдирди. Шундан сўнг сўзга чиққан фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла имом-хатиблари ёшларни жарликка олиб борувчи бу йўлдан биргаликда қайтариш зарурлигини айтиб ўтишди.

Хонқа туманида бўлиб ўтган йиғилишда эса қизғин муҳокамадан сўнг фуқароларимиз тинчлигини сақлаш борасида фидойилик кўрсатаётган маҳалла посбонларига махсус кийимлар берилди. "Террор илдизлари" фильмининг муҳокамасига бағишланган учрашув вилоят ички ишлар бошқармаси, вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисм ва темир йўл тармоқ ички ишлар идораларида ҳам ўтказилди.



**Мирза АБДУЛЛАЕВ,**
**Фарҳод МУҲАММАДИЕВ.**

Суратда: *Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХ бошқармасида бўлиб ўтган учрашувдан лавҳа.*

**Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.**

## Муҳаббат Абдуллаевна АБДУЛЛАЕВА



**Бешафқат ўлим ички ишлар идоралари фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, истеъфодаги подполковник Муҳаббат Абдуллаевна Абдуллаевани орамиздан олиб кетди.**

М. Абдуллаева 1925 йил 8 август куни Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, Тошкент тиббиёт институтида таҳсил олди. Ички ишлар идораларидаги хизматни 1951 йили ИИВ поликлиникасида шифокор терапевтликдан бошлади. 1957 йилда эксперт-шифокор лавозимига тайинланди. Ўн йил давомида ана шу вазифада бенуқсон фаолият кўрсатди. Ўткир зеҳнли, қатъиятли аёл ўзининг бой тажрибаси ва иқтидорини ИИВ поликлиникаси ҳарбий-тиббий комиссияга раҳбарлик қилганида намоён этди. У ички ишлар идоралари ва олий ўқув юртларига ҳар томонлама соғлом кадрларни танлаш учун тинимсиз меҳнат қилди. 1981 йилда республика ИИВ милиция олий мактаби (ҳозирги ИИВ Академияси) тиббиёт бўлими бошлиғи этиб тайинланди ва шу ерда нафақага чиққунига қадар хизмат қилди.

М. Абдуллаеванинг меҳнатлари раҳбарият томонидан муносиб тақдирланган. У ички ишлар идораларидаги хизмат даврида кўплаб шогирдларга устозлик қилди.

Муҳаббат Абдуллаеванинг порлоқ хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Онахоннинг охирати обод бўлсин.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши.**

# ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



## «ЖИҲОД» ЭЪЛОН ҚИЛИШМОҚЧИ ЭДИ

**Чечен айирмачилари етакчиси Аслан Масхадов ва Шомил Басаев "Шимолий Кавказда жиҳод эълон қиламиз" деб бир неча марта баёнот беришган эди. Ваҳоланки, шу йил бошидан буён кўплаб жангарилар Россия федерал кучлари томонидан йўқ қилиняпти, қўлга олинмоқда.**

Уларнинг айримлари ҳақида қисқача тўхталсак. 8 январь куни тезкор ходимлар Назран шаҳри четидаги жангарилар жойлашган уйни ўраб олишди. Ёрдамчи кучлар етиб келгач, қамалдагиларга таслим бўлиш таклиф этилди. Аммо бу таклиф қабул қилинмади. Шундан сўнг бошланган жанговар операция 9 соат давом этди. Натижада тўртала жангари ҳам йўқ қилинди.

Доғистонда кенг қамровли аксилтеррор тадбирлари 14 январь куни бошланди. Чунки тезкор маълумотларга қараганда, бу ҳудудга Басаевнинг буйруғига кўра террорчилар гуруҳлари бир қатор кўпорувчиликлар содир этиш мақсадида кирган эди. Шу куни кечки соат ўнларда тез ҳаракатланувчи махсус отряд бир неча жангари яширинган хусусий уйни ўраб олди. Таслим бўлиш ҳақидаги таклифга улар автомат ва гранатомётлардан ўт очиб жавоб беришди. Шундан сўнг махсус бўлинма жангчилари уйни забт этишга киришишди. Жанговар ҳаракатлар чоғида йўқ қилинганлар орасида машҳур террорчи Магомедзагир Акаев ҳам бор эди. Бир террорчи қўлга олинди.



25 январь куни Кабардин-Болқор пойтахти Нальчик шаҳрида уч жангари ўлдирилди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас шу шаҳарда уч нафар диний экстремист қўлга тушди. Улардан иккита тўппонча, икки дона граната, шунингдек, экстремистик мазмундаги адабиётлар олинди. Эртаси куни гаражлардан бирида жойлашган портловчи қурилмалар тайёрлаш бўйича лаборатория топилди. Бу ерда тротил, пластит, гексоген, селитра ва 69 дона детонатор бор эди. Бундан ташқари 8 та портловчи қурилма "ишлатиш" учун тайёрлаб қўйилган эди.

Ва ниҳоят 8 март куни Толстой-Юрт қишлоғида ўтказилган махсус операция чоғида Аслан Масхадовнинг ўзи ҳам ўлдирилди. Бу ҳақда Шимолий Кавказда ўтказиладиган аксилтеррор операцияларни бошқариш бўйича минтақавий штаб вакили Илья Шабалкин маълум қилди. Шунингдек, Россия Федерал хавфсизлик хизмати директори Николай Патрушев ҳам Масхадовнинг йўқ қилинганлиги тўғрисида мамлакат Президенти Владимир Путинга ҳисобот берди.

Маълум бўлишича, чечен айирмачилари етакчиси уйлардан бирининг тагида жойлашган ерости бункерига яширинган экан. У билан бирга бўлган яқин қариндошлари Илисхонов ва Мурдашевлар қўлга олинган. Махсус операция чоғида федерал кучлар ходимларидан ҳеч ким ҳалок бўлмаган, яраланмаган.



7 март куни Чеченистоннинг Веденск ва Рожай-Юрт туманларида қўлга олинган уч жангари 8 мартда террорчилик ҳаракатлари ўтказиш режалаштирилаётгани ҳақида маълумот берган эди. Масхадовнинг қаерда яширингани тўғрисида ҳам айнан улар хабар берган бўлиши мумкин.

Баъзи маълумотларга қараганда, Масхадов ўз тансоқчиси ўқотар қуролини ишлатаётган пайтда эҳтиётсизлик қилиб, хатога йўл қўйгани туфайли ҳалок бўлган. Чеченистон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Рамзан Қодиров бу борада шундай деди: "Масхадовнинг тириклайин қўлга олиш вазифаси қўйилганди. Уни жисмонан йўқ қилиш ниятимиз йўқ эди".

Толстой-Юрт қишлоғида махсус тадбир давом этаяпти. Маҳаллий аҳолининг паспортлари текширилялти, уй-жойлари кўздан кечирилмоқда. Рамзан Қодировнинг айтишича, экспертларнинг якуний хулосасидан сўнг унинг мурдаси марҳумнинг қариндошларига дафн этиш учун топширилади. Аммо РФ Бош прокуратурасининг Шимолий Кавказдаги бошқармаси масъул ходимлари мамлакат Жиноят кодексига мувофиқ, террорчиларнинг мурдаси қариндошларига берилмаслигини, унинг қаерга дафн этилганини ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг саноқли вакилларигина билиши кераклигини эслатишди.

## ЙЎЛ ХАТАРГА ТЎЛА

Москва жанубида юз берган йўл-транспорт ҳодисаси натижасида милиция лейтенанти ҳалок бўлди. У "ВАЗ-2110" хизмат автомобилида кетаётиб, "МАЗ" русумли юк машинаси кўрмай қолди. Автоҳалокат жамоат транспорти бекати ёнида юз берди. "МАЗ" ҳайдовчиси эса автомашинани тўхтатишга улгуролмади. Енгил автомобиль бир уюм темир-терсакка айланди. Унинг ҳайдовчиси оғир тан жароҳати олиб, воқеа жойида ҳаётдан кўз юмди. "Жигули" салонидаги йўловчилар эса оғир аҳволда касалхонага ётқизилди.

Шу куннинг ўзида Россия пойтахтида яна бир милиция хизмат машинаси автоҳалокатга учради. Оқибатда прапоршчик ва милиция капитани турли даражада жароҳатланиб, шифохонага ётқизилди. Ҳодиса сабаблари ўрганиляпти.



## ОВОЗАЛАР ТЎҒРИ ЧИҚДИ

Беслан воқеаларидан кейин баъзи газеталар жангариларнинг бир қисми яширинишга муваффақ бўлди, деб хабар тарқатишган эди. Бу овозалар тўғри чиқди. Душанба куни ушбу тахминни тасдиқловчи маълумотлар пайдо бўлди. Аниқроғи, тинч аҳолини, мактаб жамоасини гаровга олган террорчилар эмас, уларга кўмакчи кучлар қутилиб қолгани ойдинлашди. Ана шу гуруҳга кирувчи 12 нафар жангари яқинда Чеченистонда қўлга олинди. Уларни бир неча кун таъқиб қилишга тўғри келди. Экстремистлар 2-3 нафардан қўлга олинди. Гуруҳ раҳбари Умар Димаев эса қурол билан қаршилик кўрсатгани учун йўқ қилинди.

## БАХТЛИ ТАСОДИФ

Новгороддаги Давлат телерадиокомпанияси биноси яқинида кундуз соат 11.30 ларда кучли портлаш юз берди. Оқибатда бир енгил автомобиль парчаланиб, ёниб кетди. Воқеа рўй берган жой атрофида ҳам, машина ичида ҳам ҳеч ким йўқ эди. Ана шу бахтли тасодиф туфайлигина бирор киши жароҳатланмади. Воқеа жойида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари ишлашяпти. Новгород вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакилларининг айтишича, автомашинанинг газ баллони портлаган. 1 март куни Москванинг Тверская кўчасида ҳам бир енгил автомобиль портлаб кетганди.

## ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

Польшадаги Войновиц шаҳарчасида истиқомат қилувчи 61 ёшли Леонард Воронович боши оғриб, шифокорларга мурожаат қилди. Мутахассислар буни одатдаги қон босими ошишига йўйишди. "Ёшингиз ўтаётгани билиняпти-да", – дейишди улар. Аммо қария бу гапга кўнмади. Шундан сўнг шифокорлар ҳар эҳтимолга қарши пенсионернинг бошини рентген аппарати ёрдамида текшириб кўрмоқчи бўлишди. Қарашса, унинг ўнг қулоғи пастроғидаги эт остида узунлиги 12 см келадиган пичоқ тиғи бор экан. Ҳайратланарлиси, тиғ бирорта қон томирига ҳам, асаб толасига ҳам зиён етказмаганди.

Маълум бўлишича, қария бир кун олдин уйида, аниқроғи, ошхонасида асбоб-ускуналарини ёйиб, хўжалик ишлари билан шуғулланган. Иш пайти баноғоҳ йиқилиб тушган. "Ҳойнаҳой, пичоқ тиғи ўшанда бошимга санчилган бўлса керак. Чунки шундан кейин бошим оғриб қолди. Бунга эътибор бермай, жароҳатим устига пластир ёпиштириб қўя қолдим. Эртаси куни эса пичоқни излаганимда, унинг сопини топдим, холос", – дейди қария.



Жарроҳлик операцияси атиги бир неча дақиқа давом этиб, муваффақиятли ўтди.

Ⓝ

Сиёсий-ижтимоий сабоқ

**Ўзбекистон Республикаси жорий йилнинг дастлабки кунларидан эътиборан ривожланишнинг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатимизда икки палатали парламент фаолият кўрсата бошлади. Давлатимиз раҳбари парламент палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимизни ривожлантиришнинг янги йўналишларини белгилаб берди. Хусусан, кенг кўламдаги ислоҳотларни янги босқичга олиб чиқишда таълим-тарбияни тўғри ташкил қилишнинг аҳамиятини ҳам алоҳида таъкидлади.**

# СОҒЛОМ ТАРБИЯ – КЕЛАЖАК АСОСИ

Ўзбекистон қадимий маданиятлар ўлкаси. Бинобарин, таълим-тарбия борасида ҳам халқимизнинг асрлар мобайнида шаклланган ўзига хос бетакрор қадриятлари, урф-одатлари, расм-русумлари мавжуд.

Халқимизнинг миллий урф-одатлари, асрлар синовидан ўтиб, сайқалланган ахлоқий-маънавий қадриятлари Ўзбекистон мустақиллиги туфайли янгича мазмун-моҳият билан боймоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, миллий урф-одатлар мазмунида халқимизнинг ноёб фазилатлари мужассамлашган. Шу сабабли ҳам миллий урф-одатлар кишиларнинг моддий ва маънавий камол топишида дастуриламал вазифасини ўтамоқда.

Соғлом тарбия инсон ахлоқий маданиятининг негизи бўлган миллий урф-одатлар, меҳр-оқибат, расм-русумлар, удумларда ўз ифодасини топган. Шуниси диққатга сазоворки, эзгуликка йўғрилган ҳар қандай миллий анъаналар тарбияда инсон қадр-қимматини улуғлаш билан бирга жамият тараққиётига фаол ёрдам беради.

Миллий урф-одатлар нафақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг хатти-ҳаракатини белгилаб беради, балки катталарда маънавият маданиятни камол топтиришга ҳам таъсир кўрсатади.

Миллий урф-одатларнинг бош мақсади – кишиларни ҳар томонлама етук, юқори ахлоқий ва маънавий пок инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Айни пайтда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ривожланишнинг янги босқичига кўтарилган экан, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бўлганидек, тарбия борасида ҳам замон талабларидан келиб чиққан ҳолда иш тутишни даврнинг ўзи тақозо этади.

Ҳар бир жамият ўз олдига қўйган мақсад-вазифалардан келиб чиқиб инсон шахсини шакллантиради. Чунки инсон ижтимоий мавжудот сифатида жамиятнинг равнақига турлича таъсир кўрсатиши мумкин. Айни мана шу жиҳатни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда тарбия масаласига давлат даражасида жуда катта аҳамият берилмоқда. Тарбия наинки давлат аҳамиятига молик масала, айни пайтда ҳар биримизнинг ҳаётимиз, осойишталигимиз, фаровонлигимиз, келажагимиз билан бевосита боғлиқ масалалар жумласига киради.

Тарбия, аввало, оиладан бошланади. Қуш уясида кўрганини қилади деганларидай, оиладаги муҳит бола тарбиясида жуда катта аҳамият касб этади. Бинобарин, фарзандлар тарбияли бўлиб вояга етишларида ота-она ҳал қилувчи ўрин тутади.

Кайкавус ота-онани дарахтга ўхшатади: "Дарахтни ҳар қанча парвариш қилсанг, меваси шунча яхшироқ ва ширинроқ бўлур. Ота ва онага иззат ва ҳурматни кўп қилсанг, уларнинг дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур", – дейди.

Фарзандига тўғри тарбия берган ота-она келгусида унинг роҳатини кўради. Аксинча эса қариб, кучдан қолган кезларда тарбиясиз фарзанди туфайли нафақат маломатларга гирифтор бўлади, шунинг баробарида тинчлиги, хотиржамлиги йўқолади. Мана шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун оилада болаларни яхшилик билан ёмонликнинг фарқини билиш, фойда билан зарар орасидаги тафовутни англашга ўргатилиши лозим. Чунки яхши тарбия воситасида инсон ўз жонини ёмон хислатлардан асрайди, яхши фазилатлар билан ўз хулқини шакллантириб боради.

Донишмандлар инсон тарбияси, одобини баъзида энг чиройли ва кўркам хулққа эга бўлиш десалар, баъзида нафсни барча қабиҳ одатлардан тозалаш ҳам дейдилар.

Оилада болаларга ақл, одоб, ҳаё, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳру шафқат, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, интилувчанлик, илму маърифатга ташналик сингари ахлоқий мезонлар сингдирилиши лозим. Бундай ҳикматлар, эзгуликка ундовчи эртаклар, ривоятлар, афсоналардан фойдаланиш, айниқса яхши самара беради. Зеро, ҳаким Афлотун эътироф этганидек, баданнинг жароҳати даво билан, жоннинг жароҳати эса ҳикмат билан тузалади.

Ўзбек халқининг асрлар мобайнида шаклланган менталитетига кўра, бир болага етти маҳалла ота-оналик вазифасини ўтайди.

Болалар тарбиясида мактабда бериладиган тарбиянинг аҳамияти ҳам беқиёс. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда яқин беш йил ичида мактаб таълимини тубдан ўзгартиришга мўлжалланган дастур асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бизга нафақат чуқур билимга эга бўлган мутахассислар, айни пайтда шиддат билан ривожланиб бораётган замон талаблари билан тенгма-тенг қадам ташлай оладиган шахслар зарур.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг баркамол шахс сифатида вояга етишида давлат ҳокимиятининг қуйи бўғини ҳисобланувчи ўз-ўзини бошқариш идоралари, маҳалла фаоллари, қолаверса, кекса отахонлару онахонлар беназир вазифани бажариб келяптилар. Ўзбек халқида қўни-қўшничилик маҳалла-кўйчилик сингари қадриятларнинг ривожланганлиги туфайли тарбия соҳасидаги муаммолар жиддий тус олишига йўл қўйилмай келинаётир.

Дейлик, маҳаллада кексалар, катта ёшдаги кишиларга салом бериш зарурлиги болаларга боғча ёшидан сингдирилади. Бу каломни ҳурмат билан тилга олган болаларни кексалар "Отангга балли, болам, кам бўлмагин" дея дуо қиладилар.

Мана шу асно рисоладагидек саломлашишнинг ҳам тарбиявий аҳамиятини, афсуски, кейинги йилларда ёшларимиз бироз унутиб қўйгандай... Жумладан, аксарият ёшларимиз ўзаро "Ассалому алайкум" дея босиқлик билан саломлашиш ўрнига, ғўдайиб "Салом", "Привет", "Қалайсан", "Хелло, братан", "Чао", "Байбай", "Салют", "Айва" каби тутруқсиз ибораларни қўллашлари одат тусини олаётганига бефарқ бўлмаслигимиз зарур.

Мутафаккирлар: "Одамнинг тани қанчалик ейиш-ичишга муҳтож бўлса, ақли ҳам одобга шунчалик муҳтож. Одобсиз одамнинг халқ орасида ҳеч бир қадр-қиммати, эътибори бўлмайди. Одобли ва тарбияли бола отасининг айб ва камчиликларига пардадек бўлиб, уларни ёпиб, беркитиб қолади, одобсиз бола эса отасининг обрўси, қадр-қиммати ва эътиборини йўққа чиқаради. Болаларим, одобсиз, тарбиясиз одамларга яқинлашманг, уларнинг ёмон хулқлари сизларга юқиб қолмасин. Доимо одобли, тарбияли одамлар билан кўришиб, суҳбатидан баҳраманд бўлиб, улардан одоб ва тарбияни ўрганинг, – дейишган.

Болаларга замон талабларига мос равишда таълим-тарбия бериш масаласи Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида ҳам ёрқин ифодасини топган. Жумладан, "Таълим тўғрисида"ги Қонуннинг 30-моддаси "Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари" деб номланган бўлиб, унда ота-оналар ва оиланинг бошқа аъзолари шахснинг жисмоний, маънавий камолоти ва ақл-заковат жиҳатидан ривожланишига асос солишлари лозимлиги уқтирилган. Қолаверса, унда боланинг қадр-қимматини ҳурматлашлари, болада меҳнатсеварлик, яхшилик ва мурувват туйғусини, Ватанга, ёши улуғларга, давлат тили ва она тилига, оилага, миллий тарихий ва маданий қадриятларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялашлари шарт эканлиги таъкидланган.

Тарбия тарихига назар ташлайдиган бўлсак, ўлкамизда азалдан ҳукм суриб келаётган исломий ақидалар ҳам асосан эзгуликка даъват қилиши билан эътиборни тортади.

Нафақат ўзбек халқи, балки Шарқдаги қатор халқларда фарзандлар маънан ва жисмонан камолотга етишида беқиёс меҳнати сингган волидаи муҳтарама ва падари бузрукворларга умр бўйи меҳрибон бўлишига, ғамхўрлик кўрсатишга даъват қилинади.

Қуръони Каримнинг қуйидаги сураларида бу масала ўз ифодасини топган: "Биз инсонга ота-онасига яхшилик қилишни амр этдик.... Биз инсонга буюрдики, сен менга ва ота-онангга шукр қилгин! Ёлғиз ўзимга қайтажаксан! Уларга дунёда яхши муомалада бўлгин ва ўзинг менга ижобат-тавба қилган кишиларнинг йўлига эргашгин!" Шу ояти шарифага ҳамоҳанг равишда Пайғамбаримиз с. а. в. "Кичикларга раҳм-шафқатсиз бўлиб, кексалар ҳақларини билмай, уларнинг ҳурматини сақламаган, билмаган киши биздан эмас", – дея таъкидлайдилар.

Шарқ адабиёти, хусусан Шарқ шеърияти ўзига хос ахлоқий қомус ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Саъдий Шеърозийнинг "Гулистон" ва "Бўстон", Абдураҳмон Жомийнинг "Баҳористон", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб", Кайковуснинг "Қобуснома" асарларини бу борада мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу асарларда комил инсон тарбиялашнинг шартлари ўз ифодасини топган. Қолаверса, мутафаккир шоир ва ёзувчиларнинг аксарият бадиий асарларида эзгуликка, ахлоқ-одобли бўлишга даъват қилинади. Адабиётнинг асосий вазифаси ҳам фақат эзгуликка хизмат қилишдан иборат.

Бу асарларда камтарлик, илму маърифатли бўлиш, кичикларни иззат, катта ёшли кишиларни ҳурмат қилиш сингари инсоний фазилатлар қаторида ҳалоллик ва поклик, тўғрилик, ҳақгўйлик каби хислатлар ҳам тараннум этилади.

Ўтган асрнинг бошларида яшаб, ижод қилган Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарида тарбия масаласида шундай қимматли фикрларни ўртага ташлайди: "Тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзаллантурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим". Авлоний бу асарида бола тарбиясини бир неча қисмларга ажратади. Бола тарбияси билан боғлиқ бу босқичларнинг барчаси жуда муҳим аҳамиятга эга.

Инсоният пайдо бўлибдики, тарбиянинг мукаммал шаклларини яратиш устида бош қотириб келади. Бу борада муайян ютуқларга ҳам эришилган. Инсон ҳам жисман, ҳам маънан баркамол вояга етмоғи йўлида эришилган бу ютуқлар бугунги кунда ҳаётимиздан кенг ўрин эгалламоқда. Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётгани, ўзбекистонлик спортчилар жаҳон миқёсида ўтказилаётган мусобақаларида совринли ўринларни қўлга киритаётгани, ҳатто шахмат соҳасида жаҳон чемпиони етишиб чиққани бу борада амалга оширилаётган ишлар катта самара бераётганидан далолатдир.

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида тарбиянинг замонавий усулларининг йўлга қўйилиши натижасида ватанпарварлик туйғуси кучли авлод камол топиб бораётир. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсади ҳам наинки иқтисодий равнақни, халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат, айни пайтда комил инсон шахсини шакллантиришга йўналтирилган.

Комил инсон ғояси – ҳам миллий, ҳам умумбашарий моҳиятга эга бўлган одамзодга хос энг юксак маънавий ва жисмоний баркамолликни мужассам этган, уни ҳамиша эзгуликка ундайдиган олижаноб ғоядир.

Тарбия масаласига панжа орасидан қарашнинг оқибатлари қанчалар қимматга тушиши мумкинлигини жаҳонда тобора авж олиб бораётган ақидапараст террорчилик ҳаракатлари ҳам исботлаб турибди. Ёшларни ватанпарварлик, эзгулик ғояларига содиқлик руҳида тарбияламаслик мана шундай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Тарбия масаласида бугунги кунда юзага келган муаммоларнинг асосий илдизлари собиқ шўролар даврига бориб тақалади. Зеро, мустамлака йилларида сохта мафкура руҳида тарбиялаш масаласи биринчи ўринга қўйилди. Динимиз, миллий урф-одатларимиз, оилавий анъаналаримиз, расм-русумларимиз, миллий қадриятларимиз оёқ ости қилинди, эскилик сарқити сифатида камситилди. Оқибатда болалар тарбиясида аксарият Ғарб мамлакатлари усули кенг қўлланила бошланди.

Ўзбекистон мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг куч-қудратини ошириш, халқ фаровонлигини таъминлаш масаласи бугунги кунда асосий вазифа бўлиб турган экан, бу энг аввало, тарбияни тўғри ташкил қилишни талаб этади. Чунки келажакнинг қандай бўлиши ёшларга, уларнинг тарбиясига боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

**Акром АКМАЛОВ,**
*республика "Маънавият ва маърифат" маркази бўлим мудири,*
**Абдиҳамид ПАРДАЕВ,**
*бош мутахассис.*

Хориж тажрибасидан

# ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЗАРУР

**МДҲ давлатлари томонидан терроризм ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш доирасида 2001 йил бошидан буён Россия ҳудудида ўтказилган операциялар пайтида 2013 нафар жиноятчи қидирилди. Шулардан 1443 нафари ушланиб, Ҳамдўстлик давлатларига жўнатилди. Шу давр ичида МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари ички ишлар идоралари ходимлари Россияга жўнатиш учун 236 нафар жиноятчини қидиришди. Шулардан 109 нафари ушланиб топширилди. 2001 йилда Россия Ички ишлар вазирлиги МДҲ давлатларининг тегишли вазирликларига антитеррористик фаолиятга оид 75 та ҳужжат тақдим этди.**

Россия Федерацияси ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан 2001 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида АҚШнинг нуфузли идоралари илтимосига биноан Россия ҳудудида террористик ташкилотлар вакиллари, улар билан алоқада бўлган юридик шахслар, ҳамда молиявий маблағларини аниқлаш бўйича тадбирлар ўтказилди.

Шу ўринда Россия Федерациясининг Федерал чегара хизмати мамлакатга кириши ман этилган шахслар устидан чегара назоратини кучайтирганини алоҳида таъкидлаш зарур. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари топшириғи бўйича террорчи гуруҳлар фаолиятига мансуб деб гумон қилинган шахсларни ушлаш учун тозалаш тадбирларини ўтказдилар. 2001 йилнинг сентябридан декабрь ойигача чегарачилар тегишли ҳужжатларга эга бўлмаган ёки рисоладагидек расмийлаштирилмаган 32292 нафар кишини (шулардан 27078 нафари хорижликлар) аниқладилар.

Россия Федерациясининг Федерал чегара хизмати террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида бир қатор давлатлар билан давлат чегараларини қўриқлаш бўйича икки ва кўп томонлама битимлар асосида доимий равишда ўзаро ахборотлар алмашинувини амалга оширди. Ушбу жараённи янада фаоллаштириш ва тезкорлигини таъминлашни кўзлаган чегара хизмати идоралари раҳбарларининг иккинчи учрашуви Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида ташкил этилди. Унда Канада, Корея Республикаси, АҚШ, Япония ва Россия давлатлари вакиллари ўзаро ҳамкорликнинг аниқ йўналишларини белгилаб олишди. Учрашувда шунингдек, бир қатор тажрибалар ўтказишга келишиб олинди. Жумладан, Россия Федерал чегара хизматининг шимолий-шарқий ҳудудий Бошқармаси билан АҚШ Қирғоқларини қўриқлаш бошқармаси ўртасида икки томонлама ахборотлар алмашинувини тажриба сифатида ўтказиш ҳақида қарор қилинди.

Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги томонидан антитеррористик каолиция иштирокчилари бўлган давлатлар ҳарбий идоралари билан куролланган террорчи гуруҳларнинг фаолияти ҳақида доимий ахборот алмашинуви йўлга қўйилган. Антитеррористик каолиция бўйича шериклар билан ахборот алмашинуви Россиянинг бошқа вазирлик ва идоралари, биринчи галда махсус хизматлар, орқали ҳам амалга оширилади.

БМТ хавфсизлик кенгашининг 1373 қарорида кўзда тутилган тезкор маълумотлар алмашинувини фаоллаштириш ва жадаллаштириш мақсадида терроризмга молиявий ёрдам кўрсатаётган шахслар тузилмалар, ана шундай кўмак бериш услублари ҳақидаги маълумотларнинг халқаро базасини яратиш муҳимдир. Шунингдек, Ядровий материаллар, кимёвий ва биологик ашёлар ўқ отар қурол, гиёҳвандлик моддалари, валюталарни контрабанда йўли билан олиб кириш ва олиб чиқиш ҳақидаги маълумотлар билан, божхона ва бошқа қоидабузарликлар бўйича доимий ахборот алмашинувини йўлга қўйиш катта аҳамиятга эга.

Жамоа хавфсизлиги кенгашининг Ереванда ўтказилган сессияси (2001 йил 25 май) қарорига биноан 2001 йил 1 августдан Марказий Осиё минтақасида Жамоа хавфсизлиги ҳақида Шартнома имзоланиб Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Россия қуролли кучлари қисмлари ва бўлинмаларидан иборат тезкор кучайтириладиган жамоа кучлари тузилди. Бу кучлар ЖХШ кирувчи давлатларда ҳарбий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, ташқи ҳарбий ҳуружни бартараф этиш, террорчилик ҳаракатларига биргаликда қарши курашда иштирок этади.

БМТ хавфсизлик кенгашининг 1373 қарори талабларини тўла бажарилишини таъминлаш мақсадида Россия терроризмга қарши кураш бўйича кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни қуйидагиларга асосан фаол амалга ошираяпти:

- авиация хавфсизлигини таъминлаш учун ҳаво йўллари тўғрисида икки томонлама ҳукуматлараро келишув;
- терроризмга қарши кураш ҳақидаги Низомни ўз ичига олган, жиноятчиликка қарши кураш ҳақида кўп томонлама ва минтақавий шартномалар, жумладан, жиноятчилик, айниқса, унинг уюшган турига қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисида Қорадengиз иқтисодий ҳамкорлигига қатнашувчи давлатларнинг ҳукуматлараро келишуви (1998), жиноятчиликка қарши курашишда МДҲ давлатларининг ҳамкорлиги тўғрисида келишув (1998 йил) ;
- жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро икки томонлама шартномалар (14 та давлат, жумладан Ўзбекистон билан ҳам), 1996 йилда Россия Федерацияси ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида жиноят-ҳуқуқ масалалари бўйича ўзаро Келишув кучга кирди;
- жиноят ишларини топшириш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича давлатлараро шартномалар (ҳозирги пайтда Россия Европа Кенгаши ва МДҲ давлатлари доирасида тузилган учта кўп томонлама ва жиноий ишлар бўйича ёрдам кўрсатиш ва топшириш тўғрисида 33 та икки томонлама битимлар қатнашчисидир);
- терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши кураш соҳасида бошқа халқаро шартномалар (Арманистон, Грузия, Озарбайжон);
- халқаро терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича МДҲ давлатларининг 2003 йилгача бўлган дастурлари, 2000-2003 йиллар давомида жиноятчиликка қарши курашишда ҳамкорлик чораларининг давлатлараро дастурлари.

Россия ИИВ террорчилик характеридаги жиноятларнинг олдини олиш ташкилий тузилмаларига Россия ИИВ криминал милицияси ва жамоат хавфсизлиги хизмати Бош бошқармаси ва бошқармалари, ИИВ федерал округлари бўйича Бош бошқармалари, республикалар ИИВлари, вилоят шаҳар, туманлар ИИБлари, транспорт милицияси киради.

Россия Федерацияси Ички ишлар вазирининг 2002 йил 21 февралдаги "Террорчилик характеридаги, ғаразли мақсадлар кўзланган жиноятларнинг олдини олиш бўйича ички ишлар идоралари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги буйруғига асосан "Террорчилик характеридаги, ғаразли мақсадлар кўзланган жиноятларнинг олдини олиш бўйича ички ишлар хизмати ва бўлинмалари фаолияти ҳақида қўлланма" тасдиқланди. Унда ички ишлар идоралари хизматлари ва бўлинмаларининг вазифалари белгилаб берилган.

Шу ўринда ички ишлар идоралари ҳозирги кунда оғир аҳволда қолганини айтиб ўтиш жоиз. Иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий шароитларнинг кескин ўзгариши жамиятда жиноятчиликнинг ўсиб бораётгани янги, нисбатан самарали усулларда фаолият юритишни тақозо этмоқда.

Ички ишлар идоралари ва ички қўшинлар фаолиятида самарадорликка эришиш учун уларнинг давлат ҳокимияти, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва мустаҳкамланиб боришига эришиш зарурати тобора намоён бўлмоқда. Бунинг учун биринчи галда аҳоли билан биргаликда ҳаракат қилиш борасида тўпланган тажрибаларга таяниш ички ишлар идоралари ва ички қўшинларни ривожлантириш концепциясида қайд этилган.

Чеченистондаги аҳоли пунктлари, Россиянинг бошқа жойларидаги портлашлар жамоат тартибини сақлаш фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар билан ҳамкорликда уч йўналишда тадбирлар ўтказишни талаб этмоқда. Жумладан:

- шубҳали шахсларни кузатиш ва бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериш учун аҳоли пункти ва кўпқаватли уйларда яшовчи фуқаролардан гуруҳлар тузиш;
- аҳолини террорчилик ҳуружларига қарши курашишга ўргатиш;
- ички ишлар ходимларининг жамоат бирлашмалари, диний ташкилотлар, ва аҳоли билан учрашувларини ташкил этиб, терроризмга қарши кураш масаласида маслаҳатлар бериш.

Шулардан келиб чиқиб:

- ички ишлар идоралари оммавий ахборот воситалари билан алоқани мустаҳкамлаб, терроризм хавфини ёритиб бориш, аҳолига террорчилик ташкилотларининг турлари, услублари ва аниқ ҳаракатлари тўғрисида ахборот бериб бориш, уларнинг фаолиятини тузатиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида жамоатчиликка маълум қилиш;
- терроризм хавфини тушунтириш юзасидан доимий равишда жамоатчилик, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари фикрини ўрганиб бориш;
- терроризмга қарши курашиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини эътиборга олиш;
- терроризмга қарши курашиш мажмуи узоқ муддатли эканлиги ёки терроризмнинг вужудга келиши, ривожланиши асосида мураккаб сабаблар ётишини тушуниб олиш;
- биринчи галда профилактик ва огоҳлантириш тадбирларига эътиборни қаратиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларининг хизмат тайёргарлиги жараёнида терроризмга қарши кураш бўйича ўқув-услубий ва амалий машғулотлар мажмуини ишлаб чиқиш;
- терроризм ривожланиши анъаналари бўйича статистик ҳисоботлар тайёрлаш юзасидан ахборот алмашинуви учун шароит яратиш мақсадга мувофиқдир.

Ⓝ





Долзарб мавзу

# МАМЛАКАТИМИЗДА

**Ҳурматли таҳририят! Фуқаролар қўшни давлатларга бормоқчи бўлишса, қандай йўл тутишлари зарур? Умуман, хорижга чиқиш, келиш ва фуқаролик тизими бўйича ўрнатилган виза тартиби, унга амал қилиш қоидалари ҳақида маълумот берсангиз.**

**Моҳпархон БУРХОНОВА,**
*Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани.*

***Таҳририятимизга келган ушбу мактубда ўртага ташланган ва муштарийларимизнинг бошқа кўплаб саволларига жавоб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқаролик бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник Қодиржон ЗОКИРОВ билан суҳбатлашдик.***

**– Қодиржон Толибжонович, қўшни давлатлар ўртасида виза тартиби ўрнатишдан мақсад нима?**

– Виза тартиби давлатлар манфаатларини ҳимоя қилади. Мамлакатга кириб келаётган хорижлик фуқароларнинг ҳаракатини тартибга солади. Шунингдек, турли кўринишдаги халқаро жиноятчилик ҳамда ноқонуний қурол-яроғ, гиёҳвандлик моддалари савдоси каби ҳолатларининг олдини олади.

**– Мамлакатимиз билан қайси давлатлар ўртасида виза тартиби ўрнатилган?**

– Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида вақтинча бўлишлари тартиби Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 26 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 ноябрдаги "Хорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасига келишлари, кетишлари, бу ерда бўлишлари ва транзит ўтказишлари тартиби тўғрисида"ги Қарорида белгилаб берилган.

Хорижий фуқаролар, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қўшни Туркманистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон фуқароларининг Битим талабларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишлари Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан бериладиган виза орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан имзоланган халқаро Битимларда кўрсатилган ҳолатлар (Россия Федерацияси, Украина, Белорусь, Молдова, Арманистон, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон) бундан мустаснодир.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан қўшни Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари ҳукуматлари ўртасида 1999-2000 йилларда имзоланган "Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетишлари тартиби тўғрисида"ги Битимлар кучга кирди. Ана шу ҳужжатларда кўрсатилган шартларга кўра, бир давлатнинг фуқаролари бошқа томон ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ўтиши ҳамда вақтинча бўлиши мумкин.

Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва қўшни Туркманистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон республикалари фуқаролари Битим талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз ҳудудига киришлари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг хориждаги консуллик муассасалари томонидан бериладиган виза орқали амалга оширилади.






Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битим 2003 йил 26 июндан бошлаб кучга кирган. Битимнинг 2-моддасида Қозоғистон миллий паспортларига (бунга Қозоғистоннинг шахсни тасдиқловчи гувоҳномаси кирмайди) эга бўлган фуқаролар (Чегара қўшинлари томонидан қўйилган "кириш-чиқиш" штампи ёки "миграция карточкаси" санасига қараб) беш кеча-кундузгача вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан республикамиз ҳудудида бўлишлари мумкин.

Агар республикамизда бўлиш муддатлари 5 кеча-кундуздан ортса, вақтинча қайддан ўтиш учун ҳудудий ИИБга ўрнатилган тартибда ариза билан мурожаат этишлари лозим.

Мамлакатимизга вақтинча яшаш учун келган чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, шу жумладан, МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, байрам ва дам олиш кунларини ҳисобга олмаганда уч кун ичида вақтинча яшайдиган ҳудуддаги ички ишлар идоралари ёки меҳмонхоналарда вақтинчалик қайддан ўтишлари лозим.

Мазкур тоифа чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинчалик бўлиш муддати давомида юқорида кўрсатиб ўтилган Битим талабларига риоя этишлари ва белгиланган муддатда, республикамиз ҳудудидан чиқиб кетишлари лозим. Айрим сабабларга кўра, вақтинчалик бўлиш муддатини узайтириш зарурати туғилса, чет эл фуқароси (бунга узоқ хорижий давлатлар, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон фуқаролари киради) ва фуқаролиги бўлмаган шахсни таклиф қилган жисмоний ёки юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧКваФ Бошқармасига тегишли ҳужжатлар билан мурожаат қилиб, виза муддатини узайтиришлари лозим. Виза тизими жорий этилмаган МДҲга аъзо давлатлар фуқаролари эса вақтинчалик қайддан ўтган ҳудудий ички ишлар идораларига аризалари асосида вақтинчалик қайд муддатини узайтириш масаласида мурожаат этишлари лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ХЧКваФ Бошқармасининг "Тошкент" аэропортидаги бўлими томонидан мамлакатимиздан чиқиб кетаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга енгиллик яратиш мақсадида, уларга авиа чипталари ва

# ВИЗА ТАРТИБИ

миллий паспортлари асосида чиқиш визалари расмийлаштириб берилади ва бунинг учун белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади.

**– Битимга имзо чеккан давлатлар ҳудудига кирмоқчи бўлган Ўзбекистон фуқаролари қаерга мурожаат қилишлари зарур?**

– Бу фуқаролар визани ўзлари бормоқчи бўлган давлат элчихонасининг консуллик бўлимидан оладилар. Бунинг учун керакли ҳужжатлар тақдим этилиб, махсус сўровнома тўлдирилади. Унда чет элга боришдан кўзланган мақсад аниқ-равшан баён этилиши зарур.

**– Битимларда Ўзбекистон чегарадош туман ва шаҳарлар рўйхати ўрин олган. Бу жойларда яшовчи фуқароларга бирор енгиллик берилганми?**

– Виза тартиби жорий этилган қўшни давлатлар – Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикалари ўртасидаги тарихий муносабатлар ва улар билан узвий боғлиқликлар инобатга олиниб, томонларга чегарадош бўлган ва ушбу ҳудудларда доимий яшаётган аҳоли бошқа томонга беш кунгача визасиз, миллий паспорт билан кириб-чиқишига рухсат берилган. Агарда фуқаролар шу муддатдан ортиқ вақт бўлишларига тўғри келса, бундай ҳолатларда улар ўз давлатларидаги Ўзбекистон элчихонасига мурожаат қилиб, кириш визаси олишлари талаб этилади.

Ушбу муддатни ўтказиб юборганларга нисбатан маъмурий чоралар қўлланилади. Улар белгиланган ҳудудлар ташқарисига ўтиб кетишлари, виза олмасдан мамлакат ичкарисига кириб боришлари ҳам мумкин эмас.

**– Фуқароларимиз қўшни мамлакатларда ана шу муддатдан ортиқ вақт бўлишларига тўғри келса-чи?**

– Бундай ҳолатда улар шу мамлакат элчихонаси орқали кириш визасини олади. Бунинг учун ўзи яшаётган туман ички ишлар бўлимига мурожаат қилиши лозим. Бу ерда чақирув ҳужжатини расмийлаштиради ва таклиф этилаётган одамга юборади. Ўз навбатида ана шу чақирув визаси билан Ашхобод, Бишкек ёки Душанбедаги Ўзбекистон элчихонаси орқали виза расмийлаштирилади.

**– Қўшни давлатдан чақирилган фуқаро Ўзбекистонга келгач, қандай тартиб-қоидага риоя этиши лозим?**

– У уч кун ичида вақтинча рўйхатдан ўтиши лозим. Муддат тугагандан кейин дарҳол Ўзбекистон ҳудудидан чиқиб кетиши талаб этилади. Мабодо, қонуний асосда ёки бетоблиги туфайли белгиланган муддатни узайтириш зарурати туғилса, фуқарони таклиф қилган киши ёки юридик шахс бизнинг бошқармага мурожаат қилиб, виза муддатини узайтириши мумкин.



**– Юртимизга виза тартиби ўрнатилган мамлакатдан келиб, ўз вақтида рўйхатдан ўтмаган, виза муддати тугагач, чиқиб кетмаган фуқароларга, шунингдек, уларни таклиф этган фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан амалдаги тартиб қоидалар бузилишига йўл қўйилса, уларга нисбатан чора кўриладими?**

– Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик кодекси 225-моддасининг 1-бандига асосан, чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузиши, яъни Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини берадиган ҳужжатларсиз ёки ҳақиқий бўлмаган ҳужжатлар билан яшаши, рўйхатдан ўтиш, кўчиш ёки турар жой танлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этмаслиги, бўлиш муддати тугагач, чиқиб кетишдан бўйин товлаши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит тарзда ўтиш тартибига риоя қилмаслиги энг кам иш ҳақининг ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқариб юборишга сабаб бўлади.

225-модданинг 2-бандига асосан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикасида бўлиши қоидаларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни қабул қилиш тартибининг мансабдор шахс томонидан бузилиши – мансабдор шахсга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

225-модданинг 3-бандига асосан, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни хусусий иш билан Ўзбекистон Республикасига таклиф қилган фуқаро томонидан мазкур фуқароларнинг чет эл паспортларини ўз вақтида рўйхатдан ўтказишга, улар шу ерда бўлишининг белгиланган муддати ўтгач, чиқиб кетишларини таъминлашга доир чоралар кўрилмаслиги, шунингдек, уй-жой, транспорт воситалари бериб қўйилиши ёхуд бошқа хизматлар кўрсатилиши, агар бу Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларининг бузилишига олиб келиши олдиндан аён бўлса – энг кам иш ҳақининг икки бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.




**– Айтайлик, бирор кишининг қўшни давлатда яшаётган оила аъзоси, қариндоши бетоб бўлиб қолса ёки дафн маросимида иштирок этишига тўғри келиб қолса, шошилинч виза олиши мумкинми?**

– Албатта. Масалан, Ўзбекистон билан Қирғизистон республикалари ҳукуматлари ўртасида имзоланган Битимнинг 9-моддасида айнан шу ҳақда гап боради. Инсонпарварлик тарзидаги шошилинч ҳолларда томонларнинг ваколатли органлари томонидан берилган тасдиқловчи ҳужжатлар асосида фуқароларга визалар 24 соат ичида, бепул расмийлаштириб берилади. Бундай ҳолат Тожикистон Республикаси билан тузилган Битимда ҳам кўзда тутилган.

**– Фуқароларга виза берганлик ва виза муддатини узайтирганлик учун ундириладиган давлат божлари хусусида ҳам тўхталсангиз.**

– Турар жойидан вақтинчалик қайддан ўтганлик, қайд ва виза муддатини узайтириб берганлик учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 30 апрелдаги ва 1993 йил 19 августдаги Қарорларига асосан белгиланган миқдордаги давлат божларини Ўзбекисон Республикаси Марказий банкининг ваколатли шохобчаларига тўланади.

Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, осойишта ҳаётимиз, тинчлигимизни асраб-авайлаш биринчи навбатда, мамлакатимизга кириш-чиқиш ва унда бўлиш тартибига қатъий риоя қилишимизга боғлиқ. Бу эса баъзан учраб қолаётган ҳасадгўй, қора ниятли кимсаларнинг юртимизга кириб келишини олдини олишда катта аҳамият касб этади. Шундай экан, ҳар биримиз ўз фуқаролик бурчимизни унутмайлик.

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА**
*суҳбатлашди.*

Суратларда: *ИИВ ХЧК ва ФБ инспектори, капитан Т. Абдураимов Корея фуқароси билан; ИИВ ХЧК ва ФБ инспектори, катта лейтенант Д. Сулаймонов Ҳиндистон фуқароси билан; Республика ИИВ ХЧК ва ФБ катта инспектори, майор Г. Мадарбекова хизмат пайтида.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

Хизматларда

# ХОДИМ БЎЛИБ ТУҒИЛГАН

– Менда ҳам қачон сизникига ўхшаш елкасида юлдузлари бор кийим бўлади, – дея бувасининг фуражкасини бошига кийиб олиб, эркаланиб сўради Нодирбек.

– Эй, ҳе, болам-а, бу кийимга ҳавас қилишинг яхши-ку-я, машаққати, масъулияти борлигини ҳам билсанг эди, – дея буваси жилмайиб қўйди. – Бунинг учун яхши ўқишинг, спорт билан мунтазам шуғулланишинг керак. Шунда сен ҳам даданга ўхшаб юрт посбони бўласан...

Орадан 18 йил ўтди. Нодирбек 5-6 ёшларида буваси айтган гапларни ўтган вақт мобайнида асло унутмади. Ҳақиқий йигит бўлиб вояга етгач, ички ишлар ходими бўлишга аҳд қилди. Бу ҳақда ота-онасига маслаҳат солди. – Ниятинг яхши, лекин хизмат қилишнинг ўзига яраша масъулияти, машаққати бор, чидай оласанми? – деб унга саволомуз қаради дадаси Насимжон ака. – Кези келганда, ўртоқларинг билан ҳам улфатчилик қилолмайсан, байрам кунлари хизматда қолишингга тўғри келади.

– Майли, дада, ҳар қандай қийинчиликларга чидайман, бунга қатъий аҳд қилганман, – деди Нодирбек.

– Баракалла, ўғлим, сен бир сўзли йигит эканлигингни билардим, синаб кўрай дедимда, – дея ўғлини бағрига босди Насимжон ака. Онаси Муқаддасхон ҳам унинг пешонасидан ўпди.

Мана, Нодирбек Одиловнинг ички ишлар идораларида хизмат қилаётганига ҳам уч йилдан ошди. У Фарғона шаҳар ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш бўлими инспектори, лейтенант. Нодирбек хизмат давомида билимини ошириб бораётган ёш ходимлардан бири. У Фарғона Давлат университетида сиртдан таҳсил олмоқда.

– Ҳа, Нодирбекни Одиловлар сулоласининг давомчиси десак бўлади, – дейди Фарғона шаҳар ИИБ шахсий таркиб билан ишлаш бўлими бошлиғи, подполковник Муҳаммадрасул Мадаминов. – Унинг буваси, марҳум Ҳошимжон Одилов тезкор вакил, полковник эди. У киши тажрибали изқувар эди. Узоқ йиллар вилоят ички ишлар идораларида турли лавозимларда меҳнат қилган. Содир этилган жиноятларни ўзига хос усуллар билан очарди. Шогирдим Нодирбекнинг табиатида ҳам бувасига ўхшаш қирралари мавжуд. У интилувчан, тиришқоқ, берилган топшириқни муддатида ва сифатли қилиб бажаради. Бир сўз билан айтганда, келажакда бизнинг ўрнимизни босувчи умидли ёшлардан.

– Ёшлигимда ҳавас қилган касбга эришдим, – дейди лейтенант Нодирбек Одилов. – Болалигимда бувам қачон ишдан қайтишини кутиб, ухламай ўтирардим. Чунки қизиқ-қизиқ воқеаларни, хотираларини сўзлаб берардилар. Бувам 61 ёшда вафот этдилар. Шундан сўнг у кишининг ишини давом эттиришга аҳд қилдим. Қолаверса, дадам, подполковник Насимжон Одилов вилоят ИИБнинг ўқув маркази ўқитувчиси бўлиб ишлаётгани янада далда бўлди. Баъзан дадамнинг ишхонасига бориб, ёш ходимларнинг ҳаёти, бу ердага ўқиш жараёни билан танишардим. Шунда мен ҳам мазкур соҳанинг одами бўлиб вояга етганимни ҳис этдим.

Хизмат сир-асрорларини сиртдан билганим учун деярли қийинчилик туғилмади. Устозларим – подполковник Муҳаммадрасул Мадаминов ва майор Муҳаррамхон Ҳасановалардан касб сирларини ўрганаяпман. Бошқармага ишга кирмоқчи бўлган номзодларнинг йиғма жилдларини тайёрлаш менинг зиммамга юклатилган. Бундан ташқари, ходимларнинг касбий ва жанговар тайёргарлиги режага мувофиқ ўтказилишини назорат қилиб бораяпман. Муносиб ҳамкасбларимизни навбатдаги унвонга тавсия этиб, буйруқ чиққанда, уларнинг хурсандчиликларига шерик бўламан. Эл-юрт осойишталиги йўлида устозларим сингари бор куч-ғайратим, билимимни ишга соламан.

Қаҳрамонимизнинг оиласини ҳақиқий зиёлилар оиласи дейиш мумкин. Нодирбекнинг турмуш ўртоғи Комилахон Одилова Қирғулидаги қурилиш-саноат коллежи ўқитувчиси. Онаси Муқаддасхон Одилова Фарғона ижтимоий-иқтисодий коллежида талабаларга ўзбек тили фанидан сабоқ беради.

Ҳа, Нодирбек Одилов касбини дилдан севувчи, фидойи ходимлардан. Келажакда кўплаб масъул лавозимларда хизмат қилишига шубҳа йўқ. Зеро, у одиловлар сулоласининг давомчисидир.

**Қобилжон ШОКИРОВ.**



***Суратда:** лейтенант Н. Одилов оила аъзолари даврасида.*

**Бўрибой ОМОНЗОДА** олган сурат.

# МЕҲР-ОҚИБАТНИ ҚАДРЛАЙЛИК!

Юртимизда кечаётган демократик жараёнларнинг мақсад-моҳияти юрт тинчлигини сақлаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш билан бирга фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу саъй-ҳаракатларнинг натижаси ўлароқ жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг авф этилаётганини таъкидлаш лозим. Биргина Сирдарё вилояти бўйича амнистия туфайли 90 нафарга яқин киши жазодан озод этилди. Вилоят ИИБ раҳбарияти тегишли идоралар ҳамкорлигида фармон ижросини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унда ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчилик олдига аниқ вазифалар қўйилган. Шунга кўра жойлардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари томонидан 776 иш ўринлари яратилди. Айни пайтда 65 киши иш билан таъминланган. Озод этилган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Янгиер шаҳри, Сирдарё тумани шифохоналаридан 40 ўринли жой ажратилиб, зарур дори-дармонлар билан таъминланди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, улар орасида қариялар, ногирон ва вояга етмаганлар, ёлғизлар ҳам бор. Кексалардан икки нафари қариялар уйига жойлаштирилди. Вояга етмаган А. Мирҳамид қариндоши И. Жаннатнинг қарамоғига берилди. К. Ғуломжон ўзи яшаб турган ҳудуддаги фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди. Бу йигит ўзи билмаган ҳолда диний-экстремистик оқимга кириб қолган, бироқ кеч бўлса-да хатосини англаб, сидқидилдан тавба қилган эди.

Ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар инобатга олинган ҳолда собиқ маҳкумларни дастлабки кўникма даврида моддий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаяпти. Шу кунгача уларнинг 34 нафарига 900.000 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

– Жазодан озод этилганлар, умуман илгари судланганлар томонидан такрор жиноятлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида профилактик чора-тадбирлар кўрилаяпти, – деди ИИБ ҲООБ бошлиғи, полковник Т. Мўминов. – Мазкур ишда нафақат профилактика, балки тезкор хизмат, ХЧК ва ФБ, шунингдек бошқа соҳа ходимлари, ўз-ўзини бошқариш идоралари вакиллари ҳам фаол иштирок этишаяпти. Маҳаллаларда учрашувлар, суҳбатлар уюштирилиб, маҳаллий телевидение орқали кўрсатувлар берилаяпти. Маҳаллалардаги обрўли, ҳурматга эга кексаларнинг бу тоифа шахсларга мураббий этиб бириктирилиши ҳам яхши натижа бермоқда. Маҳкумларга ҳар томонлама кўрсатилаётган меҳр-оқибат улар томонидан муносиб қадрланишига ишонамиз. Зотан, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш одамийликнинг биринчи фарзларидандир.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

# ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ИНТИЗОМ

**Урганч темир йўл бекати тармоқ ички ишлар бўлими ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш, темир йўл ҳамда ҳаво транспортларида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида ижобий натижаларга эришмоқдалар.**

Айни кунларда тезкор тадбирлар амалга оширилаяпти. Айниқса, гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар ўз вақтида фош этилмоқда. Диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш бўйича вилоят ИИБ, МХХ, чегара қўшинлари ҳамда божхона хизмати ходимлари билан ҳамкорликда тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ушбу режага асосан ҳаво ва темир йўл транспортлари орқали ҳудудга кириб келаётган йўловчилар ва уларнинг юклари мунтазам текшириб борилмоқда.

Ходимлар тезкор вазиятдан келиб чиққан ҳолда "Тозалаш", "Антитеррор", "Арсенал", "Фуқаро", "Таътил" каби ўнлаб тадбирларда фаол иштирок этишяпти. Бунда темир йўл атрофида яшовчи аҳоли ўртасида шу ҳудуддан ўтувчи йўловчи поездларнинг ойналари вояга етмаганлар томонидан синдирилиши, алоқа воситаларига шикаст етказиш ва ўғрилаш, йўлчироқларни синдириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида самарали ишлар қилинмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар натижасида шу кунгача жамоат жойларида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

– Шу йилнинг ўтган икки ой мобайнида ходимларимиз томонидан турли ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун уч юздан ортиқ шахсга нисбатан баённомалар тузилди, – дейди Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Нишонбой Иноятов. – Улар қонунда белгиланган тартибда жазоландилар.

Бўлим раҳбарияти ходимларнинг касб маҳорати ҳамда жанговар тайёргарлигини ошириб боришга алоҳида эътибор қаратган. Бундай амалий тадбирлар юрт тинчлиги ва халқ осойишталигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилаяпти.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**



***Суратда:** Урганч темир йўл бекати тармоқ ИИБ тергов бўлими катта терговчиси, майор Эрназар Ражабов (чапдан) терговчи, катта лейтенант Яхшимурод Шарипов билан.*

**Жумабой ҚОЗОҚ** олган сурат.

# ЭЪТИБОР КУЧАЙТИРИЛДИ

Ички ишлар идоралари тизимида кинология хизматини янада такомиллаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Қашқадарё вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинологлари эришаётган ютуқлар мақтовга лойиқдир. Кинолог-инспекторлар бир юз ўттиздан ортиқ хизмат итларига гиёҳвандлик ва портловчи моддалар, ўқ отар қуроллар, ўқ-дориларни аниқлаш усулларини ўргатиб, улар хизматидан самарали фойдаланишмоқда.

Хизматда фойдаланиш учун зотдор итлар сонини кўпайтиришга катта аҳамият берилаяпти. Ўтган йили Канададан 7 та зотдор хизмат итлари келтирилди. – Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш борасида ходимларнинг хизмат итларидан фойдаланиб, қилаётган саъй-ҳаракатлари бесамар кетмаётир, – деди ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, майор Г. Дилмуродов.

Бугунги кунда питомникда олтмишга яқин хизмат итига мўлжалланган вольер, изолятор, туғруқхона, қишки ва ёзги чўмилтириш ҳавзалари, ветеринария хизмати хоналари мавжуд. Ҳар бир хизмат ити зарур озуқалар билан етарли даражада озиқлантирилиб, уларни турли касалликларга қарши кўрикдан ўтказиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Бунда ветеринария хизмати бошлиғи, лейтенант Зокир Нормуродовнинг хизмати катта бўлмоқда. Ходимларнинг дам олиши ҳамда спорт билан шуғулланишлари учун шароит етарли. Барча хоналар кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган. Хизмат итига оид маълумотларни сақлаш ҳамда ҳужжат ишларини юритиш учун компьютер ажратилган. Патруллик ва бошқа тадбирларда хизмат итлари иштирокини таъминлаш мақсадида кинология хизматига учта автотранспорт ҳамда 8 та радиоалоқа воситалари берилган. Ана шулар ва бошқа хизматлар билан ҳамкорлик эвазига соҳа тобора шаклланиб бормоқда.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ,**
*лейтенант.*

«Постда» gazetasining ilovasi

TV UCHINCHI OLAM

+ HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Мўъжиза

# РОҲИБЛАР БАШОРАТИ



**Тибетликлар будда дини роҳиблари келажак воқеаларини олдиндан кўра билишига ишонишади. Шунинг учун Тибетдаги роҳибхоналардаги гапсўзларга хавотир билан қулоқ тутишади. Башоратчиларнинг фикрича, сайёрамиз ҳалокат сари бораяпти.**

Хусусан, 2010-2012 йиллар оралиғида дунё икки қутбга ажралиши мумкин. Турли сиёсий усуллар, музокаралар ўз натижасини бермайди. Роҳибларнинг тахминича, 2012 йилда ғайритабиий воқеалар юз бериши эҳтимоли мавжуд. Аммо улар нимани назарда тутаётганларини аниқ айтишмаяпти. Бу ядро уруши ҳам, сув тошқини ҳам, самодан бериладиган зарба ҳам бўлиши мумкин эмиш.

Нима бўлганда ҳам, тибетликларнинг фикрича, қандайдир ўта муҳим воқеа юз беради. Бунга, балки, ғайритабиий кучлар аралашишар, дунёмизнинг вайрон бўлишига йўл қўйишмас.

Башоратларнинг тасдиқлашича, ўзга сайёраликлар анчадан буён ҳар бир қадамимизни кузатиб туришибди. Улар пайти келгунча заминдаги ишларни кузатиб туришади. Аммо 2012 йилда сайёрамизни қутқариб қолиш учун аралашишга мажбур бўлишади.

Фақат 2012 йилдан кейин олимлар фан-техника ютуқлари маънавий тараққиёт билан боғланиши зарурлигини чуқур англаб етишади. Технология ривожи юқори босқичга кўтарилиб, янги йўналишлар касб этади. Одамлар маънавиятнинг туб моҳиятини тушуниб, ҳаммамиз бир-биримиз билан боғлиқлигимизни чуқур ҳис этишади. Бунга ғойибдан кўмаклашишади.

Уфологларнинг кузатишларига кўра, Ҳиндистон ва Хитой осмонида сўнгги пайтларда тез-тез НУЖлар пайдо бўлиши кузатилаяпти. Бунинг сабабини роҳиблардан сўрашганида, улар кулимсираб, муқаддас кучлар мазкур мамлакатларни кузатиб туришганини айтишди.

“India Daily” газетасининг мухбири Н. Субраманиумнинг ёзишича, миш-мишларга қараганда, ўзга сайёраликлар Жануби-Шарқий Осиё ҳукуматлари билан алоқага киришган бўлишлари керак. Самовий меҳмонлар 2012 йилда бизга кўриниш беришадими, деб сўралганида, башоратчилар улар ерликларни қўрқитиб юбормаслик учун бошқача қиёфага киришади, дея жавоб қайтаришди. Фақат зарурат туғилгандагина буни ошкор этишаркан. Хуллас, ҳар қандай вазиятда ҳам улар билан ҳамкорлик қилишга тўғри келармиш.

Яна бир қизиқ тахмин. Башоратчилар илгари ҳам ўзга сайёраликлар бир неча бор турли фалокатлардан Ерни қутқариб қолишган, деб ҳисоблашади. Фақат бизлар буни пайқамаганмиз. Кўпинча бу табиий фалокатлар пайти юз беради. Агар само вакиллари ёрдам бермаганида, оқибатлар бундан ҳам оғирроқ бўларди. Ҳатто яқинда Жануби-Шарқий Осиёда кучли зилзила ва цунами юз берганида ҳам улар қараб туришмаган, деб ҳисоблайди айрим роҳиблар.

Қизиқ бир боғлиқликка ҳеч эътибор берганмисиз? АҚШ ва собиқ СССР деярли бир вақтда атом ҳамда ядро қуролини яратишди. Шу вақтдан эътиборан айнан мазкур мамлакатлар осмонида учар ликопчалар, уларни бошқарувчи гуманоидлар пайдо бўла бошлади. Эҳтимол, ўшандан буён биз ўзга сайёраликлар назорати, кузатуви остидадирмиз...

Энди воқелик ўзгарди. Хитой, кейинроқ эса Ҳиндистон ва Покистон ўз ядро қуролларига эга бўлишди. Қолаверса, Хитой билан Ҳиндистон ўзаро чегарадош мамлакатлар. Бир пайтлар иккала давлат ўртасида чегара ҳудудлари масаласида келишмовчиликлар ҳам бўлганди. Ҳозир айнан ана шу ҳудуд осмонида ғаройиб ҳодисалар юз бераяпти. Гувоҳларнинг шундоқ кўз ўнгида тоғлар қаъридан кутилмаганда самога НУЖ кўтарилади. 2005 йил 12 январида “UFO Roundup” бюллетени “India Daily”, “UFO India”, “USA Goday” нашрларидан танлаб олинган хабарларни босди. Уларда айтилишича, икки мамлакат ўртасида чегара борасида низо келиб чиқишидан бир неча кун олдин одамлар кўплаб НУЖлар учиб юрганини кузатишган. Қолаверса, ҳозир ҳам бу ерларда номаълум учар жисмларга дуч келиш мумкин...

Ҳимолай тоғларининг юқори қисмида яшовчи аҳоли буни яхши билади. Мутахассислар НУЖлар учиб юрганини Ҳиндистон ва Хитой ҳукуматлари ҳам яхши билишади, аммо сукут сақлашяпти, деган фикрда. Тўғри, ҳозир ҳам баҳсли ҳудудда ҳар икки давлатнинг қўшинлари турибди. Фақат улар бу жойни қўриқлаш, томошаталаб фуқароларни сирли зонага қўймаслик билан машғул.

Ғайритабиий ҳодисаларни тадқиқ қилувчилар Ҳиндистон ва Хитой чегарасида улкан ерости НУЖ базаси мавжуд деб ҳисоблашади. База анча чуқурликда жойлашган эмиш. Бунинг устига мазкур ҳудудда ер пўстлоғи бошқа жойлардагига қараганда икки баравар қалин.

Ҳиндистонда чоп этиладиган “UFO Roundup” нашрининг мухбири Кришнари Бай Дхарапурнанда қизиқ бир воқеа ҳақида хабар қилди. Қуйида уни қисқача баён этамиз.

Бадринатдан унча узоқ бўлмаган Жошимат шаҳарчасида бир автомобилларни таъмирлаш устахонасининг ишчилари телевизор томоша қилиб туришган эди. Тўсатдан оқ-қора тасвирли, илгари зўрға кўрсатадиган телевизор бошқа бир кўрсатувни рангли, аниқ-тиниқ кўрсата бошлади. Кўрсатувни бир қарашда хитойликка ўхшаб кетадиган аёл олиб борарди. У нотаниш, тушунарсиз тилда гапирарди. Сўнг аёлнинг ўрнида экранда покистонликка ўхшаб кетадиган эркак пайдо бўлди. У турли тилларда гапириб кўрди. Ишчилар шундан икки тил – уйғурча ва урдучанинг фарқига боришди. Эркак киши ўзи ва ҳалиги аёл бошқа сайёраликларнинг вакиллари эканлигини айтди. У “Биз келгиндилар ерликларга ҳеч қандай ёмонлик тиламаймиз, аксинча, ёрдам беришга тайёрмиз”, – деди.

Юқоридагилар шунчаки тахминлар, холос. Умуман, вақти келиб Ер юзида қиёмат қойим бўлиши ҳақидаги маълумотларни кўплаб турли диний манбаларда учратиш мумкин. Уларда охират замон келишига аслида одамзод, унинг номақбул қилмиши, фаолияти сабаб бўлиши қайта-қайта таъкидланган. Лекин фанда илгари ҳам заминда ҳаёт бир неча бор пайдо бўлиб, қирилиб кетган деган фаразлар бор. Ҳақиқатан ҳам фан-техника тараққиёти, табиий ресурслардан келажакни ўйламай фойдаланиш баъзан она-табиатга, экологияга катта зарар етказяпти. Халқлар, миллатлар, давлатлар ўртасида ўзаро низолар одамзод бошига кулфатлар ёғдириши ҳам тайин. Сайёрамиз аҳли ўзаро ва табиат билан қанчалик уйғун яшаса, қиёмат қойим ҳам шунчалик орқага сурилиши аниқ.



# BOLALAR SAHIFASI

Kunlardan bir kun...

## DANGASANING ISHI UNMAYDI

Bahor kelib Mannonlarning ko'chasidagilar eshik oldidagi bir parcha joyni chopib, ariqlarni tozalab, daraxtlarga shakl berib, gullar eka boshlashdi. Lekin Mannonlarning eshigi tagiga hech kim qo'l urmasdi. Dadasi ishdan ortmaydi, oyisi kasalxonada. Shu orada uning qishloqda yashaydigan buvisi keldi. Uyda biroz o'tirdi-da, tashqariga chiqdi. Qarasa, qo'ni-qo'shnilarning ko'chasi tartibga keltirilgan. U ketmon, belkurakni olib chiqib sekin ish boshlayotgan edi Mannon maktabdan kelib qoldi. Buvisining harakatini ko'rib:

– Buvijon, nima qilyapsiz, dadam yakshanba kuni dam oladilar, birgalashib yerni chopib, ul-bul ekib qo'yarmiz, – dedi.

Buvisi uning gapini eshitib:

– Kap-katta yigitcha bo'lib qolibsan-ku, dadangni qachon vaqti bo'lishini kutib o'tirasanmi, qani bu yoqqa kel-chi, – dedi.

Keyin nevarasiga nima qilish kerakligini ko'rsatib turdi. Ikkovi ko'chani tartibga keltirdilar. Qishloqdan olib kelgan gul ko'chatlarini ekib qo'yishdi. Mannon atrofdagi qo'ni qo'shnilarning eshigi oldini ko'rib, o'zlariniki eng chiroyli bo'lganidan juda quvondi.

Kechqurun otasi kelib, o'g'lining ishlaridan xursand bo'ldi. Ayniqsa, kasalxondan qaytgan onasining ko'zlari quvnab ketdi.

Buvisi qishloqqa qaytarkan, nevarasining boshini silab, dangasalikning yomon illat ekanini aytib:

– Yalqov bo'lib o'sgan yigitning ishi unmaydi, – dedi.

**Sadriddin ABDULLAYEV.**






## DONO BOBO O'GITLARI

Bolajonlarim! Tabiatda uyg'onish davri boshlandi. Kattalar mevali daraxtlarga shakl berishyapti, yangi nihollar o'tqazishmoqda. Bu xayrli ishda siz ham ishtirok eting. Chunki siz ekkan, parvarishlagan nihollar o'sib meva berganida, undan bahramand bo'lganlar sizga rahmat aytadi. Xalqimizda bejiz bir tup nihol ekkan kishi yuz yil savob oladi, deyishmaydi.

## 7 TA FARQNI TOPING





## XANDALAR

Bahrom dadasidan so'radi:

– Nega bizning mashinamiz yo'q?

– Mashina sotib olish uchun ko'p pul kerak. Sen maktabda yaxshi baholarga o'qisang, ulg'ayib mendek bo'lganingda, mashina olamiz, – dedi otasi.

– Demak, siz yomon o'qigan ekansiz-da, – dedi Bahrom.

* * *

Ota o'g'lidan so'radi:

– Sinfinglarda eng yalqov, dangasa kim?

– Bilmadim, – dedi o'g'li.

– Darsda, hamma yozilishib o'tirganda, kim qo'l qovushtirib o'tiradi?

– O'qituvchimiz-da, – dedi o'g'il.

* * *

Mehmonga kelgan ammasi Dilshodning peshonasidan o'pib:

– Senga shirin kulchalar, xo'rozqand olib keldim, ketayotganimda beraman, – dedi.

– Bo'lmasa, xayrlashaqolaylik, ammajon, – dedi Dilshod.

* * *

Muallim Botirdan so'radi:

– Qani aytchi, senga bahorning nimasi yoqadi?

– Ta'til kunlari, – dedi Botir.

# ДУШАНБА, 14

**«Ўзбекистон» телеканали**

**Телетомошабинлар диққатига!. Профилактика муносабати билан, «Ўзбекистон». телеканали 14 март куни ўз кўрсатувларини соат 15.00 дан бошлайди.**

15.00 «Таҳлилнома».
15.45 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
16.05 «Дастурхон атрофида».
16.20 ТВ-анонс.
16.25 «Масъул сўз».
16.45 ТВ-клип.
«Болалар сайёраси»: 16.55 1. «Гаройибкентга саёҳат». 2. «Олтин тож».
17.55 ТВ-анонс.
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 Эстрада таронаlари.
18.25 «Линарес-2005». Шахмат бўйича супертурнир якунлари.
18.45 «Нафосат». Тележурнал.
19.05 «Мулкдор».
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Унутилмас наволар».
21.35 «Тарих кўзгуси».
21.55 «Келин-куёв» кўрсатуви саҳифаларидан.
22.40 «Бегона». Телесериал (Мексика)
23.40 «Ахборот - дайжест».
0.00-0.05 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Давр» ҳафта ичида.
18.00, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
18.05 «Янги авлод» почтаси.
18.25 Меҳр кўзда.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат!
19.45 Ёшлар овози.
20.05 Ҳамкор - 2005.
20.15 Мусиқий лаҳзалар.
20.25 Сув - ҳаёт манбаи.
20.35 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.25 Олис манзиллар.
21.45 ТВ - адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
23.40 - 23.45 Хайрли тун.

**«Тошкент» телеканали**

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Рэй Брэдбери театри».
17.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Тиббиёт сизнинг хизматингизда».
18.30, 20.00, 20.50, 21.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Амазонка».
20.20 «Ёшлар давраси-да».
21.10 «Равнақ» студияси намойиш этади.
21.45 «Мурувват».
22.05 Кинонигоҳ. «Истеъдодли жаноб Рипли».
23.10-23.15 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Sport» телеканали**

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.05-10.00 «Профессионал баскетбол».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Бойлик». Бадиий фильм.
18.00 «Янгиликлар».
18.10 «Бойлик». Бадиий фильм.
18.40 «Клон». Сериал.
19.50 «Мени кутгил».
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Премьера. «Аёл қалби». Сериал.
22.35 «Спортимиз маликалари».
22.50 «Проф-РИНГ».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

16.55 гача профилактика ишлари
16.55 Открытие программы
17.00 «Зарубежные клипы»
17.25, 21.00 «Телехамкор»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Брек пойнт», мелодрама

**ОРТ**

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00 Новости
9.05 Комедия «Моя большая армянская свадьба»
11.10 Спецрасследование. «Эпидемия на пороге»
12.20 Кинороман «Оборотная сторона полуночи»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 «Сыщик без лицензии». Сериал
16.30 «Пять вечеров»
17.30 Фильм «Богатство»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Фильм «Богатство». Окончание
18.40 Сериал «Клон»
19.50 Жди меня
21.00 Время
21.30 «Хиромант». Сериал
22.40 «Жизнь в три оборота». Док. фильм
23.30 Ночное «Время»
23.50 «Война в прямом эфире». Док. фильм
0.50 «Цирковые династии». Филатовы
1.20 Комедия «Каблуки»
2.40 Фильм «Гориллы в тумане»
3.00 Новости
3.0 «Гориллы в тумане». Окончание
4.50 Сериал «Приключение Геркулеса»
5.00 Новости
5.05 «Приключение Геркулеса». Окончание

**РТР**

3:00 «Доброе утро, Россия!»
6:45 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ».
7:45 ПРЕМЬЕРА. «Живое слово Александра Меня».
8:40 «В «Городке».
8:50, 11.45, 14.30, 17.45, 2.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 Сериал «Линии судьбы».
10:50 «Что хочет женщина».
12:30 Фильм «Легионер».
15:10 «Честный детектив».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Тайны следствия-4».
20:00 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Мой серебряный шар. Наталья Селезнева».
22:15 «Синемания».
22:45 «Дорожный патруль».
23:05 Фильм «Последний шанс»
0:30 Канал «Евроньюс» на русском языке

**НТВ**

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО: СПИСОК ЮРИЯ ЛЕРМОНТОВА»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00, 0.00 «СЕГОДНЯ»
10:25 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
10:55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
11:55 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
13:30 Сериал «МАНГУСТ»
15:35, 18.35, 21.50, 23.45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО»
17:30 Сериал «СВОБОДНАЯ ЖЕНЩИНА»
19:40 Сериал «ХЕРУВИМ»
20:45 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:40 «СТРАСТИ ПО ГОРБАЧЕВУ». Фильм 1-й «ВЕЛИКОЕ НАЧАЛО»
0:15 Сериал «ХЕРУВИМ»
1:15 ЖУРНАЛ ЛИГИ ЧЕМПИОНОВ
1:45 Фильм «БО БА БУ»
3:15 Сериал «ПЕРВЫЙ ПОНЕДЕЛЬНИК»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 Сериал «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА-2»
5:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

**ТВ 3**

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00,9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Телесериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
13.00 Фильм «ВСЁ О ЛЮБВИ».
15.00 Док. сериал «Анималия».
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «ДЕСЯТЬ ЛЕТ БЕЗ ПРАВА ПЕРЕПИСКИ».
18.05 Фильм «ПО КРОВАВОМУ СЛЕДУ».
20.00 Осторожно, модерн!
20.30 Осторожно, модерн!
21.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
22.00 Фильм «КЛИЕНТ».
0.30 Фильм «ШОУГЕЛЗ».

**ДТВ**

9.00, 9.30 Мультфильмы.
9.55, 20.25 «Неслучайная музыка».
10.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...».
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Шоу Бенни Хилла.
11.35 Агентство криминальных новостей.
11.55 Фильм «КАМЕННЫЙ КРИК».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Телесериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».
15.45 Телесериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.50, 17.15 Мультфильмы.
17.35, 17.55 «Звездная семейка».
18.15 Фильм «ТЕЛО».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!»
21.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Сериал «КАМЕНСКАЯ».
23.00 Шоу Бенни Хилла.
23.40 «Звездная семейка».
0.00 Фильм «УРОК ВЫЖИВАНИЯ».
2.15 Агентство криминальных новостей.
2.35 Мужской тележурнал «Арсенал».
3.00 Шоу Джерри Спрингера.

**ТНТ**

5.55 «Москва: инструкция по применению».
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ- БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.30 Наши песни.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
10.00 «ЧЕЛОВЕК С ДВУМЯ МОЗГАМИ». Комедия.
12.15 «Дикая семейка Торнберри».
12.40 «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
13.05 «Губка Боб Квадратные штаны». 1-я серия.
13.30 Телемагазин.
14.00, 2.25 «Голод».
15.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Сериал.
16.00, 21.00, 0.40 «Дом-2. Первая весна».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Цена любви».
19.00, 1.55 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 Комедия «КТО Я?»
1.10 Москва: инструкция по применению.
1.40 Наши песни.
3.25 «СЕМЕЙКА ФЛОДДЕР В АМЕРИКЕ». Комедия.

**СТС**

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
12.30 Кино «НОВЫЕ РОБИНЗОНЫ».
14.40 Скрытая камера.
15.00 Комедия «ТОММИ-ОБОРОТЕНЬ».
15.30, 16.00, 16.35, 17.00, 17.30 Мультфильмы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
22.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
23.00 Кино «БИТЛДЖЮС».
1.00 Осторожно, модерн-2.
1.30 Истории в деталях.
2.00 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
2.35 Детали.
3.00 Комедия «ДРУЗЬЯ».
3.45 Кино «ОТЕЦ ДЕЛАЕТ ВЫБОР».
5.15 Кино «АДСКОЕ ПЕКЛО».

**7 ТВ**

7.00, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
С 6.00 до 18.00 на канале профилактические работы.
20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
21.10, 23.10 Музыкальный трек.
22.10 Мировое футбольное шоу.
22.40 «220 вольт».
0.10 «Боксерский клуб» А. Шкаликова.
0.30 Автоспорт. Европейская F3000.
1.00 Автоспорт. Всемирная серия ChampCar.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.
4.00 Спортивные танцы.

# СЕШАНБА, 15

**«Ўзбекистон» телеканали**

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Кит ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
9.25 «Бизнес ҳафта».
9.40 «Рангин дунё».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
11.30 «Мулкдор».
11.50 ТВ-клип.
12.05 «Шахсий фикр».
12.35 «Олам».
12.55 «Мусиқа ва театр».
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.40 ТВ-анонс.
14.45 «Қайнона». Бадиий фильм.
«Болалар сайёраси»: 16.00 1. «Мактаб ҳангомалари». 2. «Қувноқ стартлар».
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Остонаси тиллодан».
18.30 «Тафсилот».
18.50 Бир жуфт қўшиқ.
19.00 «Ҳаёт ва қонун».
19.20 ТВ-анонс.
19.25 «Ўзлотто» кундалиги ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истеъмолчи».
21.25 «Санъатга бахшида умр». М. Азимов.
21.50 «Бегона». Телесериал.
22.50 «Оҳанглар оғушида».
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20-23.25 Ватан тимсоллари.

**«Ёшлар» телеканали**

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» почтаси.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Уй вазифаси.
10.30 Болалар экрани: «Фантадром».
11.00 Озод юрт фарзандлари.
11.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.10 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Ака - ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.35 Интерфутбол.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
16.15 Тақдир.
16.35 Олис манзиллар.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Еқимли иштаҳа.
17.20 «Мульттомоша».
17.35 Ёшлар куйлаганда.
17.50 Янги алифбони ўрганамиз.
18.05 Ёшлар овози.
18.25 Тафаккур ёлқинлари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 «Давр» - репортаж.
19.50 Ўқишга марҳамат.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.05 Марди майдон.
20.30 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.20 Ракурс.
21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.05-23.10 Хайрли тун.

**«Тошкент» телеканали**

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал «Рэй Брэдбери театри».
17.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мультчархпалак».
18.30, 20.00, 20.55, 21.45 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВ да сериал: «Амазонка».
20.20 «Инсон ва қонун».
21.15 «Туризм ҳақида».
22.05 «Тун аёл ва набира».
22.20 «Ўзбегим наволари». Мусиқий дастур.
22.40 Кинонигоҳ: «Истеъдодли жаноб Рипли» 2-қисм.
23.45-23.50 Хайрли тун, шаҳрим!

**«Sport» телеканали**

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида).
9.05 «Фолбин». Бадиий фильм.
10.20 «Болалар спорти».
10.35-11.15 «Кикбоксинг».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида).
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Бойлик». Бадиий фильм.
18.00 «Янгиликлар».
18.10 «Бойлик». Бадиий фильм.
18.40 «Клон». Сериал.
19.50 «Аёл ишқи». Бадиий фильм.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Премьера. «Аёл қалби». Сериал.
22.35 «Спорт – менинг ҳаётим».
22.50 «Эртага футбол».
23.05 «Тунингиз осуда бўлсин!»

**30-й канал**

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
14.00 «Брек пойнт», мелодрама
15.40 «Ошикона», мусикий дастури
16.45 «Тайны мира»
17.40 «Передача «Тарона такдимоти 2005»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «В движении», драма

**ОРТ**

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Хиромант». Сериал
10.20 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
12.00 Новости
12.20 Сериал «Рожденная революцией»
14.00 Документальный детектив
14.30 «Угадай мелодию»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 «Сыщик без лицензии». Сериал
16.30 «Пять вечеров»
17.30 Фильм «Богатство»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Фильм «Богатство». Окончание
18.40 Сериал «Клон»
19.50 Сериал «Женский роман»
21.00 Время
21.30 «Хиромант». Многосерийный фильм
22.40 Спецназ. «Вымпел». Без единого выстрела»
23.30 Ночное «Время»
23.50«Константин Хабенский. Несерьезный разговор». Док. фильм
0.30 Крылья. «Командиры неба»
1.00 Дмитрий Хаустов в программе «Русский экстрим»
1.30 Комедия «На лоне природы»
3.00 Новости
3.05 Комедия «На лоне природы». Окончание
3.10 Фильм «Зажигай, ребята»
5.00 Новости
5.05 Ударная сила. «Гнев богов»

**РТР**

3:00 «Доброе утро, Россия!»
6:45 Сериал «Тайны следствия-4».
7:45 ПРЕМЬЕРА. «Жорес Алферов».
8:45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 Сериал «Линии судьбы».
10:50 «Что хочет женщина».
12:30 «Частная жизнь».
13:30 Сериал «Мужчины не плачут».
15:10 «Кулагин и партнеры».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Тайны следствия-4».
20:00 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «На краю гибели. Правда о подвиге космонавта Леонова».
22:15 Боевик «Воздушный охотник».
0:10 «Дорожный патруль».
0:30 Сериал «Прочная сеть».
1:20 «Ангелы Чарли». Телесериал
2:05 Канал «Евроньюс» на русском языке.
2:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

**НТВ**

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО: ДЬЯВОЛЬСКИЙ ТАНЕЦ»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
10:50 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
11:55 Сериал «ХЕРУВИМ»
13:30 Фильм «МОЙ ЛУЧШИЙ ДРУГ - ГЕНЕРАЛ ВАСИЛИЙ, СЫН ИОСИФА»
15:35, 18.35, 21.50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП «ДОМИНО»
17:30 Сериал «СВОБОДНАЯ ЖЕНЩИНА»
19:40 Остросюжетный сериал «ХЕРУВИМ»
20:45 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:40 «СТРАСТИ ПО ГОРБАЧЕВУ». Фильм 2-й «ВЕЛИКАЯ ЛЮБОВЬ»
23:45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
0:00 «СЕГОДНЯ»
0:15 Сериал «ХЕРУВИМ»
1:20 Сериал «ДЕТЕКТИВ РАШ»
2:15 Бильярд
3:15 Сериал «ПЕРВЫЙ ПОНЕДЕЛЬНИК»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 Сериал «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА-2»
5:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

**ТВ 3**

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Телесериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
13.00 Фильм «НИКОГДА».
15.00 Док. сериал «Анималия».
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «ПРОСТАЯ ИСТОРИЯ».
17.55 Фильм «ВСЁ О ЛЮБВИ».
20.00 Док. сериал «Анималия».
20.30 Док. сериал «На пределе».
21.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
22.00 Фильм «ПАПАШИ».
23.55 Фильм «Я ОСТАЮСЬ».
2.00 Док. сериал «На пределе».
2.30 Фильм «ПО КРОВАВОМУ СЛЕДУ».

**ДТВ**

9.00, 9.30 Мультфильмы.
9.55, 20.25, 3.05 «Неслучайная музыка».
10.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...».
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Шоу Бенни Хилла.
11.35 Агентство криминальных новостей.
11.55 Фильм «УРОК ВЫЖИВАНИЯ».
14.05 Программа «300 секунд о недвижимости».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Телесериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».
15.45 Телесериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.50, 17.15 Мультфильмы.
17.35, 17.55 Звездная семейка».
18.15 Комедия «ЗАКОЛДОВАННЫЕ».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!»
21.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Русский сериал «КАМЕНСКАЯ».
23.00 Шоу Бенни Хилла.
23.40 «Звездная семейка».
0.00 Комедия «ТАК БЫВАЕТ В КВИНСЕ».
2.15 Агентство криминальных новостей.
2.35 Программа для автомобилистов «Карданный вал».
3.10 Шоу Джерри Спрингера.

**ТНТ**

5.55 Москва: инструкция по применению.
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.30 Вперед, к новоселью!
8.45 Наши песни.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
9.30 «КТО Я?» Комедия.
12.15 «Дикая семейка Торнберри».
12.40 «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
13.05 «Губка Боб Квадратные штаны».
13.30 Телемагазин.
14.00, 2.10 «Голод».
15.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Теленовелла.
16.00, 21.00, 0.25 «Дом-2. Первая весна».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Запретная зона».
19.00, 1.40 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 «ТНТ-комедия»: «ЗАКУСОЧНАЯ НА КОЛЕСАХ».
0.55 Москва: инструкция по применению.
1.25 Наши песни.
3.10 «СЕМЕЙКА ФЛОДДЕР-3». Комедия.

**СТС**

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30 Комедия «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
12.30 Кино на СТС. БИТЛДЖЮС.
14.30 Осторожно, модерн-2.
15.00 Комедия на СТС. «ТОММИ-ОБОРОТЕНЬ».
15.30, 16.00, 16.35, 17.00, 17.30 Мультфильмы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
22.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
23.00 Кино на СТС. «ГАРРИ И ХЕНДЕРСОНЫ».
1.30 Истории в деталях.
2.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
2.35 Детали.
3.00 Комедия на СТС. «ДРУЗЬЯ».
3.55 Кино на СТС. «ДИТЯ МЕДУЗЫ». 1-я и 2-я серии.

**7 ТВ**

7.00, 8.00, 11.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 22.10 «220 вольт».
8.40, 11.00 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.30, 15.30, 4.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 22.30, 0.10 «101 великий нокаут».
14.30, 19.30 Футбол. Чемпионат Испании.
21.30 Автоспорт. Гонки из серии DTM.
22.40 Звезда автострады.
0.30 Автоспорт. Европейская F3000.
1.00 Автоспорт. Всемирная серия ChampCar.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

**СТС, душанба**
**23.00 Бадиий фильм "БИТЛДЖЮС"**




Ёш келин-куёв Адам ва Барбара янги, ғалати уйга кўчиб ўтишади. Улар бир-бирларини қаттиқ севишади. Бахтсиз тасодиф туфайли бир кунда, бир соатда ҳалок бўлишади. Энди улар шарпаларга айланишади Аммо бундан бехабар ўша уйда бирга яшайверишади.

**Ролларда: Майкл Китон, Жина Дэвис, Алек Болдуин, Вайнона Райдер, Кэтрин О'Хара, Жеффри Жоунс.**

**ТНТ, сешанба**
**20.00 Комедия "ҒИЛДИРАК УСТИДАГИ ТАМАДДИХОНА" ("ЗАКУСОЧНАЯ НА КОЛЕСАХ")**




Улар Сильвия билан танишишларидан олдин хотиржам ҳолда тайёрлаган егуликларини сотиб юришарди. Аммо энди танишувдан сўнг ҳаётлари саргузаштга айланади. Гангстерлар билан муштлашишлари, полиция таъқибидан қочишларига тўғри келади. Буларнинг ҳаммаси бир ҳурлиқо туфайли юз беради...

**Ролларда: Жеки Чан, Само Хунг, Йюен Биао, Лола Форнер.**

**ДТВ, чоршанба**
**18.15 Жангари фильм "ҲУКМ" ("ПРИГОВОР")**



АҚШ штатларидан биридаги йирик банкда талончилик содир этилади. Натижада икки қўриқчи ўлдирилади. Қотилликда банк хизматчиси Жим конли айбланади. Штатнинг бош прокурори Тэд Талбай рад этиб бўлмас далилларга эга бўлгани учун Конлига нисбатан ўлим жазоси берилишини талаб этади. Орадан бир кун ўтиб, гувоҳлардан бири қотилликни ўз бўйнига олади...

**Ролларда: Леонид Куравлев, Борис Шчербаков, Всеволод Шиловский.**

**ТВ 3, пайшанба**
**16.00 Бадиий фильм "МЕН ҚОЛАМАН" ("Я ОСТАЮСЬ")**



Бертран қўзи гўштини, бордо ичимлигини хуш кўради, ўз жазманларини севади. У истеъдодли муҳандис, лекин хотини Мари-Доминикнинг феъл-атворини тушунмайди. Шунинг учун бўлса керак, ёстиқдоши ҳам жазман орттириб, Бертрандан уйни тарк этишини талаб қилади. Аммо Бертран асло хонадонидан кетиш ниятида эмас...

**Ролларда: Софи Марсо, Венсет Перес.**

# ЧОРШАНБА, 16

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 «Йўлбарс ҳақида ҳақиқат». Ҳужжатли фильм.
9.30 «Остонаси тиллодан».
9.50 «Табиат шифохонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Орзулар камалаги». Бадиий фильм.
11.10 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
11.40 «Тафсилот».
12.05 «Ҳаёт ва қонун».
12.30 «Ўзбекистон бастакорлари».
12.50 «Юртимизнинг гўзал масканлари: Марғилон».
13.10 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Истеъмолчи».
14.30 «Яхшилик».
14.55 «Ягона оилада».
15.25 «Мушкетёр». Бадиий фильм.
16.55 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
18.10 «Бизга мактуб йўллабсиз». Мусиқий дастур.
18.30 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
18.50 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсун».
19.10 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали».
19.15 «Ўзлотто». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Равнақ« студияси намойиш этади.
21.20 «Сиз нима дейсиз?» Мусиқий дастур.
21.50 «Журналист таҳлили».
22.10 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
22.30 «Бегона». Телесериал.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали

7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Ёқимли иштаҳа.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 «Давр»-репортаж.
10.20 «Баланд тоғлар остида» 1-2 қисмлар.
11.20 Жаҳон жуғрофияси.
12.10 Кафолат.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Ака - ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.35 «Болажон қиз». Бадиий фильм.
14.50 Ракурс.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 Янги алифбони ўрганамиз.
16.30 Меҳр кўзда.
17.00 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.20 Мультфильм.
17.30 Тенгдошлар.
17.50 Телевикторина.
17.55 Ёшлар овози.
18.15 Автопатрул.
18.35 Каталог.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 Ўқишга марҳамат.
19.40 Меъёр - соғлиқ гарови.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Наврўз оҳанглари.
20.15 Очил дастурхон.
20.40 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.30 Бир ўлкаки.
21.50 Олтин мерос.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.05 Спорт дастури: Ринг қироллари.
23.50-23.55 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканали

17.10 ТТВда сериал: «Рэй Брэдбери театри».
17.35 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
17.55, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Мусиқий меҳмонхона».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТVда сериал: «Амазонка».
20.20 «Билим» телеклуби.
21.15 «Солиқ ва биз».
21.55 Кинонигоҳ: «Садоқат». 1-қисм.
23.25-23.30. Хайрли тун, шаҳрим!

## «Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.05 «Фолбин». Бадиий фильм.
10.10 «Болалар спорти».
10.25-12.00 Футбол. Европа чемпионлари лигаси. Нимчорак финал.
15.50 Кўрсатувлар тартиби.
15.55 Футбол Осиё чемпионлар лигаси. «Пахтакор» (Ўзбекистон) – «Ал-Завра» (Ироқ) Танаффусда «Хабарлар» (Рус тилида)(Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.45 «Болалар спорти».
18.00 «Баҳодирлар ўйини».
18.25 «Майдон ортидаги одам».
18.40 «Клон». Сериал.
19.50 «Аёл ишқи». Бадиий фильм.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Аёл қалби». Сериал.
22.45 «Бойлик». Бадиий фильм.
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
14.00 «В движении», драма
15.40 «Озгина-Созгина» совместный проект «30-го канала» и муз.-центра «Соз».
16.00 «Передача «Тарона такдимоти 2005»
16.30 «Тайны мира»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Полицейская академия-5», комедия

## ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Хиромант». Сериал
10.10 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
12.00 Новости
12.20 Сериал «Рожденная революцией»
14.00 Документальный детектив
14.30 «Угадай мелодию»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 «Сыщик без лицензии». Сериал
16.30 «Пять вечеров»
17.30 Фильм «Богатство»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Фильм «Богатство». Окончание
18.40 Сериал «Клон»
19.50 Фильм «Женский роман»
21.00 Время
21.30 «Хиромант». Сериал
22.40 Спецрасследование. «Квартирные аферы»
23.30 Ночное «Время»
23.50 Сканер. «Таблетка молодости»
0.20 «Сергей Юрский. В теле человека»
1.00 «Оружие Второй мировой войны». Док. сериал.
1.30 Триллер «Роковая восьмерка»
3.00 Новости
3.05 Триллер «Роковая восьмерка». Окончание
3.20 Весь этот рок-н-ролл в фильме «Секс, наркотики и сансет стрип»
5.00 Новости
5.05 Теория невероятности. «Вещие сны»

## РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!»
6:45 Сериал «Тайны следствия-4» .
7:45 К 60-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ. «Непобежденные». Фильм 1-й.
8:45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 Сериал «Линии судьбы».
10:50 «Что хочет женщина».
12:30 «Частная жизнь».
13:30 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
15:10 «Кулагин и партнеры».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Тайны следствия-4» .
20:00 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Исторические хроники» «1933. Генрих Ягода».
22:15 Комедия «Колесо любви»
23:55 «Кинескоп» с Петром Шепотинником». Берлинский кинофестиваль.
0:45 «Дорожный патруль».
1:05 Сериал «Прочная сеть»
1:45 «Ангелы Чарли». Телесериал
2:30 Канал «Евроньюс» на русском языке

## НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО: ПРОКЛЯТИЕ ВЕДЬМЫ»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ОСОБО ОПАСЕН!»
10:55 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
11:55 Сериал «ХЕРУВИМ»
13:35 Боевик «ПОЕДИНОК В ДИГГСТАУНЕ»
15:35, 18.35, 21.50, 23.45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП «ДОМИНО»
17:30 Сериал «СВОБОДНАЯ ЖЕНЩИНА»
19:40 Сериал «ХЕРУВИМ»
20:45 ПРЕМЬЕРА. Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:40 «СТРАСТИ ПО ГОРБАЧЕВУ». Фильм 3-й «ВЕЛИКАЯ НЕНАВИСТЬ»
0:00 «СЕГОДНЯ»
0:15 ПРЕМЬЕРА. «СТРАСТИ ПО ГОРБАЧЕВУ». Фильм 4-й «ВЕЛИКОЕ ОСВОБОЖДЕНИЕ»
1:20 Сериал «ХЕРУВИМ»
2:15 Бильярд
3:15 Сериал «ПЕРВЫЙ ПОНЕДЕЛЬНИК»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 Сериал «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА-2»
5:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

## ТВ 3

8.15 «Котелок». Кулинарно-развлекательная программа.
8.30 Победоносный голос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Телесериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
13.00 Фильм «ГОВОРЯЩАЯ ОБЕЗЬЯНА».
15.00 Док. сериал «Анималия».
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «НИКОГДА».
17.55 Фильм «ЗАТЯЖНОЙ ПРЫЖОК».
20.00 Док. сериал «Анималия».
20.30 Док. сериал «На пределе».
21.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
22.00 Фильм «КРЫСИНЫЕ БЕГА».
0.15 Фильм «ИСТОРИЯ ПОДЗЕМКИ».
2.00 Док. сериал «На пределе».
2.30 Фильм «ПОРОЖДЕНИЕ АДА».

## ДТВ

11.55 Фильм «ТАК БЫВАЕТ В КВИНСЕ».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Телесериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».
15.45 Телесериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.50, 17.15 Мультфильмы.
17.35, 17.55 «Звездная семейка».
18.15 Фильм «ПРИГОВОР».
20.25 «Неслучайная музыка».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!»
21.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Сериал «КАМЕНСКАЯ».
23.00 Шоу Бенни Хилла.
23.40 «Звездная семейка».
0.00 Фильм «МОЯ БОЛЬШАЯ ГРЕЧЕСКАЯ СВАДЬБА».
2.15 Агентство криминальных новостей.
2.30 Эротическая программа «Сексуальные соседки».
3.10 Музыкальная программа «Неслучайная музыка».
3.20 Шоу Джерри Спрингера.

## ТНТ

5.55 Москва: инструкция по применению.
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ- БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.30 Наши песни.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
10.00 «ЗАКУСОЧНАЯ НА КОЛЕСАХ». Комедийный боевик.
12.15 «Дикая семейка Торнберри».
12.40 «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
13.05 «Губка Боб Квадратные штаны».
13.30 Телемагазин.
14.00, 2.00 «Голод».
15.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Теленовелла.
16.00, 21.00, 0.15 «Дом-2. Первая весна».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Цена любви».
19.00, 1.30 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 «ТНТ-комедия»: «БОЛЬШАЯ ДРАКА».
0.45 Москва: инструкция по применению.
1.15 Наши песни.
2.55 «АМЕРИКАНСКИЕ ПРЕЗИДЕНТЫ В БЕГАХ». Комедия.

## СТС

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал
12.30 Кино на СТС. «ГАРРИ И ХЕНДЕРСОНЫ».
15.00 Комедия на СТС. «ТОММИ-ОБОРОТЕНЬ».
15.30, 16.00, 16.35, 17.00, 17.30 Мультфильмы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
22.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
23.00 Кино на СТС. «ПОЛИЦЕЙСКИЙ И МАЛЫШ».
1.00 Осторожно, модерн-2.
1.30 Истории в деталях.
2.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
2.35 Детали.
3.00 Комедия на СТС. «ДРУЗЬЯ».
3.55 Кино на СТС. «ПОДРОСТКИ ИЗ ПРИБРЕЖНОГО ГОРОДКА». 1-я и 2-я серии.

## 7 ТВ

7.00, 8.00, 11.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 22.10 «220 вольт».
8.40 11.00 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.30, 15.30, 22.30, 4.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40 «101 великий нокаут».
14.30, 19.30 Футбол. Чемпионат Испании.
21.30 Автоспорт. Гонки из серии ДТМ.
0.10 Футбол Испании. Обзор тура.
1.00 Автоспорт. Всемирная серия ChampCar.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

# ПАЙШАНБА, 17

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Таълим: ислоҳотлар йўлида».
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Санъат ғунчалари». 2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Келиннинг отаси». Бадиий фильм.
11.35 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
12.05 «Ҳаракатда - баракат».
12.20 «Шарқ эстрадаси».
12.40 «Омад». Ток-шоу.
13.15 «Бегона». Телесериал.
14.10 «Журналист таҳлили».
14.30 «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм. 1-қисм.
15.35 «Парле ву франсэ?»
15.55 «Қувноқ трамвай». Ҳажвий кўрсатув.
«Болалар сайёраси»:
16.25 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
17.25 «Меъмор».
17.45 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 2005-йил «Сиҳат-саломатлик йили». «Соғлиғинг ўз қўлингда».
18.30 «Куйла, ёшлигим».
18.55 «Бир жиноят изидан».
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мустақиллик майдони». Ҳужжатли фильм.
21.40 Телемулоқот.
22.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.45 «Бегона». Телесериал.
23.45 «Оҳанглар оғушида»..
23.50 «Ахборот-дайжест».
0.10-0.15 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали

7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
8.50 Олтин мерос.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Тенгдошлар.
10.30 «Баланд тоғлар остида» 3 - қисм.
11.00 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.25 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
12.15 Телевикторина.
12.20 «Ўзбекистон жавоҳирлари». Телефильм.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.40 «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм.
14.55 Автопатрул.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.10 «Чекиш - соғлиққа зарар». Телефильм.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.
16.45 Ёшлар куйлаганда.
17.00 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Орипов. 1 - қисм.
17.20 Ёшлар овози.
17.40 Нигоҳ.
18.20 Табобат оламида.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат.
19.45 Ўзимизники.
19.55 Наврўз оҳанглари.
20.05 Озод юрт фарзандлари.
20.30 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.20 Бегойим.
21.45 Олтин мерос.
22.40 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.05 - 23.10 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканали

17.10 ТТВда сериал: «Рэй Брэдбери театри».
17.35 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
17.55, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10. «Хайрли оқшом».
18.30, 20.00, 20.55, 21.35 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Амазонка».
20.20 «Аёллар салтанати».
21.15 «Эл хизматида».
21.55 «Ҳимоя».
22.15 Кинонигоҳ: «Садоқат». 2-қисм.
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

## «Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.05 «Фолбин». Бадиий фильм.
10.10 «Болалар спорти».
10.25-10.40 «Спорт масканларида».
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Бойлик». Бадиий фильм.
18.00 «Янгиликлар».
18.10 «Бойлик». Бадиий фильм.
18.40 «Клон». Сериал.
19.50 «Аёл ишқи». Бадиий фильм.
21.00 «Время».
21.30 «Хабарлар».
21.45 Премьера. «Аёл қалби». Сериал.
22.45 «Спорт - менинг ҳаётим».
23.00 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
0.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
14.00 «Полицейская академия-5», комедия
15.40 «Аёллар орзуси» передача для женщин
16.25 «Тайны мира»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Биовульф», фантастика

## ОРТ

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Хиромант». Сериал
10.10 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
12.00 Новости
12.20 Сериал «Рожденная революцией»
14.00 Документальный детектив
14.30 «Угадай мелодию»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 «Сыщик без лицензии». Сериал
16.30 «Пять вечеров»
17.30 Фильм «Богатство»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Фильм «Богатство». Окончание
18.40 Сериал «Клон»
19.50 «Женский роман» Заключительная серия
21.00 Время
21.30 «Хиромант». Сериал
22.40 «Человек и закон»
23.30 Ночное «Время»
23.50 Ударная сила. «Подводный охотник»
0.30 Теория невероятности. «Жажда денег»
1.00 «Гении и злодеи». Святослав Рихтер
1.30 Майкл Китон в комедии «Опасный Джонни»
3.00 Новости
3.05 Комедия «Опасный Джонни». Окончание
3.20 Мистический триллер «Взгляд»
5.00 Новости
5.05 «Горячие точки холодной войны»

## РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!»
6:45 Сериал «Тайны следствия-4» .
7:45 К 60-ЛЕТИЮ ПОБЕДЫ. «Непобежденные». Фильм 2-й.
8:45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 Сериал «Линии судьбы».
10:50 «Что хочет женщина».

# ЖУМА, 18

## «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
«Болалар сайёраси»:
8.40 1. «Болалар спорти». 2. «Цирк, цирк, цирк».
9.40 «Меъмор».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
10.05 «Труман томошаси». Бадиий фильм.
11.35 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда - Қорақалпоғистон Республикаси.
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Энг қадимий ва энг навқирон Наврўз».
12.25 Мусиқий танаффус.
12.35 «Бир жиноят изидан».
13.05 «Бегона». Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
15.00 «Барҳаёт наволар». Ўзбекистон халқ артисти Н. Аҳмедова.
15.20 «Катта бойлик дардида». Бадиий фильм. 2-қисм.
16.20 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили». «Соғлиғинг ўз қўлингда».
16.40 «Сеҳрли оҳу». Мультфильм.
«Болалар сайёраси»:
16.55 «Ўйла, Изла, Топ». Телемусобақа. Финал.
18.10 «Антиқа томоша».
18.40 «Тафсилот».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.20 «Пластик карточкалар ҳамма учун фойдали».
19.25 «Ўзлотто кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 Ўзбекистон халқ артистлари куйлайди.
22.00 «Табиб». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.05 Оҳанглар оғушида.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студияси: Шоҳсупа.
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.15 Болалар экрани: «Баланд тоғлар остида». 4-қисм.
10.45 Озод юрт фарзандлари.
11.05 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал.
11.55 Бегойим.
12.15 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тут сайли».
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Наврўз оҳанглари.
13.15 «Ака-ука Гримм эртаклари». Мультсериал.
13.40 «Робинзон Крузонинг саргузаштлари». Бадиий фильм.
15.05 Ўзимизники.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.15 Қуёшли юрт одамлари.
16.35 Кўрсатувлар дастури.
16.40 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
17.00 «Мульттомоша».
17.15 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Орипов. 2 - қисм.
17.35 Ёшлар ва ҳуқуқ.
17.55 Кишлокдаги тенгдошим.
18.15 ТВ-дорихона.
18.25 Аскар мактублари.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Ўзбекистон йўллари». Ҳужжатли фильм.
20.30 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.20 «Баҳор қайтади».
21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Автосалтанат.
23.00 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.25-23.30 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканали

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Рэй Брэдбери театри».
17.35 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажонлар экрани».
18.30, 20.00, 20.50, 22.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Амазонка».
20.20 «Имконият».
21.10 «Равнақ» студияси намойиш этади.
21.25 «Пойтахт йўлларида».
21.40 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.50 Кинонигоҳ: «Ўра».
23.15-23.20. Хайрли тун, шаҳрим!

## «Sport» телеканали

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.05 «Фолбин». Сериал.
10.20 «Болалар спорти».
10.35 «Эртага футбол».
10.55 «Равнақ« студияси намойиш этади.
11.15-11.45 «Дунё манзаралари».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.30 «Белида белбоғи борлар».
17.50 «Спорт-клуб». Ринг.
18.20 Ҳужжатли фильм.
18.50 «Кучли бешлик».
19.30 «Спорт – саломатлик гарови».
19.50 «Мўъжизалар майдони».
21.00 «Время».
21.25 «Хабарлар».
21.40 Премьера. «Аёл қалби». Сериал.
22.30 «Спорт – менинг ҳаётим».
22.45 Жаҳон спорти: «Теннис».
23.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05, 17.25, 21.00 «Телехамкор»
12.25 «Детский час»
12.50 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
14.00 «Биовульф», фантастика
15.40 «Ошикона», мусикий дастури
16.25 «Тайны мира»
17.45 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза»
18.45 «Аёллар орзуси» передача для женщин
19.15 «Передача «Премия Тарона 2005»
19.45 «Ошикона», мусикий дастури
20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача
21.20 «Музыкальная пауза»
22.20 «Мою жену зовут Морис», комедия

## ОРТ

6.00 «Доброе утро»
9.00 Новости
9.05 «Хиромант». Сериал
10.20 Сериал «Клон»
11.40 Дисней-клуб
12.00 Новости
12.20 Сериал «Рожденная революцией»
13.50 «Жизнь в три оборота». Док. фильм
14.30 «Угадай мелодию»
15.00 Новости (с субтитрами)
15.20 Детектив «Кольцо из Амстердама»
17.00 «Пять вечеров»
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.20 Криминальная Россия. «Дьволица».
18.50 «Основной инстинкт».
19.50 «Поле чудес»
21.00 Время
21.25 Большая премьера
23.00 Что? Где? Когда?
0.20 «Я буду всегда с тобой». Концерт Анжелики Варум и Леонида Агутина
2.00 Боевик «Человек президента II: операция «Антитеррор»
3.40 Триллер Альфреда Хичкока «Топаз»

## РТР

3:00 «Доброе утро, Россия!»
6:45 Сериал «Тайны следствия-4».
7:45 «Мой серебряный шар. Симона Синьоре».
8:45, 11.45, 14.30, 17.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
9:00, 12.00, 15.00, 18.00 ВЕСТИ.
9:30, 12.10, 14.40, 18.30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
9:50 «Мусульмане».
10:00 «Вся Россия».
10:15 «Городок».
10:45 «В поисках приключений».
12:30 «Частная жизнь».
13:30 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
15:10 «Кулагин и партнеры».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Юбилейный концерт «Кубку юмора -10 лет!».
21:15 Остросюжетный фильм «Ахиллесова пята».
0:15 Фильм «Контрабандист».
1:55 «Дорожный патруль».
2:10 Сериал «Закон и порядок».
3:00 «Ангелы Чарли». Телесериал.

## НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 Сериал «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
10:15 «ВОЕННОЕ ДЕЛО»
10:55 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
11:55 Сериал «ХЕРУВИМ»
13:40 Фильм «ПЛАЧУ ВПЕРЕД!»
15:35, 18.35, 21.50, 5.45 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:25 Ток-шоу «ПРИНЦИП «ДОМИНО»
17:35 «СТРЕСС». Ток-шоу Александра Гордона
19:40 Боевик «ПОСЛЕДНИЙ БОЙСКАУТ»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:40 «СОВЕРШЕННО СЕКРЕТНО. ИНФОРМАЦИЯ К РАЗМЫШЛЕНИЮ»
23:35 Детектив «ОДИНОКАЯ БЕЛАЯ ЖЕНЩИНА»
1:45 «КОМА: ЭТО ПРАВДА»
2:15 Бильярд
3:15 Сериал «ПЕРВЫЙ ПОНЕДЕЛЬНИК»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:15 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
5:00 Сериал «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА-2»

## ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Телесериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
13.00 Фильм «ЖИЗНЬ И УДИВИТЕЛЬНЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ РОБИНЗОНА КРУЗО».
15.00 Док. сериал «Потрясающие каскадерские трюки-2».
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «ИНОСТРАНКА».
17.30 Фильм «КЛИЕНТ».
20.00 Док. сериал «Потрясающие каскадерские трюки-2».
20.30 Док. сериал «На пределе».
21.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
22.00 Фильм «ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ».
23.55 Фильм «ЗАТЯЖНОЙ ПРЫЖОК».
2.00 Док. сериал «На пределе».
2.30 Фильм «ДИКАЯ БАНДА».

## ДТВ

9.00, 9.30 Мультфильмы.
9.55, 20.25, 3.15 «Неслучайная музыка».
10.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Шоу Бенни Хилла.
11.35 Агентство криминальных новостей.
11.55 Боевик «ЧЕЛОВЕК ПОЛУНОЧИ».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Шоу рекордов Гиннесса.
15.45 Телесериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.50, 17.15 Мультфильмы.
17.35, 17.55 «Звездная семейка».
18.15 Фильм «ТРИДЦАТЬ ТРИ».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!»
21.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 «Шокирующая документалистика»: «Каприз ума. Крис Энджел».
23.00 Шоу Бенни Хилла.
23.40 «Звездная семейка».
0.00 Фильм «СЛУЖИТЕЛИ ЗЛА».
2.15 Агентство криминальных новостей.
2.35 «Сексуальные соседки».
3.20 Фильм «ЗАКОННИК».
5.30 Шоу Джерри Спрингера.

## ТНТ

5.55 Москва: инструкция по применению.
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ- БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.30 Русская усадьба-4.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
10.00 «ЛЮБОВНИЦА ИЗ МОСКВЫ». Комедия.
12.15 «Дикая семейка Торнберри».
12.40 «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
13.05 «Губка Боб Квадратные штаны».
13.30 Телемагазин.
14.00, 2.00 «Голод».
15.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Теленовелла.
16.00, 21.00, 0.15 «Дом-2. Первая весна».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Школа ремонта». «Сказки Андерсена».
19.00, 1.30 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 «ТНТ-комедия»: «НАВЕКИ ТВОЯ». Индия.
0.45 Москва: инструкция по применению.
1.15 Наши песни.
3.15 «НАВЕКИ ТВОЯ». Комедийная мелодрама. Индия.

## СТС

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
12.30 Кино на СТС. «АРМЕЙСКИЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ».
14.30 Осторожно, модерн-2.
15.00 Комедия на СТС. «ТОММИ-ОБОРОТЕНЬ».
15.30, 16.00, 16.35, 17.00, 17.30 Мультфильмы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
22.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Заключительная серия.
23.00 Кино на СТС. «ОЧЕНЬ СТРАШНОЕ КИНО».
0.55 Истории в деталях.
1.25 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
2.00 Кино на СТС. «УБИЙСТВО НА ОЗЕРЕ».
3.50 Кино на СТС. «ХАМЕЛЕОН».
5.35 Кино на СТС. «ХАМЕЛЕОН-2. БИТВА НАСМЕРТЬ».

## 7 ТВ

7.00, 8.00, 11.30, 14.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 22.10 «220 вольт».
8.40, 11.00 Зарядка для страны.
9.00, 10.00 Веселые старты.
10.30, 15.30, 19.30, 22.30, 4.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 0.10 «101 великий нокаут».
21.30 Автоспорт. Гонки из серии ДТМ.
0.30 Автоспорт. Европейская F3000.
1.00 Автоспорт. Всемирная серия ChampCar.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

---

12:30 «Частная жизнь».
13:30 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
15:10 «Кулагин и партнеры».
15:45 Сериал «Кармелита».
16:45 Сериал «Исцеление любовью».
18:50 «Спокойной ночи, малыши!».
18:55 Сериал «Тайны следствия-4».
20:00 Сериал «Мужчины не плачут». Фильм 1-й «Выбор».
21:00 «ВЕСТИ+».
21:20 «Аркадий Гайдар. Последняя тайна».
22:15 Фильм Чжана Имоу «Ни одним меньше».
0:25 «Дорожный патруль».
0:45 Сериал «Закон и порядок»
1:30 «Ангелы Чарли». Телесериал.
2:20 Канал «Евроньюс» на русском языке.
2:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

## НТВ

6:00 «СЕГОДНЯ УТРОМ»
9:05 «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО: УБИЙСТВО В 7-М КИНОПАВИЛЬОНЕ»
10:00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
10:20 «ТАЙНЫ РАЗВЕДКИ»
10:50 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
11:55 Сериал «ХЕРУВИМ»
13:30 Фильм «ИДИОТ»
15:35, 18.35, 21.50 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»
16:20 Ток-шоу «ПРИНЦИП «ДОМИНО»
17:30 Сериал «СВОБОДНАЯ ЖЕНЩИНА»
19:4 Остросюжетный сериал «ХЕРУВИМ»
20:45 Сериал «ПОД НЕБОМ ВЕРОНЫ»
22:00 «СЕГОДНЯ 22:00»
22:40 «К БАРЬЕРУ!» Ток-шоу Владимира Соловьева
0:00 «СЕГОДНЯ»
0:15 Сериал «ХЕРУВИМ»
1:20 Сериал «ДЕТЕКТИВ РАШ»
2:15 Бильярд
3:15 Сериал «ПЕРВЫЙ ПОНЕДЕЛЬНИК»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Сериал «ЗА ГРАНЬЮ ВОЗМОЖНОГО»
4:55 Сериал «ЛЮБОВЬ ВДОВЦА-2»
5:40 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ»

## ТВ 3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00, 9.30, 10.00, 10.30 Мультфильмы.
11.00 Телесериал «ДОРОГИ ЛЮБВИ».
12.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
13.00 Фильм «ПРОСТАЯ ИСТОРИЯ».
15.00 Док. сериал «Потрясающие каскадерские трюки-1». 1-я серия.
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «Я ОСТАЮСЬ».
18.00 Фильм «ДИКАЯ БАНДА»
20.00 Док. сериал «Потрясающие каскадерские трюки-1». 1-я серия.
20.30 Док. сериал «На пределе».
21.00 Телесериал «ВОРОВКА-2».
22.00 Фильм «ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ». 1-я серия.
0.00 Фильм «ПОЭТ».
2.00 Док. сериал «На пределе».
2.30 Фильм «ИСТОРИЯ ПОДЗЕМКИ».

## ДТВ

9.00, 9.30 Мультфильмы.
9.55, 20.25 «Неслучайная музыка».
10.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
10.30, 10.45 «Звездная семейка».
11.05 Шоу Бенни Хилла.
11.35 Агентство криминальных новостей.
11.55 Фильм «МОЯ БОЛЬШАЯ ГРЕЧЕСКАЯ СВАДЬБА».
14.10 Игровое шоу «Время - деньги!»
14.40 Телесериал «ВОЗДУШНАЯ ПОЛИЦИЯ».
15.45 Телесериал «КРУТОЙ УОКЕР».
16.50, 17.15 Мультфильмы.
17.35, 17.55 «Звездная семейка».
18.15 Фильм «ДУШЕЧКА».
20.30 Игровое шоу «Время - деньги!»
21.00 «На бульваре с Эвелиной Блёданс...»
21.25 Сериал «ЖЕНАТЫ И С ДЕТЬМИ...»
21.55 Русский сериал «КАМЕНСКАЯ».
23.00 Шоу Бенни Хилла.
23.40 «Звездная семейка».
0.00 Боевик «ЧЕЛОВЕК ПОЛУНОЧИ».
2.15 Агентство криминальных новостей.
2.30 «Сексуальные соседки».
3.10 «Неслучайная музыка».
3.20 Шоу Джерри Спрингера.

## ТНТ

5.55 Москва: инструкция по применению.
6.20 «ЛЮБОВЬ И ТАЙНЫ САНСЕТ- БИЧ».
7.10 «Глобальные новости».
7.15 «Котопёс».
7.40 «Ох уж эти детки».
8.05 «Как говорит Джинджер».
8.30 Наши песни.
9.00 «Завтрак с Дискавери».
10.00 «БОЛЬШАЯ ДРАКА». Комедийный боевик.
12.15 «Дикая семейка Торнберри».
12.40 «Приключения Джимми Нейтрона, мальчика-гения».
13.05 «Губка Боб Квадратные штаны».
13.30 Телемагазин.
14.00, 1.30 «Голод».
15.00 «ТОЛСТАЯ ДЕВЧОНКА». Теленовелла.
16.00, 21.00, 23.45 «Дом-2. Первая весна».
17.00, 20.00 «Окна».
18.00 «Необъяснимо, но факт». «Треугольник смерти». Секретные материалы.
19.00, 1.00 «Живой журнал». Домашнее видео.
19.30 Москва: инструкция по применению.
22.00 «ТНТ-комедия»: «ЛЮБОВНИЦА ИЗ МОСКВЫ».
0.15 Москва: инструкция по применению.
0.45 Наши песни.
2.25 «НЕЗАКОННО ТВОЙ». Комедия.

## СТС

8.00 «БЕВЕРЛИ ХИЛЛЗ 90210». Сериал.
8.40, 8.50, 9.00 Мультфильмы.
9.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
10.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
11.00 Истории в деталях.
11.30 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
12.30 Кино на СТС. «ПОЛИЦЕЙСКИЙ И МАЛЫШ».
14.30 Осторожно, модерн-2.
15.00 Комедия на СТС. «ТОММИ-ОБОРОТЕНЬ».
15.30, 16.00, 16.35, 17.00, 17.30 Мультфильмы.
18.00 «ЛУЧШИЕ». Сериал.
19.00 «ТАЙНЫ СМОЛВИЛЯ». Сериал.
20.00 «КОМИССАР РЕКС». Сериал.
21.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
21.30 Истории в деталях.
22.00 «НОВЫЙ РУССКИЙ РОМАНС». Сериал.
23.00 Кино на СТС. «АРМЕЙСКИЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ».
1.00 Осторожно, модерн-2.
1.30 Истории в деталях.
2.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
2.35 Детали.
3.00 Комедия на СТС. «ДРУЗЬЯ».
3.55 Кино на СТС. «ЗА РЕКОЙ - ТЕХАС».
5.30 Кино на СТС. «СУДЕБНАЯ ОШИБКА».

## 7 ТВ

7.00, 8.00, 11.30, 14.30, 16.30, 18.30, 20.30, 23.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30 «220 вольт».
8.40, 10.00, 11.00 Зарядка для страны.
9.00 Веселые старты.
10.10 Футбол Испании. Обзор тура.
10.30, 15.30, 19.30, 4.00 Спортивные танцы.
12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 19.00, 20.00, 21.00, 22.00, 23.00, 0.00 Новости 7.
12.30 Акробатический рок-н-ролл.
13.30, 21.10, 23.10 Музыкальный трек.
13.40, 0.10 «101 великий нокаут».
21.30 Автоспорт. Гонки из серии ДТМ.
0.30 Автоспорт. Европейская F3000.
1.00 Автоспорт. Всемирная серия ChampCar.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

---

**ОРТ, жума**

**2.00 Жангари фильм "ПРЕЗИДЕНТ ОДАМИ-2: "АКСИЛТЕРРОР" ОПЕРАЦИЯСИ" ("ЧЕЛОВЕК ПРЕЗИДЕНТА-2: ОПЕРАЦИЯ "АНТИТЕРРОР")**




Кетма-кет содир этилган террорчилик ҳаракатлари АҚШни ларзага солади. Кўпорувчиликлар учун жавобгарликни миллиардер Абдул Рашид бошчилигидаги экстремистлар гуруҳи ўз зиммасига олади. Бундан ташқари террорчилар яширин йўллар билан Америкага ядро бомбаси олиб кириб, уни портлатамиз, деб дағдаға қилишади. Қаттиқ ташвишга тушган мамлакат Президенти зудлик билан махсус агент Жошуа Мак Кордни чақиртиради.

**Ролларда: Чак Норрис, Жадсон Миллс, Женнифер Танг, Роксанн Харт, Жоэл Суитау, Алекс Додд.**



**НТВ, жума**

**13.40 Бадиий фильм "ОЛДИНДАН ТЎЛАЙМАН!" ("ПЛАЧУ ВПЕРЕД!")**

Янги йил арафасида таниқли актёр Михаил Распятов премьерадан сўнг "Отелло" спектаклини саҳналаштиришда ҳомийлик қилган Липочканинг тўшагида уйғонади. Липочка дангалига бир йил бирга яшаши эвазига бир миллион АҚШ доллари таклиф этади. Бунинг устига "Олдиндан тўлайман" деб ваъда беради. Аксига олиб шу пайт хотини ва севгилиси – ёш актриса келиб қолишади...

**Ролларда: Михаил Боярский, Наталья Данилова, Лариса Луппиан.**

**РТР, шанба**

**23.20 Ўткир сюжетли фильм "АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ" ("ПРЕЗУМПЦИЯ НЕВИНОВНОСТИ")**



Омади чопган прокурор Расти Сэбич ёрдамчиси Нэролайн Полхемуснинг ўлдирилиши билан боғлиқ жиноят ишини текшириши керак. Лекин у ишни атайлаб чўзади. Сабаби, Нэролайн унинг жазмани бўлган. Прокурорнинг хатти-ҳаракатлари атрофидагиларда шубҳа уйғотади. Унинг айбсизлигига ҳеч ким, ҳатто адвокат дўсти ҳам ишонмайди, фақат хотини Барбарагина ишонади...

**Ролларда: Харрисон Форд, Грета Скакки, Бонни Беделиа, Рауль Хулиа.**

**ДТВ, якшанба**

**20.55 Фантастика. "ҲАЛОКАТГА УЧРАГАН КЕМАЛАР ОРОЛИ" ("ОСТРОВ ПОГИБШИХ КОРАБЛЕЙ")**




Йўловчилар ташувчи кема ҳалокатга учрайди. Деярли ҳамма шлюпкаларга чиқиб, қутулиб қолади. Фақат бехисоб бойлик меросхўри, қотилликда айбланаётган муҳандис ва полициячи тушган қайиққина ғаройиб бир оролга келиб қолади. Бу жой асрлар давомида ҳалокатга учраган кемалардан иборат эди. Орол аҳолиси ўз хусусий қонунларига кўра яшашади...

**Ролларда: Николай Лавров, Лариса Белогурова, Константин Райкин, Наталья Лапина.**

# ШАНБА, 19

## «Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.40 Республика Қуролли Кучлари бадиий жамоаларининг концерти.
9.00 «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Хидоят сари».
10.20 «Мусиқа дунёси».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Тафсилот».
11.50 «Антиқа томоша».
12.20 «Ойижон». Бадиий фильм.
13.35 «Сиз нима дейсиз?» Мусиқий дастур.
14.10 «Синдрелло». Мультфильм.
15.20 «Дўстлик» студиясида: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Дурдаршан».
16.20 «Санъатга бахшида умр». М. Азимов.
16.45 «Табиат шифохонаси».
16.55 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
17.25 «Гап чиқди» почтасидан.
17.40 «Рангин дунё».
17.55 Наврўз оҳанглари.
18.05 «Интеллектуал ринг». Ярим финал.
18.55 «Қишлоқ ҳаёти».
19.15 «Ўзлотто». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Эстрада тароналари.
21.30 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
22.30 «Табиб». Бадиий фильм. 2-қисм.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студиясида: У ким? Бу нима?
8.50 Олтин мерос.
9.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 ТВ - дорихона.
10.20 «Баҳор қайтади».
10.50 Оҳанрабо.
11.30 Табобат оламида.
11.55 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.40 Ёшлар ва ҳуқуқ.
13.00 Гулғунчалар.
13.20 Кутилмаган меҳмон.
13.50 «Мультомоша».
14.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.40 Интерфутбол.
16.20 Телевикторина.
16.30 «Янги авлод» студиясида: Билағон маслаҳати.
16.50 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Орипов 3 - қисм.
17.10 Минг бир ривоят.
17.15 Зумрадойнинг эртаклари.
17.35 Бола тилидан.
18.10 Ўқишга марҳамат.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.50 Мумтоз наволар.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Файрат Усмонов куйлайди.
20.00 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал ўйин.
20.50 Наврўз мушоиралари.
21.00 «Маҳобҳорат». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.40 Кулгуч.
22.50 «Изқувар». Бадиий фильм.
0.10-0.15 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканали
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Мультчархпалак».
17.35 «Табриклаймиз кутлаймиз».
17.55, 20.10 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 Жаҳон географияси.
18.40 «Афиша».
19.00 «Табриклаймиз кутлаймиз».
19.30 «Бахтли бўлинг».
20.25 «Дугоналар».
20.45 «Биргаликда куйлаймиз».
21.30 «Нима учун?»
22.00 Кинонигоҳ: «Куйлаётган аёл».
23.10-23.15 Хайрли тун, шахрим!

## «Sport» телеканали
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Нокаут».
9.45 «Гиннесс рекордлари».
10.10 А. Макаревич «Учта дераза» дастурида.
10.50 «Муҳаббат ҳикоялари». А. Макарский.
11.30-12.00 Хужжатли фильм.
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Пахтакор» -«Сўғдиёна». Танаффусда «Хабарлар» (Рус тилида)(Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади)
17.50 «Болалар спорти».
18.10 «Аралаш».
18.40 Концерт дастури.
20.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
21.00 «Время».
21.20 «Спорт-клуб».
21.30 «Хабарлар».
21.45 «Ўзбекистон ифтихори».
22.15 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-й канал
9.00 Открытие программы
9.05, 17.25, 21.40 «Телехамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 «Гениальные младенцы», комедия
11.20 «Окно в мир» док. фильм
11.40 Бокс
12.50 Спорт-Экстрим
13.25 «Детский час»
13.50 Индийское кино: «Влюблённые»
16.30 Болалар соати
17.45 «Ошикона», мусиқий дастури
18.30 «Криминальный талант», 1-я серия
20.00 «Хикоя»
20.20 Хит-парад.uz
22.00 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
23.00 «Мои самые счастливые звёзды», комедия

## ОРТ
6.00 Новости
6.10 Динозавры в фильме «Земля до начала времен»
6.50 60 Остросюжетный фильм «О возвращении забыть»
8.20 Играй, гармонь любимая!
9.00 Слово пастыря
9.10 Здоровье
10.00 Новости
10.10 Андрей Макаревич в программе «Три окна»
10.50 «Любовные истории»
11.30 «Встань и иди»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 «История с географией». «Шаг в бездну»
13.00 Дисней-клуб
13.30 Умницы и умники
14.10 «Пестрая лента». Династия Дворжецких
15.10 «Слабое звено»
16.00 «КВН-2005».
17.50 Золотые годы Микки Мауса.
18.00 Вечерние новости (с субтитрами)
18.10 Субботний «Ералаш»
18.40 «Новые песни о главном»
20.00 «Кто хочет стать миллионером?»
21.00 Время
21.20 «Розыгрыш»
22.50 «Золотой граммофон»
0.00 Комедия «Послешишь - людей насмешишь»
2.00 Триллер «Чернокнижник»
3.50 Детектив «Жульничество»

## РТР
3:50 Приключенческий фильм «Молодой Геракл».
5:15 «Большая перемена».
5:40 «Золотой ключ».
6:00, 9.00, 12.00, 18.00 ВЕСТИ.
6:10, 9.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
6:20 «Русское лото».
6:55 «Утренняя почта».
7:25 «Субботник».
8:10 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
9:20 «Сто к одному».
10:15 «В поисках приключений».
11:15 «Клуб сенаторов».
12:25 К ЮБИЛЕЮ ГЕОРГИЯ ЖЖЕНОВА. «Русский крест». Фильм.
14:00 Фильм «Парень из нашего города».
15:40 «Жди меня». Киноконцерт.
16:00 «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
17:50 «В Городке».
18:25 «Зеркало».
18:35 «Честный детектив».
19:05 Комедия «Четыре таксиста и собака».
21:15 Фильм «Жизнь или что-то в этом роде».
23:20 Детектив «Презумпция невиновности».
1:45 «Горячая десятка».
2:40 Канал «Евроньюс».

## НТВ
6:05 Мультфильм
6:15 Боевик «ПОСЛЕДНИЙ БОЙСКАУТ»
8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
8:15 Мультфильм
8:25 Детективный сериал «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА: ОРУЖИЕ»
8:55 «БЕЗ РЕЦЕПТА».
9:25 «ДИКИЙ МИР»
10:15 Ксения Собчак. «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ»
10:55 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК»
11:50 «КВАРТИРНЫЙ ВОПРОС»
13:20 «ОСОБО ОПАСЕН!». «ОГРАБЛЕНИЕ ВЕКА»
13:55 «СВОЯ ИГРА»
14:55 Сериал «КОДЕКС ЧЕСТИ-2: СВИДЕТЕЛЬ ДОЛЖЕН УМЕРЕТЬ», 1-я серия
16:20 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД»
16:55 ЧЕМПИОНАТ РОССИИ ПО ФУТБОЛУ. «Локомотив» - «Москва».
19:40 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР
20:10 «ЮБИЛЕЙ». 70 лет народному артисту России Сергею Юрскому
21:25 Боевик «ПАССАЖИР 57»
23:15 «МИРОВОЙ БОКС». Авторская программа Владимира Гендлина.
0:10 Фильм «НАРУШАЯ ЗАПРЕТЫ»
1:55 «ФУТБОЛ В РАЗРЕЗЕ»
2:35 Сериал «ОДНАЖДЫ В КАЛИФОРНИИ»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:10 Остросюжетный фильм «ЖИЛЕЦ»

## ТВ 3
9.00, 9.30, 10.00 Мультфильмы.
10.30 «Черепашки-ниндзя: новые приключения-5».
11.00 Фильм «ЖИЗНЬ И УДИВИТЕЛЬНЫЕ ПРИКЛЮЧЕНИЯ РОБИНЗОНА КРУЗО».
13.00 Фильм «ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ». 1-я серия.
15.00 «Иди и смотри».
15.10 «Ла Страда» - ваша дорога к красоте.
15.30 Док. сериал «Секреты кино».
16.00 Фильм «ГОВОРЯЩАЯ ОБЕЗЬЯНА».
17.45 Фильм «КРЫСИНЫЕ БЕГА».
20.00, 20.30 Мультфильмы.
21.00 «Голливуд On-Set».
21.30 «Осторожно, модерн!»
22.00 Фильм «ПОЕЗД-ТЮРЬМА».
0.00 Фильм «ТЕМНЫЕ ВОДЫ».
2.00 «Осторожно, модерн!».
2.30 Фильм «ПОЭТ».

## ДТВ
9.55 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
10.30 Мультфильмы.
11.45 Программа о кинематографе «Свет и тень».
12.05 Туристическая программа «В дорогу!»
12.20 Фильм «ДЖЕЙН ЭЙР».
14.30 Док. сериал «Без цензуры...»
15.25 Телесериал «СТРОГО НА ЮГ».
16.25 Мужской тележурнал «Арсенал».
16.55, 18.00 Сериал «КАМЕНСКАЯ».
19.00 «Звездная семейка».
20.00 Шоу рекордов Гиннесса.
21.00 Фильм «ДУЛЬСИНЕЯ ТОБОССКАЯ».
22.30 Художественный фильм «ДУЛЬСИНЕЯ ТОБОССКАЯ».
0.00, 1.00 Телесериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ».
2.00 «Сексуальные соседки».
2.35 Мировая реклама.
3.05 Фильм «ПАУК».

## ТНТ
7.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
7.50 «Каламбур».
8.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Комедийный сериал.
9.10 «Фигли-Мигли».
9.35 «Маски-шоу». Комедия.
10.00 «НАВЕКИ ТВОЯ». Комедийная мелодрама. Индия, 1-я серия.
12.20 «Сейлормун снова с нами».
13.30 «Две блондинки против грязи».
14.00 «Каламбур».
14.30 «Фигли-Мигли».
15.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2». Иронический детектив.
16.00, 21.00, 23.30 «Дом-2. Первая весна».
17.00 «САША + МАША».
17.30 «Москва: инструкция по применению».
18.00 «Запретная зона».
19.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2». Сериал.
20.00 «Цена любви».
22.00 «САША + МАША».
22.30 «ТНТ-комедия»: «СМЕШНЫЕ И ГОЛЫЕ».
0.00 Наши песни.
0.15 «ЛЮБОВЬ НА ШЕСТЕРЫХ». Комедия. 1-я серия.
0.50 Микс файт: бои без правил.
1.20 «СЕКС И ХОЛОСТЯК». Романтическая комедия.
3.30 «ЛИВЕРПУЛЬ-1». Детективный сериал.

## СТС
8.00 «СВЯТОЙ ПАТРИК. ИРЛАНДСКАЯ ЛЕГЕНДА». Фильм.
9.35, 9.50, 10.20, 10.30, 11.00, 11.45 Мультфильмы.
11.15 «Полундра!» Телеигра.
12.00 Кино на СТС. «НОВИЧОК».
14.00 «Самый умный».
16.00 «Спасите, ремонт».
17.00 Фильмы производства BBC. «Паразиты». Часть 3-я.
18.00 Истории в деталях. Специальный выпуск.
18.30 «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
19.40 Кино на СТС. «ОЧЕНЬ СТРАШНОЕ КИНО».
21.30 «33 квадратных метра».
23.00 Кино на СТС. «РЫЦАРЬ КАМЕЛОТА».
0.55 Кино на СТС. «НЕРУШИМЫЕ УЗЫ».
3.00 Кино на СТС. «ПРОЦЕСС ЖАННЫ Д'АРК».
4.10 Кино на СТС. «В КОСМИЧЕСКОЙ ЛОВУШКЕ».
5.35 Кино на СТС. «МАНЧИ НАНОСИТ ОТВЕТНЫЙ УДАР».

## 7 ТВ
7.00, 8.00, 9.00, 16.30, 18.30, 20.30, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 9.30, 14.00, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 13.10, 18.10, 20.10, 21.00, 22.30, 23.40, 2.00, 2.10, 5.10 «220 вольт».
10.00, 14.30 Спортивные танцы.
11.00 Веселые старты.
12.30, 18.00 23.00 Звезда автострады.
12.40, 23.10 Формула-1. Сезон-2005. «За кулисами Гран-при».
13.30, 21.10, 22.40 Музыкальный трек.
13.40, 19.30, 4.30 Боксерский клуб.
15.30 Автоспорт. Сезон-2004. Евросерия F-3.
17.00, 19.00 Неизвестный спорт.
19.40 4.40 Мировое футбольное шоу.
21.30 Бильярд.
23.55 Футбол. Чемпионат Испании.
2.30 Интерактивный ТВ-чат.

# ЯКШАНБА, 20

## «Ўзбекистон» телеканали
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10, 14.05 ТВ-анонс.
12.15 «Алифбо сабоқлари».
12.35 «Қорақалпоқнома».
12.55 «Интеллектуал ринг» Ярим финал.
13.45 «Ассалом, Наврўз!» Адабий-мусиқий композиция.
14.10 «Яна ўша Насриддин». Бадиий фильм.
15.50 «Дўстлик» студиясида: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Айчурек». 4. «Чинсэн».
17.10 «Наврўз мушоираси».
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Улгайиш поғоналари». 2. «Олтин тож».
18.25 «Экран хандаси».
18.30 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Олам».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Одами эрсанг».
21.40 «Ўзбегим куйлаганлари».
«Якшанба кинозали»:
23.00 «Ҳаёт ва ҳаёл». Бадиий фильм.
0.40-0.45 Ватан тимсоллари.

## «Ёшлар» телеканали
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
8.30 «Янги авлод» студиясида: Билағон маслаҳати.
8.50 Зумрадойнинг эртаклари.
9.10 «Томоша» болалар гуруҳи таклиф этади.
9.40 Кулгуч.
9.50 Очил дастурхон.
10.10 Хамкор - 2005.
10.20 Автосалтанат.
10.40 «Мультомоша».
11.10 Байрам табриги.
11.15 Харбий - ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон, 2. Аскар мактублари.
11.55 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.40 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
13.35, 15.25, 19.30 ТВ - анонс.
13.40 Лутфий. «Гул ва Наврўз». Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқий театрининг спектакли 1 - қисм.
14.35 Наврўз оҳанглари.
14.45 Ринг қироллари.
15.30 Чемпион сирлари.
15.50 Байрам табриги.
15.55 «Яратганга шукур». Бадиий фильм.
17.35 «Умр дафтари» туркумидан: Абдулла Орипов 4 - қисм.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студиясида: Катта танаффус.
18.20 Хуш келибсиз!
18.45 ТВ - афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Наврўз мушоиралари.
19.40 Бир ўлкаки.
20.00 Наврўз оҳанглари.
20.15 Байрам табриги.
20.25 «Маҳобҳорат». Телесериал.
21.15 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва ахборот дастури.
22.15 Наврўз фантазияси.
23.15 - 23.20 Хайрли тун.

## «Тошкент» телеканали
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Болажонлар экрани.
17.30 «Табриклаймиз кутлаймиз».
17.50, 20.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.05 Жаҳон географияси.
18.35 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
20.00 «Табриклаймиз кутлаймиз».
20.35 «Шунақа гаплар».
20.50 «Тенгдошлар».
21.20 «ТВ- плюс».
21.50 Кинонигоҳ: «Тўйлар муборак».
22.55-23.00 Хайрли тун, шахрим!

## «Sport» телеканали
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (Рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.20 Мультфильм.
9.35 «Қувноқ стартлар».
10.10 Д. Криволнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
10.30 «Хамма уйдалигида».
11.10 «Соғлом овқатланиш сирлари». Инглиз тилида.
11.20 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.40-12.40 «Профессионал бокс тарихидан».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (Рус тилида)
17.15 «Бинафша».
17.35 «Жаҳон футболи».
18.05 «Халқ ўйинлари». Наврўз сони.
18.40 «Кучли бешлик».
19.00 «Фигурали учиш».
21.00 «Время».
21.45 «Хабарлар».
22.00 «Заҳирадаги спортчи».
22.20 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## 30-й канал
9.00 Открытие программы
9.05, 11.20, 17.25, 21.35 «Телехамкор»
9.25 «Детский час»
9.50 «Фантастическая пицца», комедия
11.40 «Дикая планета»
13.00 «Передача «Премия Тарона 2005»
13.30 Хит-парад.uz
14.50 Боллалар соати
15.45 «Мои самые счастливые звёзды» комедия
17.45 «Музыкальная паза»
18.20 «Криминальный талант», детектив
19.50 «Ошикона», мусиқий дастури
20.35 «Полицейский Кэтс и его собака», сериал
21.55 «Музыкальная паза»
23.00 «Фирма», остросюжетный фильм

## ОРТ
6.00 Новости
6.10 Фильм «Земля до начала времен»
6.50 Нарисованное кино. «Долина папоротников».
8.20 Служу Отчизне!
8.50 Дисней-клуб
9.10 «В мире животных»
10.00 Новости
10.10 «Непутевые заметки» с Дм.Крыловым
10.30 Пока все дома
11.10 Дог-шоу
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 Живая природа. «Жизнь с динозаврами»
13.10 Дисней-клуб
13.30 Комедия «Наверное, боги сошли с ума»
15.40 «Смешные люди»
17.40 Воскресный «Ералаш»
18.00 Времена
19.00 Фигурное катание. Чемпионат мира в Москве. Показательные выступления.
21.00 Время.
21.45 Супербоевик «Люди Х»
23.40 Бокс. Бернард Хопкинс - Ховард Истмен
0.40 Суперчеловек. «Человеческое тело». Фильм 1-й
1.30 Фильм «Лунный папа»
3.30 Фильм «Два сердца»
5.00 Сериал «Приключения Геркулеса»

## РТР
3:55 Комедия «Веселые ребята».
5:25 «Колоссальное хозяйство».
5:40 «Военная программа» Александра Сладкова.
6:10, 9.00, 12.00 ВЕСТИ.
6:10, 9.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
6:20 «Студия «Здоровье».
6:50 Всероссийская лотерея «ТВ Бинго шоу».
7:05 «Диалоги о животных».
8:00 «Вокруг света».
9:20 «Пирамида».
9:50 «Городок».
10:20 «Сам себе режиссер».
11:15 «Парламентский час».
12:20 «Фитиль N 35».
13:05 Индийского кино. «Долг чести».
15:55 Юбилейный концерт Кима Брейтбурга с участием Филиппа Киркорова, Ларисы Долиной, Валерия Меладзе, Лаймы Вайкуле и других.
18:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
19:00 «Специальный корреспондент».
19:25 Программа Дмитрия Диброва «Я готов на все!»
20:30 Клуб «Театр + ТВ». «Новоселье в старом доме».
22:30 Комедия «Обратно на Землю».
0:10 Чемпионат мира по автогонкам.
1:15 Сериал «Клоун».
2:10 Канал «Евроньюс»

## НТВ
6:20 Мультфильм
6:50 Комедия «ПОДКИДЫШ»
8:00, 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 «СЕГОДНЯ»
8:15 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА»
8:40 «ИХ НРАВЫ»
9:25 «ЕДИМ ДОМА»
10:20 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ»
10:50 «TOP GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
11:25 «ДАЧНИКИ»
12:00 «ШКОЛА ЗЛОСЛОВИЯ».
13:20 «ВОЕННОЕ ДЕЛО»
13:55 Борис Андреев, Алексей Баталов в фильме «БОЛЬШАЯ СЕМЬЯ»
16:20 «ТАЙНЫ РАЗВЕДКИ»
16:55 «СВОЯ ИГРА»
17:55 «КОДЕКС ЧЕСТИ-2: СВИДЕТЕЛЬ ДОЛЖЕН УМЕРЕТЬ». Сериал
19:40 «ЧИСТОСЕРДЕЧНОЕ ПРИЗНАНИЕ»
20:10 Боевик «ЛЬВИНАЯ ДОЛЯ»
22:35 Фильм «ЛЮБОВНАЯ ИСТОРИЯ»
0:40 Комедия «ДАУН ХАУС»
2:25 Фильм «НУЖНЫЕ ЛЮДИ»
4:00 «СЕГОДНЯ»
4:15 Боевик «ПОЗЫВНЫЕ БЭТ-21»

## ТВ 3
8.30 Жизнь в слове.
9.00, 9.30, 10.00 Мультфильмы.
10.30 «Черепашки-ниндзя: новые приключения-6».
11.00 Фильм «ВПЕРЕД В ПРОШЛОЕ».
13.00 Фильм «ПУТЕШЕСТВИЕ К ЦЕНТРУ ЗЕМЛИ».
15.00 Док. сериал «Четвероногие в кадре и за кадром».
15.30 Окно в мир.
16.00 Фильм «ПАПАШИ».
18.00 Фильм «ПОЕЗД-ТЮРЬМА».
20.00, 20.30 Мультфильмы.
21.00 «Голливуд On-Set».
21.30 «Осторожно, модерн!».
22.00 Фильм «ПИСТОЛЕТ С ГЛУШИТЕЛЕМ».
23.40 Фильм «КИДНЕППИНГ».
2.00 «Осторожно, модерн!».
2.30 Фильм «ТЕМНЫЕ ВОДЫ».

## ДТВ
9.55 Телесериал «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ».
10.30, 11.15 Мультфильмы.
11.45 Программа о здоровье «Секреты Гиппократа».
12.00 Программа для рыболовов «Серебряный ручей».
12.15 Фильм «СЛУЖИТЕЛИ ЗЛА».
14.30 Док. сериал «Без цензуры...»
15.25 Телесериал «СТРОГО НА ЮГ».
16.25 Программа для автомобилистов «Карданный вал».
16.55, 18.00 Сериал «КАМЕНСКАЯ».
19.00 Самое смешное видео.
19.30 Юмористическая программа «В засаде».
20.00 Шоу рекордов Гиннесса.
20.55, 22.25 Фильм «ОСТРОВ ПОГИБШИХ КОРАБЛЕЙ».
0.00, 1.00 Телесериал «C.S.I МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ».
2.00 Эротическая программа «Голая правда».
3.10 Мобильные штучки.
3.15 Самое смешное видео.
3.45 «Шокирующая документалистика»: «Каприз ума. Крис Энджел».

## ТНТ
7.00 «НАША СЕКРЕТНАЯ ЖИЗНЬ-3». Сериал.
7.50 «Каламбур».
8.20 «ДЖИВС И ВУСТЕР». Комедийный сериал.
9.10 «Фигли-Мигли».
9.35 «Маски-шоу». Комедия.
10.00 «НАВЕКИ ТВОЯ». Комедийная мелодрама. Индия.
12.20 «Сейлормун снова с нами».
13.30 «Маски-шоу». Комедия.
14.00 «Каламбур».
14.30 «Фигли-Мигли».
15.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2». Иронический детектив.
16.00, 21.00, 23.30 «Дом-2. Первая весна».
17.00 «САША + МАША». Комедия.
17.30 «Две блондинки против грязи».
18.00 «Школа ремонта».
19.00 «АГЕНТСТВО НЛС-2». Иронический детектив.
20.00 «Запретная зона».
22.00 «САША + МАША».
22.30 «ТНТ-комедия»: «СМЕШНЫЕ И ГОЛЫЕ».
23.00 Секс с Анфисой Чеховой.
0.00 Наши песни.
0.15 «ЛЮБОВЬ НА ШЕСТЕРЫХ». Комедия.
0.50 Микс файт: бои без правил.
1.20 «МАМБО КАФЕ». Комедия.

## СТС
8.00 «ЛЕОНАРД ШЕСТОЙ». Фильм.
9.25, 9.50, 10.20, 10.30, 11.00, 11.30 Мультфильмы.
12.00 Кино на СТС. «РЫЦАРЬ КАМЕЛОТА».
14.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу.
16.00 «Снимите это немедленно».
17.00 Фильмы производства BBC. «Смотрите, как можно быть съеденным заживо».
18.00 Истории в деталях.
18.30 «33 квадратных метра».
19.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-3». «НЕСЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». 1-я серия.
21.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-3». «НЕСЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ», 2-я серия.
23.00 Кино на СТС. «НЕ ЗАГЛЯДЫВАЙ ПОД КРОВАТЬ».
1.00 Фильмы производства BBC. «Смертельные объятия».
2.00 Кино в деталях.
3.00 Кино на СТС. «ПЕРЕД РАССВЕТОМ».
4.50 Кино на СТС. «ВОЗВРАЩЕНИЕ ДЖЕКА-ПОТРОШИТЕЛЯ».

## 7 ТВ
7.00, 8.00, 9.00, 16.30, 18.30, 20.30, 5.00, 6.00 Диалоги о рыбалке.
7.30, 9.30, 14.00, 17.30, 5.30, 6.30 Линия жизни.
8.30, 13.10, 18.10, 20.10, 21.00, 22.40, 1.00, 4.40 «220 вольт».
10.00, 14.30 Спортивные танцы.
11.00 Веселые старты.
12.30, 18.00, 22.00 Боксерский клуб.
12.40, 22.10 Мировое футбольное шоу.
13.30, 21.10, 1.10 Музыкальный трек.
13.40, 19.30, 4.00 Звезда автострады.
15.30 Автоспорт. Кубок Порше Каррера.
17.00, 19.00 Неизвестный спорт.
19.40, 4.10 Формула-1. Сезон-2005. «За кулисами Гран-при».
21.30 Бильярд.
22.55 Футбол. Чемпионат Испании.
1.30 Автоспорт. Сезон-2004.
2.00 Интерактивный ТВ-чат.

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

*Навоий вилояти ИИБ ЖИЭБ муассаса бошлиғи, полковник **Шавкиддин ИДИЕВ**ни 55 ёшга тўлгани билан самимий муборакбод этамиз. Устозга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва машаққатли хизматларида муваффақиятлар тилаймиз. Шогирдлари, фарзандлари камолини кўриб юришини Аллоҳдан сўраймиз.*

**Муассаса шахсий таркиби ва шогирдлари.**

* * *

*Республика ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник **Сатторқул ГАЙИРОВ**ни таваллуд топган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, оилавий хотиржамлик, хонадонига тинчлик ва барака тилаймиз.*

**Бошқарма раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

* * *

*Сурхондарё вилояти ИИБ ЖҚ ва ТҚКБ тезкор вакили, лейтенант **Анвар НУРМАТОВ**ни ва Ангор тумани ИИБ профилактика инспектори, капитан **Акмал ЧОРШАНБИЕВ**ни туғилган кунлари билан самимий табриклаймиз. Уларга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт ва хизматларида катта муваффақиятлар тилаймиз.*

**Вилоят ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби.**

## БИР КУЛИШАЙЛИК



Париж. Эйфель минораси олдида бир сайёҳ гиддан сўраяпти:

– Бу ерга саккизинчи бор келишим. Ҳали ҳам ҳеч иш қилишмабди-ку?

Гид:

– Нима қилишлари керак эди?

Сайёҳ:

– Нефть қазиб олишни қачон бошлашади?

* * *

**Заводда уста янги ишчига тушунтиряпти:**

**– Бош муҳандисимиз бақиришга тушдими, демак, моторни йиғишмаган.**

**Ёш ишчи:**

**– Унда нимани йиғишган?**

**Уста:**

**– Нима деб бақираётган бўлса, ўшани йиғишган-да.**

* * *

– Фирма директори ходимлар сонини анчамунчага қисқартирмоқчи эмишми?

– Қўркма, бунинг бизга дахли йўқ. Хўжайин келиннойимиз билан жанжаллашиб қолган. Шунинг учун хотинининг қариндошларини ишдан бўшатади.

* * *

**Икки ўғри суҳбатидан:**

**– Кейинги пайтда ўзимни худди ҳалол пул ишлаб топаётгандай ҳис қилаяпман.**

**– Нега?**

**– Ўғирлик қилиш чоғида кўп тер тўкишга тўғри келаяпти-да...**

* * *

– Дўхтир, ростдан ҳам аҳволим анча оғирми?

– Ҳар ҳолда янги сериални томоша қилишни бошламанг-да.

* * *

**– Ўнг оёғим оғрияпти.**

**– Бу ёш билан боғлиқ.**

**– Йўғ-е, чап оёғим ҳам шу ёшда-ку.**

* * *

Меҳмонхонада:

– Хўш, бу "чўчқахона"гизнинг бир хонасида бир кеча туриш қанча бўлади?

– Битта чўчқа учун уч доллар.

* * *

**– Профессор, менга пластик операциядан сўнг Ален Делонга ўхшаб қоласиз, деган эдингиз-ку?**

**– Ален Делон ҳозир анча қариб, юзи буришиб қолганидан хабарингиз йўқми?..**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

## Келгуси ҳафта учун



**Қўй.** Ушбу ҳафтада кўзланган мақсадга эришиш учун хушмуомала бўлишингизга тўғри келади. Шунда энг қийин вазиятлардан ҳам осонгина чиқиб оласиз. Дўстларингиздан ўз ёрдамингизни аяманг. Пайшанба куни фарзандларингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин.



**Сигир.** Ҳар бир нарсага қизиқишда меъёрни унутманг. Яқинларингиз ва дўстларингиз билан ўз режаларингизни ўртоқлашишни маслаҳат берамиз. Пайшанбанинг иккинчи ярми келгуси вазифаларни белгилаб олиш учун қулай кундир. Шанба куни мавқеи юқори бўлган инсон билан учрашув кутилмоқда.



**Эгизаклар.** Мазкур ҳафтада саёҳатларга борсангиз сирли воқеаларнинг гувоҳи бўласиз. Душанба куни ортиқча хатти-ҳаракатлар қилманг. Чоршанба куни барча йўналишларда юзага келган вазиятни ўрганишингиз мақсадга мувофиқдир. Аммо атрофдагиларнинг фикрини эшитмай туриб хулоса чиқармасликни маслаҳат берамиз. Жума куни мавқеингизни яхшилаш учун бор маҳоратингизни ишга солишингизга тўғри келади.



**Қисқичбақа.** Мазкур ҳафта ишларни бошқаришни ўз қўлингизга олиш, янги алоқалар ўрнатиш учун қулайдир. Ўзингиз ва атрофингиздаги одамлар олдида турган вазифаларни аниқ белгилаб олинг. Фаолиятингизда муайян ўзгаришлар рўй беради. Чоршанба куни адолатга эришаман, деб низо келтириб чиқаришдан эҳтиёт бўлинг.



**Арслон.** Ушбу ҳафтада ишлардан бироз чалғиб, кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун бор имкониятларни ишга солинг. Ҳадемай кўнгилсизликлардан ҳоли бўлиб, талайгина бўш вақтга эга бўласиз. Ҳужжатлар ва иш қоғозларини тартибга келтириб олганингиз яхши. Чоршанба куни хатога йўл қўйишингиз эҳтимолдан ҳоли эмас. Аммо бунинг учун ичингизни емай, келгусида қайтармаслик учун тегишли хулоса чиқариб олинг.



**Бошоқ.** Ўз режаларини ҳамкасбълари билан бамаслаҳат амалга оширганларга омад кулиб боқади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида кўзланган ишларни бажаришга астойдил киришасиз. Танангизда куч-қувватнинг кўпайиши ҳар қандай мураккаб вазифани уддалашингизга олиб келади. Жума куни ўз ғояларингизни қайта кўриб чиқишни тақозо этувчи воқеалар рўй беради.



**Тарози.** Мазкур ҳафтада касб маҳоратингиз ва билимингизни намойиш этиш имконияти бор. Чоршанба куни кутилмаган воқеалар режаларингизни ўзгартириб юборади. Пайшанба куни келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларга киришмаганингиз маъқул. Якшанба куни ёшлар билан тил топишишга муваффақ бўласиз.



**Чаён.** Мазкур ҳафтада кўп нарсани билишга интиласиз. Чоршанба куни атрофингиздаги одамлар мукаммал инсон эканлигингизни синовдан ўтказадилар. Кимдир сиз билан баҳсда юзага келган вазиятдан осонгина чиқишга ҳаракат қилади. Аммо бунга йўл қўйманг. Дам олиш кунлари ҳаётингизда ўзгаришлар ясашга уринасиз.



**Ёй.** Малакали ёрдам олишга интилинг, бу катта наф беради. Чоршанба куни ишларингиз юришмайди, сабртоқат асосий мезонингиз бўлсин. Ўзингизни босиқ тутишга ҳаракат қилинг. Юзага келган кўплаб қийинчиликлар эртасига ўз-ўзидан барҳам топади.



**Тоғ эчкиси.** Мазкур даврда вақтни беҳуда ўтказманг. Эришган ютуқлар билан чекланиб қолмасликни маслаҳат берамиз. Пайшанба куни дўстлар таклифини рад этмаганингиз маъқул. Ўзингиз учун фойдали нарсалардан воқиф бўласиз. Кўзланган мақсад сари дадил интилишингиз манзилга осонгина етиб олишингизда қўл келади.



**Қовға.** Саъй-ҳаракатларингиз билан атрофдагиларни лол қолдирасиз. Пайшанба куни мавқеингизни яхшилаш, ҳатто энг камгап одамлар билан тил топишиш имконияти бор. Агар жума куни барча ишларни ҳамкаслар ва бизнес бўйича шериклар билан бамаслаҳат амалга оширсангиз катта ютуқлар қўлга киритилади. Янги вазифаларга бемалол киришаверишингиз мумкин.



**Балиқ.** Атрофдагиларнинг мулозамати бошингизни айлантириб қўяди. Муҳими, сизнинг шаънингизга айтиладиган барча гаплар айни ҳақиқатдир. Орзуларингиз рўёбга чиқа бошлайди. Сешанба куни амалий ишларни бажариш учун бор маҳоратингизни ишга солинг. Дам олиш кунлари оила аъзоларингиз билан кўнгилли ҳордиқ чиқаришни маслаҳат берамиз.

## «Маънолар маҳзани»

### АНОР ЧЎЛДА БИТАР, АНЖИР – КЎЛДА

Анор дарахти қуруқ ва серқуёш ерни, анжир намлик ерни ёқтиради. "Тагим кўл бўлсин, танам чўл бўлсин" деган мақол ҳам борки, буни боғбонлар анжир тилидан айтишган. Вариантлар: "Олмани чўлга эк, узумни – кўлга"; "Янги ток тўқсон марта сувсирайди". Буларда олмани қурғоқ ерга, токни эса серсув ерга экиш тавсия этилади.

### АРАВА СИНСА, РАЪЙКОРЧИ КЎПАЯР

Одатда арава бузилмай, ўз йўлидан кетаверса, унга ҳеч ким эътибор бермайди. Борди-ю арава йўлда синиб қолгудек бўлса, ўтган-кетганлар орасидан "ана ундоқ қилиш керак, мана бундоқ қилиш керак", деб қуруқ маслаҳат берувчи, аммо уни тузатишга бевосита кўмаклашмовчи маслаҳатгўйлар, раъйкорчилар чиқиб қолади. Шунингдек, бир одам ўз тирикчилигини ҳеч қандай гап-сўзсиз, тинчгина ўтказиб турган бўлса, у билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Мабодо бирор фалокат юз бериб, молига, жонига шикаст етса, унга маслаҳат берувчилар кўпаяди. Ҳамма ҳар тарафдан ҳар хил маслаҳат бераверб, бечоранинг бошини гангитиб қўяди. Юқоридаги мақол шундай ва шунга ўхшаш ҳолларда мажозий маънода қўлланилади. Вариантлар: "Арава синса, йўл кўрсатувчи кўп бўлар"; "Иш битгач, маслаҳатчи кўпаяр"; "Иш ўтгандан кейин насиҳатчи кўпаяр", "Иш битгач, ёрдамчи кўпаяр".

### АРАВАНИ ОТ ТОРТАР, КЎЛАНКАСИНИ ИТ ТОРТАР

Бу мақолни "Аравани от тортади, ит ҳансирайди", деб ҳам ишлатадилар. Мазкур мақоллар билан: "От аравани тортиб келса ҳам ҳансирамайди (яъни, иш қилганини билдирмайди), унинг ёнида ё орқасида бекордан-бекорга чопиб келган ит ҳансирайди (яъни, ўзини гўё ҳамма ишни бажариб келгандай қилиб кўрсатади), дейилмоқчи. Қуруқ мақтанчоқларга нисбатан қўлланилади. Вариантлар: "Ишни қилади асбоб, эгаси уради лоф"; "Қурол ишлайди-ю, қўл мақтанади".

### АРПА ОҒСА КАНДУГИНГНИ ТУЗАТ, БУҒДОЙ ОҒСА – СОМОНХОНАНГНИ

Тажрибакор деҳқонларнинг айтишларича, агар арпа бошоғини кўтаролмай, бир тарафга оғса, сояда дони тўлишиб, ҳосилдор бўлади. Шунинг учун "ғалла соладиган кандугингни тузат" (яъни, ўрим-йиғимга тараддудингни кўравер), деганлар. Агар буғдой оғса, бунинг аксича, бошоқлари бирбирининг устига ётиб, қизиб, димиқиб, дони куйиб, пучқоқ бўлиб қолади. Натижада экиннинг ҳаммаси сомонга чиқиб кетади. Шунинг учун "сомонхонангни тузат", деганлар. Вариантлар: "Буғдой бошоғи турса омборинг тузат, буғдой бошоғи ётса молхонанг тузат"; "Доннинг бўлиғи омборнинг бўлиғи".

Эстрада хонандаси
1
Маймун тури
Мой, нефть маҳсули
Осиё давлати пойтахти
Бўйқ олинадиган гул
Кулолчилик иншооти
Фурсат
Табобат соҳаси
2
Боғловчи

3
Жанубий қутб
Валюта
Миқдорлар фарқи
4
Фалак
Гул
Ирок шаҳри
... Фобиий
Спорт
Масофа
Жоиз
Саодатли
Доим яшил дарахт
Асотир (рус)
Сура
Бурж
Катта, буюк
Чегарадош давлат
Чеҳра
Кўрсатиш олмоши
Товуш
Жилд
"Шоҳнома" қаҳрамони
Самолёт
Кўтарма техника
Поезд йўли
5
Либос зиҳи
Зот, насл
Савдо махсулоти
Табиий фан
Европа дарёси

От зоти
Азалий кўшиқ
... Торобий
Шафқат
Жўғрофий худуд
6
Жуфт рақам
Кавказ миллати
Ҳаё
Торли соз
Хоразмий достони
Нота
Жуда
Кўшин
Шовшув
Мўътабар
Кам
Россиядаги кўл
Уч кунлик ой
...-де Жанейро
Чизғич
Тўда, тўп
От абзали
Йўл, усул
Ўсимликнинг кўпайиш асоси
Гал
Ёпишкоқ ашё
Ука
7
8

Емиш
Олис
Футболчи
Волида
Заҳмат, шикаст
Меҳнат
Эркак исми
Кўмиқ тури
Қаллиқ
Муножат ... (хонанда)
Германия шаҳри
Олмош
Замин
АҚШ шаҳри
9
Айлана қисми
10
Спорт
Қавиқли буюм
Чуқурлик
Намликни аниқлаш асбоби
... Даби (пойтахт)
Шимолий қутб
Новвойлик анжоми

11
Футбол атамаси
Таъсир, қойиш
Ўтмиш муаллимаси
Эритқич
Гард
Сероб
Айний асари
Хордиқ
12
Ишва, имо
Самолёт маркаси
Товуш сифати
Шифо гиёҳи
Соя
13
Ороллар тўдаси
Сариқ ранг берувчи модда
Коришиқ

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | 2 | 3 | 1 | 5 | | 5 | 2 | 6 | 1 | 4 | 1 | 10 | 7 | | 9 | 1 | 11 | | 13 | , |
| 2 | 8 | 8 | 1 | 5 | | 5 | 2 | 6 | 1 | 4 | 1 | 10 | 7 | | 9 | 1 | 11 | | 12 | 13 |

Лобар ОРИПОВА тузди.

## ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: **Зулфия. Дўлана. Латофат. Гули. Адиба. Ирис. "Чоргоҳ". Сита. Гули. Лочира. Гол. Зуҳра. Да. Мақом. Ушу. "Медео". Ҳарир. Давр. Оромижон. Уд. Олима. Он. Мис. Твен. Ер. Она. Аҳд. Ажр. Ричаг. Дам. Мос. Гул. Нов. Анна. Данак. Анбар. Қаш. Қулай. Ари. Наима. Малак. Ис. Ёрон. Шарифа. Ем. "Анор". Тим. Айн. Осмий. Оқибат. Ният. Фироқ. Лифт. Идора. Шоҳона. Соч. Чусовитина. Оро. Донг. "Ялла". Гоҳ.**

БЎЙИГА: **"Ялавон". Зебигардон. Ироқи. Дилором. Аҳмедова. Дурра. Гулбаданбегим. Фа. Ўт. Та. Сон. Сарф. Лафз. Март. Ҳур. Ов. Ҳис. Атиргул. Ош. Меҳр. Иаге. Ар. Малика. Бону. Аржумандбону. Индин. Истиора. Дугона. "Ёрқиной". Омон. Усмонова. Шараф. Есир. Налим. Мяо. Ихлос. Кураш. Баҳо. Танго. Увайсий. Тик. Онг. Тир. Доира. Ёт. Вафо. Чучмома. Қаламқош. Ирода.**

КАЛИТ СЎЗ: **Оналар саломатлиги – авлодлар баркамоллиги.**

# СПОРТ + ФУТБОЛ

## “СУРХОН” ЎРНИГА “САМАРҚАНД-Д”

**Ўзбекистон футбол федерациясининг қарорига кўра, молиявий инқирозга келиб қолган Термизнинг “Сурхон” жамоаси олий лигадан четлатилганидан хабарингиз бор. “Сурхон”нинг элитадаги ўрнини эгаллаш учун 7 март куни “Самарқанд-Д” ҳамда “Андижон” жамоалари ўзаро куч синашишди. 1:0 ҳисоби билан ғалаба қозонган самарқандликлар олий лигада қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.**

## ГАРРИ КАСПАРОВ ОЛДИНДА



Газетамизнинг аввалги сонида Испаниянинг Линарес шаҳрида ўтказилаётган шахмат бўйича супертурнир ҳамда унда илк бор иштирок этаётган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов тўғрисида маълумот бериб ўтган эдик. Турнир тугашига 2 тур қолган бўлсада, ғолиб ФИДЕ таснифи бўйича энг кучли шахматчи Г.Каспаров ҳамда ҳиндистонлик В.Анандлар ўртасидаги баҳсда аниқланиши мумкин. Ушбу ўйинда Каспаров дурангга эришган тақдирда ҳам муддатидан олдин ғолибликни қўлга киритади. Турнирни муваффақиятли бошлаган ҳамюртимиз Р.Қосимжоновга эса сўнгги турларда бироз омад етишмади. Амалдаги чемпион ҳисобланмиш Рустам сўнгги турда болгариялик В.Топаловга имкониятни бой берди. Бироқ мазкур супертурнирдаги энг ёш иштирокчи Қосимжоновнинг ўйинлари мутахассисларда яхши таассурот қолдирди.

## УЧИНЧИ УРИНИШ ОМАДЛИ КЕЛСИН

Европада чемпионлар лигаси ҳамда УЕФА кубоги баҳслари энг қизғин паллага кирган бир пайтда Осиёда ҳам бу йилги мавсум ўйинларига старт берилди. Бу йилги баҳсларда аввалгидек, Осиёнинг етакчи жамоалари 7 гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс олиб боришади. 8 мартдан бошланган гуруҳ баҳслари шу йилнинг 25 майигача давом этади. Гуруҳ ғолибларига амалдаги кубок соврindори Саудия Арабистонининг “Ал Иттиҳод” жамоаси қўшилади ҳамда жамоалар “плей-офф” баҳсларига киришишади. Юртимиз шарафини бу йил ҳам пойтахтнинг “Пахтакор” ҳамда Фарғонанинг “Нефтчи” жамоалари ҳимоя қилишади. Кетма-кет икки марта ярим финалгача етиб борган пахтакорчилар яна анъаналарига содиқ қолган ҳолда ғолиблик учун асосий даъвогарлардан бири саналётган бўлишса-да, фарғоналиклардан ҳам чиройли ўйинлар кутиб қоламиз.

“Нефтчи” жамоаси “С” гуруҳидан жой олган бўлиб, унга Қувайтнинг “Ал Қувайт”, Қатарнинг “Ал Садд” ҳамда БААнинг “Ал Аҳли” жамоалари рақиблик қилишади. “Пахтакор” ўтган йилги натижани такрорлаш учун “Д” гуруҳида Ироқнинг “Ал Завра”, С.Арабистоннинг “Ал Аҳли” ҳамда Сурияning “Ал Жаиш” жамоалари билан кураш олиб боради.

Кеча фарғоналиклар пойтахтимизнинг “ЖАР” ўйингоҳида “Ал Қувайт” жамоасини қабул қилди. Муросасиз баҳслар остида ўтган ўйинда “Нефтчи” 1:0 ҳисобда ғалаба қозонди. Учрашувда кичик натижа қайд этилган бўлса-да, ҳамюртларимиз бир неча бор рақиб дарвозасига хавфли ҳужумлар уюштиришди. Айниқса, биринчи бўлимда юзага келган вазиятлардан Илья Коваленко ҳамда Анвар Бердиевлар унумлироқ фойдаланишганда, ҳисоб янада йирикроқ бўлиши мумкин эди. Ягона голни “Нефтчи” ярим ҳимоячиси Акмал Холматов жарима тўпидан киритди.

Ироқдаги нотинч вазият туфайли ушбу мамлакат жамоалари ўз майдонларидаги ўйинларни Сурияда ўтказишлари белгилаб қўйилди. Шу боис, “Пахтакор” билан бир гуруҳдан жой эгаллаган Ироқнинг “Ал Завра” жамоаси 8 март куни “Ал Аҳли” жамоасини Сурияда қабул қилди. Қизғин ўтган баҳсда 2:1 ҳисоби қайд этилиб, Саудия Арабистони вакиллари дастлабки уч очкони ўз ҳисобларига ёзиб қўйишди. Кеча “Пахтакор” мавсумдаги биринчи ўйинини сафарда “Ал Жаиш” жамоасига қарши ўтказди.



*“Ал Завра” — “Ал Аҳли” – 1:2*

## МОУРИНЬО - РАЙКААРД - 5:4



**Баҳорнинг илк кунларида клублар ўртасидаги мусобақаларнинг нуфузи жиҳатдан энг юқори ўринда турувчи УЕФА чемпионлар лигасининг 1/8 финал жавоб учрашувлари ўтказилди. Хабарингиз бор, қуръа натижаларидан сўнг турнир ғолиблигига асосий даъвогар ҳисобланган кўпгина жамоаларнинг бир-бирига рўбарў келиши, ушбу босқич баҳслари кескин ва муросасиз ўтишидан далолат берарди. Кутилганидек, ўйинлар “ҳаёт-мамот жанги”га айланиб кетди.**



Энди ўйинлар тафсилотига бироз тўхталсак. Ўз майдонларида рақибларини қабул қилган “Милан” ҳамда Франциянинг “Лион” жамоалари биринчи учрашувда, сафарда ғалабага эришган ва кейинги босқичга чиқиш вазифасини деярли ҳал этишган эди. Шу боис, 8 март куни ўтказилган учрашувлар орасида Англиянинг “Челси” ҳамда Испаниянинг “Барселона” жамоалари баҳси марказий ўйинга айланди.

Биринчи ўйинда “Барса”га 2:1 ҳисобда имкониятни бой берган ва ҳанузгача учрашув ҳакамларини нохолисликда айблаётган “Челси” жавоб ўйинининг дастлабки дақиқалариданоқ ҳужумга ташланиши натижасида 20-дақиқага келиб, 3:0 ҳисоби билан олдинга чиқиб олди. Бироқ Испания премероси пешқадами “Барселона” аста-секин ўйин жиловини қўлга олишга эришди. Жамоа етакчиси, “2004 йилдаги дунёнинг энг кучли ўйинчиси” унвони соҳиби Роналдиньо томонидан аниқ амалга оширилган пенальти ҳамда биринчи бўлимнинг асосий вақти тугашига 10 дақиқа қолганда унинг ижросидаги ажойиб гол ҳисобнинг 3:2 бўлишини таъминлади. Умумий ҳисоб - 4:4. Бу эса Абрамович жамоасини қаноатлантирмасди. Сабаби, сафарда киритилган голнинг кўплиги эвазига кейинги босқичга “Барселона” чиқиши мумкин эди.

Иккинчи бўлим ҳам иккала жамоанинг ҳужумкор курашлари остида ўтди. Дарвозабонларнинг маҳорати, баъзан эса, омад кулиб боқмагани натижасида шу ҳисоб ўйиннинг 74-дақиқасигача сақланиб турди. Бироқ стандарт вазиятлардан фойдаланиш ҳадисини яхши ўзлаштириб олган инглизлар сардори Ж.Терринг узатилган бурчак тўпини боши билан “Барселона” дарвозасига тўғрилаб қўйиши, “Челси”га кейинги босқич эшикларини очиб берди. Умумий ҳисоб - 5:4.



*«Челси» — «Барселона» ўйинидан лавҳа.*

Умуман олганда, бу кун инглиз фанатлари учун ҳам омадли, ҳам омадсиз кечди. Чунки “Челси”нинг ғалабасини нишонлаётган мухлисларни “Милан”дан келган хабар ранжитди. Биринчи учрашувда ўз майдонида Италиянинг “Милан” жамоасини қабул қилиб, 0:1 ҳисобда имкониятни бой берган “Манчестер Юнайтед” жавоб учрашувида ҳам худди шу ҳисоб билан мағлубиятга учради. Гол 62-дақиқада биринчи ўйиндаги гол муаллифи, миланликлар ҳужумчиси Креспо томонидан амалга оширилди. Умумий ҳисоб – 2:0. “Милан” ҳам кейинги босқич масаласини ҳал этди.

Диққатга сазовор томони, яна бир ўйин “голлар шоуси”га айланиб кетди. Биринчи учрашувда сафарда Германиянинг “Вердер” жамоасини 3:0 ҳисобда мағлубиятга учратган Франция чемпиони “Лион”, энди ўз майдонида 7 (!) та тўп киритишга муваффақ бўлди. Йирик ҳисобдаги мағлубиятдан қочишга ҳаракат қилган германияликлар 2 тўп билан жавоб қайтаришди. Энг қизиғи, 2 тўп ҳам немислар таркибидаги француз легионерлари Жоан Мику ва Валерьен Измаэль томонидан амалга оширилди. Учрашувлар натижасига кўра умумий ҳисоб - 10:2 - “Лион” фойдасига.

Шунингдек, кеча тунда “Ювентус” (Италия) – “Реал” (Испания), “Арсенал” (Англия) – “Бавария” (Германия), “Монако” (Франция) – “ПСВ Эйндховен” (Голландия) ҳамда “Байер” (Германия) – “Ливерпуль” (Англия) жамоалари ўзаро куч синашишган. Биласизки, мезбонлик қилган “Ювентус”, “Арсенал”, “Байер” ва “Монако” жамоаларининг барчаси биринчи учрашувда, сафарда рақибларидан мағлубиятга учрашган ва энди камида 2:0 ёки бўлмаса йирикроқ ҳисобда ғалаба қозонишлари шарт. Мазкур беллашувларнинг натижаси билан газетамизнинг кейинги сонида танишишингиз мумкин. Ушбу босқичнинг яна бир учрашуви Италиянинг “Интер” ҳамда амалдаги турнир ғолиби “Порту” иштирокида 15 март куни ўтказилади.

**Азим МУЗАФФАРХОНОВ тайёрлади.**

Sportlotto
1970 йилдан бери lotereyasi

162-ТИРАЖ 9.03.2005 — 104257 чипта 234763 вариантда иштирок этди.

ЮТУҚ ЧИҚҚАН РАҚАМЛАР

31 21 22 11 36 20

6 та рақам — 1 чиптанинг 1 вариантида тўғри топилган. Ютуқ 171.162.416 сўм.

5 та рақам — 11 чиптанинг 34 вариантида тўғри топилган. Уларнинг ҳар бирига 55238 сўмдан берилади.

4 та рақам — 496 чиптанинг 634 вариантида тўғри кўрсатилган. Уларнинг ҳар бирига 5925 сўмдан берилади.

163-тираж учун
ЖЕК ПОТ 13.146.728 сўм

«Sportlotto» Ўзбекистон—Америка қўшма

*«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!»*
**Ислом КАРИМОВ.**

# Ниҳол

Ёшлар саҳифаси



"Болалигим – пошшолигим" деган нақлнинг маъносини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Албатта, ўйлаб кўрган чиқарсиз. Қолаверса, унинг тўғрилигига ҳаётда ҳам кўп бора амин бўламиз. Бола бола-да, эркалик, тантиқлик қилади, айтганини қилдиради. Японлар фарзандлари то 3-4 ёшга тўлгунича унинг барча инжиқликларини кўтаришаркан, дейишади. Аммо кейин ақлини танигандан балоғатга етгунича қаттиққўллик билан тарбия қилишаркан. Ўзим Японияда бўлмаганман, унинг тарихини чуқур билмайман. Шунинг учун бу борада аниқ бир фикр айта олмайман. Аммо мусулмон Шарқи донишмандлари "Болангиз беш ёшгача пошшонгиз, балоғатга етгунича қулингиз, кейин эса дўстингиз бўлсин", – дейишган экан.

Ҳаёт биз ўйлаганимиздан кўра минг чандон чигал, мураккаб. Баъзан ота-она ҳар қанча қаттиққўл, талабчан бўлмасин, фарзанди бебош, қайсар чиқади. Меҳру муҳаббатдан баҳра олиб ўсган болаларнинг айримлари одоб-ахлоқли, мўмин-қобил, баъзилари ноқобил бўлиб камолга етади. Хўш, тарбиядек нозик санъатнинг, масъулиятли ишнинг аниқ белгиланган қонун-қоидалари борми? Ёки ҳар бир болани тарбиялашга якка тартибда, унинг феъл-атвори, хусусиятларидан келиб чиқиб ёндошиш керакми? Бежиз ўз-ўзимга, қолаверса, сизга ҳам бу чигал саволларни бермаяпман.

Яқинда бир хусусий таксига ўтирдим. Салом-аликдан сўнг индамай кетиш ноқулай туюлиб, одоб юзасидан ҳол-аҳвол сўраганимда, киракаш дардини ёриб қолди.

– Ака, сиз сўраманг, ман айтмай, – деди у йиғлагудан бери бўлиб. – Тунов куни оқшомда уйга ҳориб-чарчаб борсам, кенжа ўғлим тайинланган юмушларимдан бирортасини ҳам қилмаган экан. Мен шу рўзғорни бут қилай деб эртадан кечгача машинада кўчама-кўча тентирасаму, бу зумраша арзимас ишларни ҳам бажармаса. Жаҳлим чиқиб уч-тўрт шапалоқ урдим. Эртасига эрталаб аразлаб уйдан чиқиб кетибди. Мана, икки кундирки – йўқ. Еганим ичимга тушмаяпти. Онаси ҳам йиғлаб адойи тамом бўлди.

– Ички ишлар бўлимига хабар бердингизми? – сўрадим ундан.

– Номус қилдим. Ҳатто қариндош-уруғ, қўни-қўшниларга ҳам айтганим йўқ. Илгарийам бундан бир йилча аввал қунтсизлиги, дангасалиги туфайли бир-икки шапалоқ еганда уйдан чиқиб кетиб, икки кундан кейин ўзи қайтиб келганди. Қаерда юрганини сўрасам, безори болалар мажбурлаб машиналарига ўтказиб олиб кетишди, деди. Гапи ёлғонлигини билсам ҳам яна аразламасин деб индамай қўя қолдим. Ана шу ёлғон гапириш одатини ҳам ёмон кўраман-да.

– Ёши нечада?

– Ўн бешга кирди, – ҳайдовчи "бунинг нима аҳамияти бор?" дегандай мен томонга қараб қўйди-да, яна йўлга тикилиб гапида давом этди. – Каттасини ҳам урардим, сўкардим. Аммо у бунақа қилмасди. Мана, шукр, армияга бориб келиб, бинойидек ишлаб юрибди.

– Ҳа, энди ҳар қайси боланинг ўзига яраша феъли бўлади-да. Устига-устак ўғлингиз ўтиш ёшида экан. Бу даврда улар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш керак. Ҳадемай балоғатга етиб қоларкан. Йигитлик остонасида турибди.

– Эҳтиёт бўлиб бундан ортиқ нима қилишим керак? Ейиш-ичишда, кийинишда бировдан кам жойи йўқ. Баъзиларга ўхшаб бўлар-бўлмасга жеркиб-силталамасам. Айтганимни бажарганида доимо яхши муомала қиламан. Нима, энди ота бўлиб иш буюришга ҳам ҳаққим йўқми?

Бу гапга қандай жавоб қайтаришни билмай қолдим. Орага ноқулай жимлик чўкди.

# МЕҲРНИНГ ОРТИҚЧАСИ БЎЛАДИМИ?

Манзилга етиб, машинадан тушаётиб:

– Барибир, ички ишлар бўлимига хабар беринг. Кейин қариндошлардан ҳам суриштириб кўринг. Балки, бирортасиникида ётиб юргандир, – дея олдим, холос...

Беихтиёр ёдимга яқинда хотиним айтган гап тушди. Унга ораларидан қил ўтмас дугонаси ҳасрат қилиб қолибди. Бу оила билан борди-келди қилиб турамиз. Рўзғорлари ҳеч бир тақчиллик кўрмаган. Оила бошлиғи – тадбиркор. Қурувчилик бўйича хусусий фирма очган. Эр-хотин икки ўғилни вояга етказаяпти.

– Ўғилларим нобоп чиқишди, – дебди дугонаси хотинимга ҳасратидан чанг чиқиб. – Кун бўйи жавратишади. Бир ишни қилдириш учун ўн марта айтишим керак. Ўшандаям пул беришимга тўғри келади. Бир челак ахлатни 200 сўмсиз ташлаб келишмайди. Яқиндан яна бир одат чиқаришди. Қўйган пулларим камайиб қолаяпти. Сўрасам, кўзларини лўқ қилишиб биз олмадик дейишади.

Кўчадан биров келиб олмайди-ку. Ким билади, дейсан, ўртоқжон, бошда ўзимдан хатолик ўтгандир. Қилган ишлари учун пул бериб, ўргатиб қўйгандирман. Отаси ҳам ишга кетаётиб, ухлаб ётган ўғилларининг ёстиғи остига 500 сўмдан қўярди. Мактабда қоринлари очса, у-бу олиб ейишар, дерди.

Каттасини амал-тақал қилиб коллежга жойлаштирган эдик. Ҳар куни ўқишга боряпман, деб уйдан чиқиб кетарди. Яқинда билсак, дарсларга кирмаётган экан. Коллеж директори бунақада ҳайдаб юборамиз, деди. Нима қилишни билмай, бошимиз қотиб қолди. Охири хўжайиним: "Ўқишидан академик таътил олдириб, қурилишда бир йил бурнини ерга ишқаб ишлатаман. Пул топиш осон эмаслигини бир кўрсин", – деди. Ўйлаб кўриб мен ҳам бу фикрни маъқул топдим. Фақат болам тушмагур кўнармикан? Отасидан чўчиб кўнар ҳам. Яна унга ичим ачишади. Меҳнат эзиб қўймасмикан? Э, дугона болани туғишдан ҳам тарбиялаш, одам қилиш қийин экан.

Хотиним ўртоғининг ҳасратларини менга оқизмай-томизмай айтиб бериб:

– Дадаси, худога шукр, бизларнинг фарзандларимиз эсли-ҳушли, – деганди. Мен ичимдан қувонсам ҳам, сир бой бермай:

– Кўпам қувонма. Ундан кўра дугонангга бирор жўяли маслаҳат бер, болаларини уялтир, дедим.

– Тўғриси, ўзи айбдор, – "ақллилик" қилди хотиним. – Бошда қаттиқ туриш керак эди. Мен шунинг учун ўғлингизга пол ҳам, кирини ҳам ювдираман. Дугонам болаларини эркалатиб, талтайтириб юборган. Энди эплаб олишига кўзим етмайди.

– Унақа дема, – жеркиб бердим уни. Аммо ўзим ҳам ўйланиб қолдим.

Шу топда ҳар икки оила тақдири, можароси бошимда чарх уриб, ўйларим чувалашгандан чувалашиб борарди.

Америкаликлар ҳар қанча бадавлат бўлишса ҳам болаларини ўсмирлик давриданоқ енгилроқ юмушларни бажариб, ўз кундалик эҳтиёжлари учун пул топишга ундашаркан. Почта тарқатиш, газета, газли сув сотиш, кўча супириш катта ёшдаги ўқувчилар учун одатий ҳол экан. Бизда бўлса айрим ота-оналар мен кўрган қийинчиликни болам кўрмасин, деб фарзандларини ҳаддан зиёд папалашади. Айниқса, шаҳарда – кўпқаватли уйда турадиган баъзи болалар тўғри таёқ бўлиб ўсишяпти. Қўлларидан бирор иш келмайди. Мабодо ўзларича бирор иш билан шуғулланишмоқчи бўлишса, ота-оналари: "Нимангга етмаяпти? Топган пулингнинг кераги йўқ. Ундан кўра дарсингни қил", – деб раъйини қайтаришади. Балки, шу гаплари чаккидир...

Киши фарзандини азбаройи яхши кўрганидан эркалайди, сийлайди, асраб-авайлайди-ку! Ёки меҳрнинг, эркалашнинг ҳам меъёри, ортиқчаси бўладими? Асалнинг ҳам ози ширин дейишади. Ҳамма нарса ҳам ошиб-тошиб кетса, бекадр бўлади, дейман-да. Бунга сиз нима дейсиз, азиз муштарий?

**Бобомурод ТОШЕВ.**

# ЁШЛАРНИНГ ФИДОЙИ МУРАББИЙИ

***Куни кеча Тошкент шаҳар Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан "Миллий истиқлол ғояси" фанидан дарс берадиган ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда мазкур фанни ўқитишда янги педагогик технология ва ноанъанавий дарсларни ташкил этиш хусусида тажриба алмашишга бағишланган қатор маърузалар тингланди.***

Семинар иштирокчилари бир оғиздан мазкур фандан энг яхши натижалар берган дарс ишланмаси ўрта махсус касб-ҳунар таълими аълочиси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги академик лицейнинг ижтимоий фанлар кафедраси мудираси Дилбархон Муқимовага тегишли эканлигини алоҳида қайд этдилар.



Дарҳақиқат, Дилбархон Муқимованинг педагогик фаолияти, ёшларда миллий истиқлол ғоясини фаол шакллантириб бориш йўлидаги тажрибаси нафақат Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатиб келаётган ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги педагоглар, балки Президент ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиш академияси тингловчилари учун ҳам катта аҳамият касб этади.

**Турғун ТОШПЎЛАТОВ.**

*Суратда: Д. Муқимова.*

# «ТАДБИРКОР» ТАЛАБА ЭРТАГА КИМ БЎЛАДИ?

"Болаларингизга яхшиликни сингдириб ўстиринг, уларга бахтни фақатгина шу фазилат беради?", деган эди буюк немис бастакори Людовиг ван Бетховен. Бахт-саодатга етиш учун эса фақат ўқиш, билим олиш, тинимсиз изланиш керак. Деярли ҳар бир ота-она ўз фарзандларига билим олиш учун керакли имкониятларни яратиб берган. Лекин фарзандлар шу имкониятлардан фойдалана олишяптими?

Агар олий ўқув юртларидаги аҳволга назар ташлайдиган бўлсак, ўқишга қандай кириб қолганини билмайдиган, фақат кўча-кўйда тентираб юрадиган айрим талабаларга дуч келамиз. Яқинда Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш институтига боришга тўғри келиб қолди. Йўлдан кетаётганимда уяли алоқа телефонини кўтариб олган бир гуруҳ талаба ёшларга кўзим тушиб қолди. Шулардан бири мени сим қоқишга келяпти, деб ўйлади шекилли, олдимга келиб: "Қаерга қўнғироқ қиласиз: Фарғонагами, Самарқандгами ёки Бухорогами?"–деб сўраб қолди. Менга умуман телефон керак эмаслигини айтиб, йўлимда давом этдим. Йўлда кетаётиб ўйланиб қолдим. Мана шу талаба ёшлар (талабалиги аниқ) ота-онасини алдаб, уяли телефон олиб, пул ишлаш мақсадида туришибди. Ҳозирда бу йигитларнинг олдидаги муҳим вазифа кўчада туриб фойда қилиш эмас, балки ўқишдир. Уларнинг ўрнида ўқишни орзу қилган ёшлар ҳам анчагина. Шу билан бирга бундай ёшларни кўрганингда ҳақли савол туғилиши табиий. Хўш, "тадбиркор" талабалардан келажакда нималарни кутиш мумкин? Билим олиш ўрнига кишиларнинг "оғирини енгил" қилаётган баъзи талабалар мустақил юртимизга фойдаси тегадиган мутахассислар бўлиб етишадиларми?!

Қолаверса, айрим ёшларнинг саёқ юришлари қандай оқибатларга олиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ёшларнинг ичкиликбозлик, гиёҳвандлик дардларига мубтало бўлиб, оқибатда жиноят кўчаларига кириб кетишига юқоридаги омиллар сабаб бўлмаяптимикан?

Ота-оналар шу хусусда ўйлаб кўришса, фойдадан холи бўлмасди. Ахир, фарзандлар тарбиясига ота-оналар, маҳалла-кўй, қолаверса, олийгоҳ ўқитувчилари ҳам масъул. Бугун берилган тўғри тарбия эртанги кунда нафақат ота-она, балки бутун бир жамиятнинг фароғатидир.

Шундай экан, тўғри йўлни танлаш доимгидек аҳамиятли. Зеро, демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, ҳуқуқ ва мажбуриятларимизни англаган ҳолда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоғимиз даркор.

**Севара СОДИҚОВА,**
*Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети I курс талабаси.*

Мулоҳаза учун мавзу

# УЧ ОҒАЙНИ ҚОТИЛЛАР

**Суднинг қора курсисида еттита барзангидек йигит ўтирибди. Аслида улар саккиз нафар эди...**

Ушбу уюшган жиноий гуруҳ Нукус шаҳри ва унинг атрофида "фаолият" юритарди. Гуруҳ аъзоларидан тўрт нафари илгари судланганлиги боис анча тажрибали эди. Гуруҳ Нукус тумани "Қаттиағар" ширкат хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи каналдан ўтган қувур атрофида ярим тунда шарпадек уймалаша бошлади. Олдиндан белгиланган "разведкачи"лар яна бир бор теварак атрофни кўздан кечиришди. Ҳеч қандай хавф йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, ҳар ким ўзига белгиланган ўринни эгаллаб, юклатилган вазифани бажаришга киришишди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай 76 мм лик қувур кесилиб, анчагина телефон кабели йиғиб олинди. Омади чопган ўғрилар эртасига "мол"ни арзимас пулга сотишиб, пулига кайфу сафо қилишди. "Нукус-Акманғит" йўналиши бўйича алоқа узилганидан эса қанча одам азият чекиб, асабийлашди. "Қарақалпактелеком" филиали шу куни 164288 сўмлик моддий зарар кўрди.

Осон топилган "ўлжа"дан ҳаволанган гуруҳ янги режалар тузишди. Режага кўра улар кечаси "ов"га чиқишди. Улар сичқон пойлаган мушукдек пусиб турганларида, кечки соат йигирма бир ярималарда ёлғиз келаётган йўловчи кўринди. У А. Шамурот эди. Жиноий гуруҳ аъзолари унга ҳужум қилиб, норка телпагини, чарм курткасини, портфели, соати ва туфлисини ечиб олишди. Калтакланган, таланган, изғиринли совуқда юпун қолган фуқаро амаллаб уйига етиб олди. Босқинчилар эса "ўлжа"ларини арзон-гаровга сотишиб, эртасига яна маишат қилишди.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай улар фуқаро Т.ни тунашди. Кейинги куни эса яна бир фуқаро босқинчилар қопқонига тушди. Талончилик билан топилган пулларга "Жулдуз" кафесига кирган ҳамтовоқларнинг диққатини ширакайф ўтирган И. Алимбай тортди. Алимбайни кўз остига олган ноинсофлар уни амаллаб кафенинг орқа эшигидан чиқариб, қурилиши чала қолган иморатнинг панасига олиб ўтишди ва обдон "титкилашди". Унинг ёнидан атиги тўрт минг сўм пул топилди. Эгнидаги кийимлари ҳам юпунроқ бўлгани боис оёғидаги тўрт ярим минг сўмлик этигини ечиб ола қолишди. Ниҳоят талончилик йўли билан топилган маблағларни еб, кайф-сафо қилиб, қутурган босқинчилар орасида "ҳокимият" учун кураш бошланди. Ибройим Турманов, Марат Пиримбетов, Аллабай Яхшиев, Бухарбай Тлеуов ва Зарипбай Баймуротовларнинг "мен зўрман" деб бош кўтариши ака-ука Қаллибек, Арзибек, Марат Тангрибергановларнинг ғазабини қўзғади. Ака-укаларнинг попугини пасайтириб қўйиш мақсадида олдиндан жиноий тил бириктирдилар. Марат ва Арзибек, Зарипбай билан ёлғондакам ярашиб, алдаб, "Қизкеттен" канали кўпригининг остига олиб боришди ва Қаллибек олдиндан тайёрлаб қўйган темир бўлаги билан ҳеч бир сабабсиз Зарипбайнинг бошига ура кетишди. Зарипбай жон ҳолатда қочишга ҳаракат қилди. Бироқ Арзибек унинг олдидан тўсиб чиқди ва юзига мушт туширди. Зарипбай юқорига чиқишга интилди. Тепада кутиб турган Марат бир тепиб, уни яна пастга-кўприк остига қулатди.



Зарипбайнинг ялиниб-ёлворишлари кечагина қадаҳ уриштириб ичган улфатларининг тош юракларини эритмади. Бошқаларни уриб, тепкилашга ўрганган бу йигитнинг энди ўзи аёвсиз калтаклар зарбидан жон берди....

Қорақалпоғистон Республикаси Жиноий ишлар бўйича Олий судининг судьяси Р. Ережепов бошчилигида бўлиб ўтган суд ҳайъати Қаллибек, Арзибек ва Марат Тангрибергановларни қилмишларини кўриб чиқиб, уларни узоқ муддатта озодликдан маҳрум қилди.

Уларнинг "ҳамкасблари" Ибройим Турманов Марат Пиримбетов, Аллабай Яхшиев ва Бухарбай Тлеуовлар ҳам қонун бўйича жазоларини олишди.

Йигирма — йигирма беш ёшли бу йигитлар айни ҳаётдан ўз ўринларини топиб оладиган бир пайтда нега йўлдан адашдилар? Ота-оналари, қўни-қўшни, маҳалла раҳбарияти, фаолларининг назорати сустлигиданми? Ёхуд ҳушёрликни унутдикми? Ҳар ҳолда ўйлашга, хулоса чиқаришга арзигулик воқеа юз берди. Бу ҳақда, балки сиз фикр билдирарсиз, азиз муштарий?

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

Найранг

# ФИРИБ «МАЛИКАСИ»

**Ёшлик баҳорга ўхшайди. Бу гўзал фаслни ҳалол меҳнати, чуқур билими муносиб хулқ-атвори билан безаган, жамият иши учун фидойи бўлган инсон эзгу ном қолдиради, обрў-эътибор, қадр топади. Ва аксинча, енгил ҳаётни танлаган, текинхўр, фирибгар, ҳалол билан харомни фарқлай олмайдиган кишилар эса жамият олдида юзлари шувут бўлади.**

Дилоро эндигина 23 баҳорни қаршилаётганига қарамай аллақачон эгри йўлга кирган. У оила деган муқаддас тушунчага дарз кетказди, фарзанд тарбиясини онасига топширди, ўзи эса саёқлик, ўғрилик, текинхўрлик, фирибгарлик йўлини танлади.

... Дўконга кириб келган кўҳликкина қизни Дилрабохон очиқ юз билан кутиб олди.

– Опа, укам уйланаяпти. Келинга либослар олмоқчи эди, – деди Дилоро айёрлик билан.

– Марҳамат, синглим. Нималар керак?

Дилоро кийимларни кўздан кечирди. Бири-биридан гўзал нафис. Бозорда ҳам яхши кетса керак.

– Опажон, бу либослар ҳаётда бир марта кийилади. Энг яхшисидан беринг, ўзингиз қайсиларини олишни маслаҳат берасиз? – деди у муғомбирлик билан. Икковлашиб тўй куни келин киядиган кўйлак, бухороча услубда тикилган зарли чопон, миллий оёқ кийимлар ва бошқа буюмлардан ажратишди. Ҳатто келиннинг сочи-ю қулоғига тақиладиган безакларни ҳам танлаб олишди. Хуллас, тўй куни келин учун зарур бўладиган икки сидра бош-оёқ кийим-кечаклар сумкага жойланди.

– Қанча тўлашимиз керак? – Дилоро дўкон бекасига юзланди.

– Эллик минг. Беш минг биздан тўёна. Қирқ беш минг сўм берасиз.

– Тўйни ўтказиб олайлик, эртасига пулингизни оласиз. Мана қуданинг паспорти.

Салон бекаси бир оз иккиланди. Бир нотаниш қизга шунча кийим-кечакни бериб юбориш... Ундаги иккиланишни кўрган Дилоро устамонлик билан қўлидаги узугини ечиб, стол устига қўйди...

Дилоро Денов шаҳрига йўл олди. Ҳа деганда либосларга харидор топилавермади. Охири Гулчеҳрахон исмли аёл шунча кийим-кечакни йигирма минг сўмга сотиб олди. Дилоро Денов сафаридан бўшашиб қайтди. Ишлагани атиги йўл пули ва овқатланишига етди, холос.

Дилрабо тўй кунининг эртасига, индинига кутди, аммо ижарага берилган кийим-кечакларни келтиришмади. Яна бир кун кутди, дарак бўлмади. Келар, паспорт ва узук қолдирган-ку, дея ўзига тасалли берди. Муҳаммадиев Давлат Тоҳировичга тегишли бўлган, паспортни суриштириб кўрилса...

Салон хўжайини ҳам, салон бекаси ҳам алданганларини пайқашди. Бозор нархида беш юз минг сўмлик келинлар тўй либосларини олиб кетди-я. Ўша аёлнинг ким эканлиги, қаерданлигини суриштирмай, ҳужжатини кўрмай, бир қалбаки паспортга ишониб, шунча кийим-кечакни бериб юборишадими?

Орада Дилоро кўча-кўйга чиқмай қўйди. Ахир таниб қолишса борми? Қаматиб юборишлари ҳеч гап эмас. Уйда узоқ ўтириб зериккан кунларининг бирида у ўзича режа тузди. Нима кўп, дунёда келинлар либоси, салон кўп. Бориб битта паспорт қолдириб, кўтарганингча кийим-кечаклардан ол. Бераверади. Демак, аввало паспорт топиш керак. Шу мақсадда у бир қанча паспорт соҳибасига айланди.

У Шеробод шаҳридаги "Осиё" келинлар либоси салонида пайдо бўлди. Ойсоат Шарипова унинг ёлғонларига осонгина учди – Маматмуродова Гулзодага тегишли паспортни олиб уч юз минг сўмликдан кўпроқ нархдаги келинлар либосини унга қўшқўллаб топширди. Ўша куни Ангор тумани марказидаги "Бону" салонидан шу туманда яшовчи Кўчқорова Матлубанинг паспортини гаровга қолдириб, "қайнсинглиси"нинг тўйи учун уч юз олтмиш минг сўмлик кийим-кечакларни қўлга киритди.

Дилоро буюмларни қўшни туманлардаги таниш-билишларига ва бозорларда пуллади. Фирибгар бу гал либосларни арзон-гаровга баҳоламади. Дастлаб Деновда сотган кийимларни, ўғирлаб олмадингизми, дея шубҳа қилишган эди. Ўшанда ҳам устакорлик билан кимгадир боласи касаллиги, кимгадир онаси бетоблигини айтиб, вазиятдан қуруқ чиққан эди. Бу гал эса ўша хатосини тузатди. Жарақ-жарақ пулга ҳамёни тўлди. Пулни ҳам аямади. Еди, ичди, кўзига ёққан нарсаларга сарфлади.

Текин бойлик васвасаси уни уста фирибгарга айлантирди. Турли йўллар билан фуқароларнинг паспортларини осонгина қўлга киритарди. У Ангор туманидаги "Бегойим" салонидан ўғирлаб олган паспортини гаровга қўйиб, "операция" бажарди. Эртаси куни яна "Бегойим"га келиб, кундуз куни кийиладиган либос олаётиб дўкон эгаси Абдуманнов Адҳамнинг паспортини ҳам ўмарди. Бир неча кун ўтиб Шўрчи, Олтинсой, Термиз, Шеробод туманлари ва Термиз шаҳридаги бир неча фуқаролар хонадонида ўғирлик қилди. Ўғирланган фуқаролик паспортларини гаровга қўйиб, Термиз туманидаги "Ихтиёржон" ва "Наргизахоним", Шеробод туманидаги "Зарина" салонларидан катта миқдордаги келинлар либосларини олиб кетди ва арзон-гаровга пуллаб юборди.

Ўнлаб соддадил кишилар ишончини қозонган бу жувоннинг ўзи ҳам тузоққа тушганини сезмай қолди.

У қўлга олинди.

Фириб "маликаси" асли термизлик, аммо Музрабод туманида яшаб келган Д. Дилоро бўлиб чиқди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ҳали ҳаётнинг аччиқчучугини татимаган Дилоро қандай қилиб шундай эгри йўлга кириб қолди?

Шубҳасиз, буни оила муҳити, маънавий тарбиядан излаш керак. Қолаверса, маҳалла-кўй, жамоатчиликнинг ҳам эътиборсизлигини қайд этиш лозим. Яна шуни таъкидлаш керакки, фуқароларга ҳам ҳушёрлик, сезгирликнинг сустлиги панд берди. Лоақал катта миқдордаги товар моддий бойликларни тавозе билан Дилорога тутқазган салон хўжайинлари уни яхшилаб суриштириб, ҳужжат талаб этганларида жиноятнинг олди олинган бўларди.

**М. АШУРОВ,**
*Сурхондарё вилояти ИИБ ТБ терговчиси, майор.*
**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**

# ҲАЁТНИНГ ОҚ ВА ҚОРА ЧИЗГИЛАРИ

## СЕРМАЪНО УМР СОҲИБИ

***Инсонга баҳо беришдан олдин унинг ёшидан кўра кўпроқ ҳаёт йўлига назар ташлаймиз. Шунда фарзандлар камоли, шогирдлар иқболи, маҳалла-кўй ва жамоанинг ҳурмат-эътибори яққол намоён бўлади. Ана шундай ҳурмат-эътибор эгаси бўлган истеъфодаги полковник Жоллибай Узақбаевнинг олтмиш йиллик тўйи чинакам байрамга айланиб кетди.***

Ўттиз беш йиллик меҳнат фаолиятини эл осойишталигини сақлашга бағишлаган Жоллибой оға танлаган касбидан ҳеч қачон афсусланмаган. Аксинча, севган ишига фидойилик билан ёндошиб, масъулият ҳиссини мудом англаб турган. Ҳалоллиги, касбига садоқати боис оддий сафдордан Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимигача бўлган йўлни босиб ўтди. Шунингдек, Москва ва Хоразмда ҳам масъул лавозимларда ишлаб, одамлар қалбидан жой топа олди.



– Шогирдим билан ҳақли равишда фахрлансам арзийди, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги подполковник Наврўзбай Тавмуротов. – Унинг машаққатли меҳнат фаолияти ёш ходимлар учун чинакам ибрат мактаби бўла олади.

– Шогирдлар иқболини кўриш дарҳақиқат бахт, – дея устозининг гапини маъқуллайди Жоллибай оға. – Биз ҳам устоз бўлгач, бу бахтни ҳис қиляпмиз. Шогирдим Парахат Қалимбетов ички ишлар идораларида фидокорона меҳнат қилиб қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари лавозимида ҳам ишлади. Ҳозирги кунда у Қўнғирот тумани ҳокими.

Жоллибай оғанинг фарзандлари ҳам ота изидан боришди. Ўғли Бахтиёр Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСБ да отряд командири, капитан. Баҳодир ва келини Раъно Нукус шаҳар ИИБ терговчилари бўлиб ишлашади. Иккиси ҳам капитан. Қизи Тазахон эса Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ соғломлаштириш марказида ҳамшира бўлиб ишлайди. Жолли оға беш набиранинг суюкли бобоси.

Ҳукуматимиз Жоллибай Узақбаевнинг меҳнатларини юксак баҳолаб "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони билан тақдирлади. 2000 йилда нафақага чиққан Жоллибай оға ҳозирги кунда Халқаро Оролни асраш қўмитасида масъул лавозимда ишламоқда.

Оила соҳибининг ҳаётида умр йўлдоши Гулзода опанинг алоҳида ўрни бор. Оила соҳибасининг оқилона турмуш тарзи, ақлзаковати, чексиз муҳаббати сулола пойдеворига мустаҳкам негиз бўлган.

**Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.**

**Суратда:** *истеъфодаги полковник Ж. Узақбаев фарзандлари ва келини билан.*

**Умарбек ЕРМАНОВ олган сурат.**

## ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР

Нормамат Нарзиевнинг ички ишлар идорасига хизматга кириши тасодифий эмасди. Амакиси, капитан Рўзибой Сайфиевни воҳада кўпчилик яхши танир, ҳурмат қиларди. Ўз касбининг устаси бўлган Рўзибой ака ҳар гал ишдан келганида Нормамат унга ҳавас билан қарарди. Болаликдаги ҳавас уни шу соҳага етаклади.

У ўз фаолиятини Қарши тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлимида оддий ходимликдан бошлади. Милиция олий мактаби ва ИИВ Академиясини битирди. Профилактика инспектори, вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори лавозимларида бир неча йил ишлади. Бу йиллар унинг учун тажриба мактаби бўлди. Айниқса, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши кураш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида бой тажриба тўплади. Мана, беш йилдирки, Қарши тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ катта тезкор вакили лавозимида хизмат қилаётир.



Ўн беш йилдан буён элюрт осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатаётган майор Нормамат Нарзиевнинг фаолияти жасоратларга тўла. Айниқса, хавфли, қуролланган жиноятчилар, ўғрилар ва безориларни қўлга олишда кўп бор мардлик, жасурлик намуналарини кўрсатди. Ҳаёти хавф остида қолганда ҳам иккиланиш, чекинишни хаёлига ҳам келтирмади.

... Бир нечта жиноят содир этиб, қочиб юрган хавфли жиноятчи хонадонга яшириниб олган эди. У билан бирга бир неча бегуноҳ одамлар, болалар бор эди. Ана шундай қалтис, хавфхатарга тўла вазиятда таслим бўлиш ҳақидаги таклифга жавобан дераза тирқишидан ўқ овози эшитила бошлади. Ходимлардан бири жиноятчини чалғитиб турди. Икки чапдаст йигит эса усталик билан уни қуролсизлантирди. Норматнинг ўша пайтдаги жасорати ҳамон ҳамкасблари ёдида.

Мазкур операция чоғида тезкор гуруҳ сафида бўлган Нормамат мунтазам жисмоний ва жанговор тайёргарлик билан шуғулланади. Қонунбузарлар қўлга тушмаслик учун барча ҳийла-найранглари, куч ва воситаларни ишга солишдан тап тортмайди. Жисмоний ва жанговор тайёргарликда ундан устун бўлгандагина рақибни енгиш, қўлга олиш мумкин. Нормамат буни яхши билади. Шу боис ҳам кейинги йилларда ўнлаб муҳим жиноятларни фош этиш ва қонунбузарларни ушлашда унинг бой тажрибаси қўл келди. У 17 та қорамолни ўғирлаган уюшган жиноий гуруҳни қўлга олиш, катта миқдордаги гиёҳвандлик моддаси олди-сотдиси, муқаддам 7 марта судланган, бир неча марта ўғирлик ва қотиллик содир этган хавфли рецидивистни ушлашда қатнашди. Шу туфайли ҳам Нормамат Ватан ҳимоячилари куни "Жасорат" медали билан тақдирланди.

– Менинг камтарона меҳнатим Президентимиз томонидан муносиб тақдирлангани ҳаммамизни беҳад қувонтирди. Бутун куч-қувватимни халқимга, Ватанимга бағишлаяпман, – дейди Н. Нарзиев.

**Сафарали ОМОНТУРДИЕВ.**

**Суратда:** *"Жасорат" медали соҳиби Нормамат Нарзиев ва оила аъзолари.*

## ЙЎЛТЎСАРЛАР УШЛАНДИ

Насиба опа қайнонасига чой узатаркан, ийманибгина гап бошлади.

– Ойижон, кунлар анча совуқ бўляпти. .. Неварангиз Азизжон шундай катта шаҳардаги институтда ўқийдию, эгнидаги кийимлари анча юпун. Бугун шанба, ўзи ҳам ўқишдан келиб қолар. Дадажониси юборган пулдан берсангиз, бозорга чиқиб иссиқроқ кийим-кечак олардик.

У гапини ниҳояламасдан, эшик очилиб совуқдан қизариб кетган Азизжон кўринди. Насиба опа ўғлига пешвоз чиқди-да, уни бағрига босди. Ҳол-аҳвол сўрагач, Азизжон момосининг ёнига, сандал атрофига ўтирди. Зум ўтмай баданига роҳатбахш иссиқлик югурди. Келтирилган таомни еяр экан, Азизжон орада хориждаги фирмалардан бирига ишлаш учун кетган отасидан хушхабар эшитиб роса хурсанд бўлди.

"Бечора отам бизларни деб тиним билмаяптилар. Юборилган пуллар ҳисобидан анча ўзимизни тиклаб олдик, институтда таҳсил оляпман. Бироқ бувижоним ҳар ҳафта бераётган пул ҳеч нарсага етмаяпти. Қани эди, пул кўпроқ бўлса, чиройли уст-бошлар олардим. Лекин сўрашга уяляпман..."

Онаси хаёллар оғушида ухлаб қолган ўғлини уйғотганда, кун анча ёйилиб қолганди. Насиба опа хурсандчилигини яшира олмай, уни бозорга бошлади. Гап нимадалигини билгач, Азизжон ҳам жуда қувонди.

Она-бола кийим бозорини айланиб, бежирим чарм камзул, телпак ҳамда қўл соати харид қилишди. Азизжон кийимларни кийгач шаҳарликларга ўхшаб кетди. Ўғлига қараб онасининг севинчи ичига сиғмасди.

Интиқлик билан кутилган душанбада Азизжон одатдагидан бошқача ўзига оро бериб, институтга борди.

... Саша билан Русланни ҳар галгидек бел букмасдан пул топиш муаммоси қийнарди. Улар бирга ўсган, тенгдош, ўғрилик қилиб пул топишга ўрганиб қолишганди. Қўшни Валя холанинг уйидан ўмарилган буюмлар сотилиб, пули аллақачон ишлатиб юборилган. Яна пул топиш керак, лекин қандай?

Саша узоқ ўйлагач, миясига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди.

– Менга қара, – деди у шеригини нуқиб. – Бугун кечқурун "ов"га чиқамиз, агар омад кулиб боқса, ошиғимиз олчи бўлади.

Русланга бу таклиф ёқмади:

– Саша, биласанми, негадир кўнглим ғаш. Бу ҳунаримиз қачондир ошкор бўлиши мумкин.

Ҳозирча панада юрибмиз, бир кун келиб барибир, ҳолимизга маймунлар йиғлаши мумкин! – деди жиддий.

Саша ҳамтовоғини койиб ташлади:

– Кемага тушганнинг жони бир, – деди у қўлини пахса қилиб. – Кел, яхшиси, навбатдаги операцияни режалаштириб олайлик.

Шу куни Азизжон кутубхонада кечгача қолиб, машғулотларга тайёрланди. Қайтаётганда совуқ шамол билан майда ёмғир юзга урилиб, этни жунжуктирарди. Азизжон эса қоронғу кўчада илдам қадам ташлаб бораётганди.

– "Стоять парень!" – деган буйруқдан у сесканиб тушди. Бир зумда ёнида икки ёш йигит пайдо бўлди.

– Студент, – деди йигитлардан бири унинг қўлидаги дафтарларга ишора қилиб.

– Диди чакки эмас, – қўшилди иккинчиси.

– Яхшиликча бор будингни бер, акс ҳолда ишинг чатоқ бўлади. Бизга кўп нарса керак эмас, камзул, телпак, қўл соат ва пулларинг қониқтиради, – хохолашди йўлтўсар йигитлар.

У йўлтўсарлардан чўчимади, лекин барваста йигитларга кучи етмаслиги аниқ эди. Уларнинг совуқ қуролини кўриб ёш йигит нима қилишини билмай қолди.

Азизжон холасининг уйига бир аҳволда кириб борди. Вазиятни тушунган холаси:

– Хафа бўлма, ўғлим, – деб тасалли берди Сожида опа жиянининг бошини силаб. – Керакли жойга хабар қилсак, чорасини кўришади. Ётиб ухла, кўп сиқилма.

Азизжон бу гапларнинг мағзини чақмаса-да, кўнгли хотиржам тортди.

Эртасига Сожида опа жияни билан Самарқанд шаҳар ИИБга мурожаат этгач, жиноятни содир этишда гумонланаётган Саша ва Руслан далилий ашёлар билан қўлга олинди. Азизжоннинг кийимлари қайтарилди.

**Меҳри АБДУРАҲИМОВА,**
*катта лейтенант.*

## ҚАБОҲАТ БОТҚОҒИ

Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларича бор экан. Салим Ҳасанов 70 ёшни қоралаб қўйибди ҳамки, ёшига номуносиб ишлар билан шуғулланишидан ёқа ушлайсан киши.

С. Ҳасанов охирги марта 2004 йилнинг март ойида ўз томорқасидаги маккажўхоризорга бир туп наша парваришлаган эди. Бу "ноёб" ўсимлик пишиб етилгач, унинг баргларини териб олиб, қуритиб, маккажўхори поялари остига яширди.

Салим Ҳасанов – Ғиждувон туманилик, ўрта маълумотли, оилали, 9 нафар фарзанднинг отаси, муқаддам судланмаган. Ғиждувон тумани "Халқобод" ширкат хўжалигида яшайди. Шу йилнинг июнь ойида маст ҳолда уйида ухлаб ётган Салимнинг олдига ҳамқишлоғи Ҳусен Имомов келиб наша сўрайди. Салим Ҳасанов эса унда бундай модда йўқлигини айтгач, улар ўзаро жанжаллашиб қолишади.

Шайтон йўлига кирган Салим Ҳасанов жаҳлини жиловлай олмай, уйидан ошхона пичоғини олиб чиққанда Ҳусен анча узоқлашиб қолган эди.

Салим Ҳусеннинг орқасидан сездирмай келди ва... ўн беш марта пичоқ зарбини олган Ҳусен ҳаётдан кўз юмди.

Буни қарангки, бир инсонни ваҳшиёна ўлдириб, ими-жимида йўлда кийим-кечакларини ечиб, уйига борган Салим Ҳасанов: "Йўлда сувга йиқилдим, кийимларимни юв!" дея устбошини хотинининг олдига ташлади.

Воқеадан хабар топган Ғиждувон туман ИИБ тезкор гуруҳи Салим Ҳасановни қўлга олди. Унинг уйи кўздан кечирилганда соф вазни 147,7 граммга тенг бўлган марихуана гиёҳвандлик воситаси топилди.

Ҳукм ўқилди.

Судланувчи Салим Ҳасанов Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддаси билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Шу ўринда бир мулоҳаза. Жиноятчи қилмиши учун жазосини олгани яхши. Лекин шу жиноят содир этилгунча Салим Ҳасановнинг хатти-ҳаракатларидан бошқалар – оиласидагилар қариндош-уруғ, қўни-қўшнилари, қишлоқ фуқаролар йиғинидаги масъул кишилар бехабар эдиларми? Нега улар ўз қишлоғида яшаб, гиёҳвандлик моддаси сотиш билан шуғулланувчи кимсани бу жирканч йўлдан қайтаришга ҳаракат қилишмади?

Қабоҳат Салим Ҳасановни ўз комига тортди.

**Бурҳон БУРҲОНОВ,**
*Ғиждувон туман прокуратураси терговчиси.*

# ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



E-mail: urmvd@globalnet.uz Тел.: 54-37-91

## ТЎЛАНГАН БОЖ ҚАЙТАРИЛМАЙДИ

***– Қўшним тез кунларда қайтараман, деб мендан қарз олган эди. Тилхатини нотариал идорадан тасдиқлатиб олганман. Бироқ белгиланган муддат ўтишига қарамай, у қарзни қайтариб бермади. Шу боис туман судига мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Суд харажатлари учун белгиланган миқдорда давлат божини тўладим. Аммо ҳали суднинг ажрими чиқмай туриб, қўшним олган пулини қайтарди. Тўланган давлат божини қайтариб олишим мумкинми?***

**С.ТУРДИЕВ,**
*Тошкент шаҳри.*

– Йўқ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 107-моддасида даъвогар ўз талабларини камайтирган, арз қилган талабларидан воз кечган, тарафлар ишни келишув битими билан тамомлаган ҳолларда тўланган давлат божи қайтарилмаслиги белгилаб қўйилган.

## ГУВОҲНИНГ ИШТИРОКИ МАЖБУРИЙМИ?

***– Бир танишимнинг иши юзасидан қатнашаётган эдим. Гувоҳ сифатида чақирилган, фуқаро келмагани учун суд бир неча марта қолдирилди. Унга нисбатан бирор чора қўлланиладими?***

**Л.СОБИРОВ,**
*ҳайдовчи.*

– Чақирилган гувоҳ суд мажлисига узрсиз келмаса, у судга ҳурматсизлик қилганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 180-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жаримага тортилади. Агар иккинчи чақирувда ҳам шундай йўл тутса, у суднинг ажримига кўра мажбурий тартибда келтирилиши мумкин.

## ҚЎШНИМ ДУРАДГОР...

***– Мен кўпқаватли уйда яшайман. Тундаором олиш ўрнига юқори қаватда яшовчи дурадгор қўшнимнинг рандалаган ёки арралаган пайтда чиқадиган овозни эшитишга мажбурман. Уни бир неча бор огоҳлантиришимга қарамай, деярли ҳар куни аҳвол шу. Маслаҳат беринг, нима қилай?***

**М.МИРҲАМИДОВА,**
*уй бекаси.*

– Сиз тегишли тартибда профилактика инспектори ёки маҳалла қўмитасига мурожаат қилишингиз зарур. Чунки Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига асосан тунги соат 23.00 дан 06.00 гача – фуқароларнинг осойишталиги ва нормал дам олишини бузиш, яъни баланд овозда қўшиқ айтиш, мусиқа чалиш, овози баланд қилиб қўйилган радиоприёмниклар, магнитафонлар ва шунга ўхшаш бошқа шовқин чиқарувчи ишлар қилганлик учун - фуқаролар ҳамда мансабдор шахслар белгиланган миқдорда жаримага тортиладилар.

## АЛИМЕНТ УНДИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

***– Турмуш ўртоғим билан ажрашганимга 5 йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бироқ шу пайтгача собиқ эрим болаларимга алимент пули тўлагани йўқ. Унинг на яшаш манзили, на иш жойини билмайман. Алимент ундириш учун кимга мурожаат қилишим мумкин?***

**Р.ОРТИҚОВА,**
*Жиззах вилояти.*

– Амалдаги қонунчиликка кўра, яшаш жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки турган жой ёки сўнгги яшаган ҳудуддаги тегишли идорага тақдим этилиши мумкин. Сиз ўзингиз яшаб турган туман судига мурожаат қилинг. Суд белгиланган тартибда жавобгарни қидириш тўғрисида ажрим чиқаради.

## ЖАЗОДАН ОЗОД ҚИЛИНИШИ МУМКИН

***– Бир фуқаронинг фарзанди корхонадан видеомагнитафон ўғирлаган эди. Аммо у жиноий жавобгарликка тортилмади. Сабабини сўрасам отаси ўғлим корхонага етказган зарарни тўлади, шу боис жазоланмади, деди. Очиғи, мен бу гапга ишонмадим...***

**Р.АЛИМОВ,**
*Тошкент вилояти.*

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у жиноят содир этганидан сўнг етказилган зарарни бартараф этиб, ўз ихтиёри билан айбини бўйнига олиш тўғрисида арз қилган бўлса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

## ОТАГА ҲАМ ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ

***– Турмуш ўртоғим бетоб, шифохонада даволанаяпти. Ҳали бир ёшга тўлмаган фарзандимизга қараб турадиган одам йўқ. Иш жойимдан таътилга чиқсам бўладими?***

**С.ЮНУСОВ,**
*Андижон вилояти.*

– Бола икки ёшга тўлгунга қадар ҳақ тўланадиган ёки уч ёшга тўлгунча иш ҳақи сақланмаган ҳолда болани парваришлаш учун бериладиган таътиллар одатда боланинг онасига берилади. Бироқ амалдаги Меҳнат кодексининг 234-моддасига асосан ушбу имтиёздан боланинг отаси ёки бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкин. Бунинг учун болани парваришлашни ҳоҳловчи шахс бериладиган тегишли таътил ва нафақани олиш учун ариза, боланинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, она боласини парваришлай олмаслигини тасдиқловчи ҳужжатларни иш жойига тақдим этиши зарур.

**Азим МУЗАФФАРХОНОВ** тайёрлади.

# НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

## ҲАМОН "АҚЛ ТИШИ" ЧИҚМАГАН

**Одатда хонадон соҳиби бир-икки кун уйида бўлмаслигига тўғри келса, бу ҳақда оила аъзолари ёки яқинларини огоҳлантириб қўяди. Жилла бўлмаса бирор жойдан сим қоқиб, юзага келган вазиятни тушунтиради. Пойтахтнинг С. Раҳимов туманида яшовчи Ҳ. Алижон эса қирқ беш ёшга кирса ҳам ҳали "ақл тиши" чиқмаган кўринади. У "Матиз" русумли автомашинасида хонадондан чиқиб кетиб, салкам бир ой дом-дараксиз кетганини бундан ортиқ изоҳлаш мумкинми ахир! Ички ишлар ходимлари томонидан олиб борилган қидирув ишлари натижасида Алижон Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан топилиб, уйига қайтарилди.**

## ХАЙФ БУНДАЙ МАРТАБА

Мирзаобод тумани Беруний номли ширкат хўжалиги тракторчиси Шодмонқул Бойбеков "Гулистон–Бекобод" йўли бўйлаб пиёда кетаётган эди. Шу пайт номаълум автомашина уни туртиб юборди. Ҳайдовчи оғир тан жароҳати олган жабрдийдага ёрдам кўрсатиш ўрнига жуфтакни ростлаб қолди. Ш. Бойбеков касалхонага олиб келинганда оламдан ўтди. Ички ишлар ходимлари қочоқ ҳайдовчини излаб топиш учун барча чора-тадбирларни кўрдилар. Саъй-ҳаракатлар натижасида ушбу жиноятни фуқаро Ф. Умар ўзининг "М-412" русумли автомашинасида содир этганликда гумонланиб ушланди. У Сирдарё вилоятидаги нуфузли бошқармалардан бирида мутахассис бўлиб ишлар экан. Шундай тушунган одам йўловчини ўз вақтида касалхонага олиб борганида, балки унинг ҳаёти сақланиб қолармиди. Оддий инсонийликни унутган мутахассисга хайф бундай мартаба, дегинг келади.

## ЎЗАРО ТИЛ БИРИКТИРИШДИ, АММО...

**"Ёмон қуёнчи" Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги қишлоқлардан биридир. Қишлоқ бундай номлангани билан ушбу гўшада яшовчи одамлар ишбилармон, самимий ва дилкаш. Фақат Ш. Жамолиддин бундан мустасно. Сабаби, у бирор жойда ишламай, мўмай даромад топиш илинжида юргани нопок ишларга қўл уришига олиб келди. У ўзидан бир ёш кичик, Булунғур шаҳрилик таниши С. Яҳё билан ўзаро тил бириктириб гиёҳвандлик моддаси савдоси билан шуғулланишга келишиб олди. Аммо ички ишлар ходимлари анойи эмас. Улар тезкор тадбир пайтида гиёҳфурушлар 2 кг. опийни 4 млн сўмга пуллашаётганда қўлга олишди. Қонунбузарлар қилмишларига яраша жавоб берадилар.**

## БАДФЕЪЛЛИК ОҚИБАТИ

Эркак киши маст бўлиб олиб, баъзан низо чиқаришга уринишига очиғи кўникиб қолганмиз. Аммо бундай хатти-ҳаракат аёл томондан содир этилсачи, яна у тиғ кўтарса! Фарғона шаҳри Тинчлик кўчасида яшовчи уй бекаси Ч. Карина ўзини ана шундай тутди. У спиртли ичкиликка тўйиб олгач, расмий никоҳсиз бирга яшаётган эри А. Салим кўзига ёмон кўриниб кетди. Кайфи ошиб қолган аёл аввал у билан даҳанаки жанг қилди, кейин эса бу ҳам етмагандек, қорнига пичоқ тиқиб, тан жароҳати етказди. Жабрланувчи касалхонага ётқизилди. Бадфеъл Карина ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

## МАШИНАДАГИ ЎСМИР

**Бухоролик Рашид Расулов пойтахтнинг Чилонзор тумани, 12-даҳа 47-уй яқинига "Нексия" русумли машинасини қўйди-да, ичида вояга етмаган жиянини қолдириб, бир иш билан нари кетди. Бироздан кейин қайтиб келса, 13 ёшли Билолбек йиғлаб ўтирибди. Нима гаплигини сўраган эди, ўсмир тоғаси кетиши билан қаердандир икки номаълум шахс пайдо бўлиб, уни қўрқитишгани ва машинадаги 850.000 сўм пулни олиб кетишганини айтди. Бундай бўлишини кутмаган Рашид ички ишлар идорасига хабар беришдан бошқа чора топа олмади. Зудлик билан олиб борилган суриштирувлар ўз натижасини берди. Ҳеч қанча вақт ўтмай ишламайдиганлар Н. Асатулла ва Й. Рустамлар ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб, қўлга олиндилар. Мазкур кўнгилсиз воқеа рўй бермаслиги мумкинмиди? Ҳа, албатта. Агар Р. Расулов шунча пулни ўсмирга ишониб, машинада қолдириб кетмаганида олам гулистон эди.**

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ



# ҚОҚИЛАРНИНГ ХОСИЯТИ

**Мева қоқилари ўта тўйимли егулик эканлигини аждодларимиз илгаридан билишган. Қиш кунлари дастурхонга қанд-курсдан кўра кўпроқ майиз, писта, туршак кабилар тортилгани бежиз эмас. Миср эҳромлари қурувчиларига ҳар куни пиво, саримсоқпиёз ва хурмо бериларкан. Сабаби, пиво оғир меҳнат чоғида организм йўқотган суюқлик ўрнини тўлдирса, саримсоқпиёз инфекцияларга қирон келтирган, хурмо эса танага қувват бахш этган.**

Ҳа, қувват манбаи сифатида қуруқ мевалар ичида хурмога тенг келадигани бўлмаса керак. Унинг таркибида деярли барча дармондорилар мавжуд. Айниқса, углеводга ўта бой. Шунинг учун ҳам қувватни ошириб, иш қобилиятини тез тиклайди. Тишларга ҳам фойдаси катта. Хурмо таркибидаги моддалар милкни ва тишнинг эмал қопламини мустаҳкамлайди. Кариес (емирлиш) ва пародонтитнинг олдини олади. Фақат калорияси жуда юқорилиги учун меъёридан ортиқ истеъмол қилиш ярамайди.

Тажангроқ, ҳар қандай майда-чуйда нарсаларга сиқилиш одатингиз бўлса, ҳеч қачон дастурхонингиздан олхўри қоқиси узилмасин. У организмни депрессиялардан самарали ҳимоя қилади. Олхўри қоқиси шунингдек, темир ва бета-каротин моддаларига ҳам бойдир.

Анжир қоқиси қалқонсимон без фаолиятини яхшилаб, сўнгги илмий тадқиқотлар тасдиқлашича, саратон тўқималари ривожланишининг олдини олади. Таркибидаги ферментлар овқат ҳазм бўлишига ёрдам беради. Халқ табобатида ичак паразитларини қириб, бронхитни даволашда муваффақият билан қўлланилиб келинган. Иссиқ сутга қўшиб истеъмол қилинганда, йўтални қолдиради. Анжир кальций, калий ва темир моддаларига бойдир.

Ўртача катталикдаги беш дона ўрик қоқиси, яъни туршакда кишининг бир кунлик эҳтиёжига етарли кальций ва темир моддалари мавжуд. Бу эса ўз навбатида қондаги гемоглобин даражаси етарли бўлишини таъминлайди.

Бундан ташқари, ўрик қоқиси калий, каротин, фосфор, шунингдек, В 5 дармондорисининг конидир. У ичакни тозалайди. Юрак ишемик хасталиклари, аритмия, гипертония ва бошқа юрак-қон томир касалликларига чалинганлар учун ҳам нафи катта.

Тез асабийлашадиган кишиларга майиз еб туриш тавсия этилади. Бу қуруқ мева жаҳл, ғазабни камайтиради, асабларни тинчлантиради, Шунингдек, майиз юрак, ўпка, жигар фаолиятини яхшилайди. Бавосир, сурункали нефрит, камқонлик, подагра касалликларига чалинганлар ҳар куни майиз еб турсалар ҳам фойдадан холи бўлмайди. Ўт пуфаги оғриб турадиган, гепатит билан оғриган кишиларга бир ой узум сиркасида сақланган майиз истеъмол қилиш фойдали.

# ТИШЛАРНИ АСРАНГ

**Телевидениеда берилаётган рекламалар туфайли ҳозир кариес нималигини ёш бола ҳам тушунадиган бўлиб қолди. Аммо пародонтит ва пародонтоз ҳақида ҳали ҳам кўпчилик етарли тасаввурга эга эмас. Ваҳоланки, айнан шу касалликлар тишнинг тушишига сабаб бўлади.**

Пародонтит оғиз бўшлиғидаги микрофлоранинг фаоллашиши натижасида келиб чиқади. Аввалига фақат милк шамоллайди, қизаради, ачишади. Фақат милк қонай бошлагачгина кўпчилигимиз шифокорга югурамиз. Уни даволашнинг асосий йўли гигиеник ва профилактик муолажалардир. Тўпланиб қолган микроблар қатламларини бартараф қилиш, бактерияларга қарши чоралар кўриш керак.

Пародонтит ривожлангани сайин милклар шишиб, қонаб, тиш устидаги чўкиндилар ("тошлар") қалинлашиб боради. Кейинроқ милклар йиринглаши ҳам мумкин. Ана энди тишни олиб ташлашдан бошқа илож қолмайди.

Тишларни тўғри тозалаш ҳам пародонтит хасталиги чоғида муҳим аҳамиятга эга. Тиш чўткаси юмшоқ бўлиши, нозиклашиб қолган милкларга жароҳат етказмаслиги керак. Ҳар гал овқатлангандан кейин тишларни тозалаб туриш лозим. Шунингдек, шифобахш гиёҳлар аралаштирилиб тайёрланган махсус пасталардан фойдаланилса, янаям яхши.

Мунтазам (кунига камида икки марта) оғизни шифобахш ўтларнинг илиқ қайнатмалари билан чайиш ҳам шамоллашни камайтиради. Денгиз тузи эритмаси эса милк ва лунжларнинг шишини қайтаради, яллиғланишини бартараф этади, тишларни мустаҳкамлайди. Аммо пародонтитнинг олдини олишнинг энг яхши воситаси милкларни уқалашдир. Яъни, кунига бир неча марта милкларни бармоқ билан (айланма ҳаракат қилдириб) уқалаш керак.



Пародонтоз пародонтитдан фарқли ўлароқ дарҳол кўзга ташланмайди. Энди тишга милк остидан "ҳужум" бўлади. Суяк тўқимаси зарарланади. Кексаларнинг тиши тушиши бунга мисол бўла олади. Бу касалликдан бутунлай қутилишнинг иложи йўқ. Аммо профилактик чоралар ёрдамида уни секинлатса бўлади. Пародонтозга чалинганлар ҳар гал овқатлангандан сўнг тишларини ювишлари, тез-тез "тош"ларни тердиришлари керак. Тишларни ялқов қилиб қўйманг. Ҳадеб юмшоқ таомлар есангиз ёки бир томон билан чайнасангиз, тўқималардаги модда алмашинув жараёни бузилади. Шунинг учун олма, сабзи еб туринг. Бу тишлар ва милклар, жағ мушаклари учун ўзига хос гимнастикадир.

# ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ БОРАСИДА ЎН ҚОИДА

***Саломатлик, узоқ умр кўриш тўғри овқатланишга ҳам боғлиқ. Қуйида бу борада синовдан ўтган қоидаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.***

**1.** Тинч, осойишта шароитда овқатланган маъқул. Овқатланаётган пайтда ўқиш, телевизор кўриш керак эмас. Ўтириб овқатланиш зарур.

**2.** Тайёрланган таом нафақат мазали бўлса, балки чиройли кўринса янаям яхши.

**3.** Ҳамиша бир вақтда овқатланишга ҳаракат қилинг. Овқатни шошилмасдан, яхшилаб чайнанг. Тўйиш сезгиси пайдо бўлишидан хиёл олдин таом тановул қилишдан тўхтанг.

**4.** Ўзингизни мажбурлаб овқат еманг. Овқатланишлар оралиғи камида уч соат бўлсин, аммо олти соатдан ошмасин (тунда ухлаш бундан мустасно).

**5.** Овқатланаётганда иссиқ сув, чой ичса бўлади. Аммо ичимликлар, айниқса, уларнинг совуғи таом ҳазмига халал бериши мумкин.

**6.** Яқин атрофингиздаги ҳудудларда етиштирилган сарҳил маҳсулотлардан таом тайёрлаган маъқул.

**7.** Таом танлашда кўпроқ организмингизнинг эҳтиёжини ҳисобга олинг.

**8.** Кечқурунлари хом сабзавотлар ейишдан сақланинг – ҳазми қийин кечади.

**9.** Кўпроқ таом туш пайти ейилгани маъқул. Кечки овқат енгил, сингадиган бўлсин.

**10.** Овқатдан кейин, албатта, бир неча дақиқа ором олинг.

# ХАЛҚ ТАБОБАТИ МАСЛАҲАТЛАРИ

**ШАМОЛЛАГАНДА, БРОНХИТГА ЧАЛИНГАНДА ...**

Бир стакан илиқ сутга 4-5 дона анжир солиб, обдон эзиб, кунига икки марта ярим стакандан ичинг. Сутга майиз солиб, бир соат ивитиб қўйинг. Сўнг майизни еб, сутни ичинг.

**ИЧ ҚОТГАНДА...**

100 г олхўри қоқиси ёки туршакни ивитиб, ухлаш олдидан енг. Олхўри қоқиси ва туршакни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, ҳосил бўлган қиймани банкага солинг-да, музлаткичда сақланг. Аралашмадан ҳар куни эрталаб ва кечқурун 1-2 ош қошиқдан еб, устидан мева шарбати ёки чой ичинг.

**СИЛЛА ҚУРИСА...**

200 граммдан анжир, олхўри ва ўрик қоқисини майдаланг (фақат гўшт қиймалагичда эмас, акс ҳолда шифобахшлик хусусияти камаяди). Унга 25 грамм майдаланган ёнғоқ қўшинг. Музлаткичда шиша банкада сақлаб, ҳар куни бир ош қошиқдан енг.

Ⓝ

Турмуш чорраҳаларида

***Ҳаётнинг ёзилмаган қонунлари кўп. Агар эътибор берилса, уларнинг ҳар бири минг йиллик кузатувлар, тажрибалар замирида вужудга келган халқ ҳукми эканлигини англаймиз. Бироқ уларга амал қилишга келганда...***

# ДУОИБАД

Равшан Раънога уйланиш ҳақида яқинларига маълум қилганида, “ипакка бўз ямоқми?” – дея уни бу ниятидан қайтаришга кўп уринишди. Ҳатто ўйламай қилинган иш келтирадиган ташвишдан огоҳлантиришди. Шунга қарамай Равшан ўз сўзида туриб олди.

Равшан уйланмаган, боз устига, бўлажак умр йўлдоши ўзидан олти ёш катта эди. Бунисиям ҳолва экан:

Раъно биринчи марта ўғирлик қилиб қамалгандаёқ эри тўрт боласини тақдир ҳукмига ташлаб кетди. Яхшиямки, онаси қизидан ва невараларидан юз ўгирмади. Уларни қарамоғига олиб, эплаганча кийдирди, едириб-ичирди. “Қизим, болаларини соғиниб, тавбасига таянади, яхши она бўлиб гуноҳини ювади”, деб ўйлаган она унинг айниган феъли, бузилган ниятини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. Аросатда қолган болалар “ўғри онанинг болалари тўғри бўлармиди”, дея осонгина масъулиятини хотинига ағдариб, жавобгарлик, тўғрироғи ташвишдан қутулган отага ҳам, ўз кайфу-сафосини ўйлаган онага ҳам керак эмасди. Қизини инсофга чақириб, она-бола ўртасида меҳр уйғотишга уринган Нурия аянинг ҳаракатлари зое кетди. Меҳрни қалбга мажбурлаб сингдириб бўлмас экан. Яхши гап ҳам, дўқ-пўписа, ялиниб-ёлвориш ҳам йўқ меҳрни пайдо қилолмас экан. “Ўзингдан чиққан балога, қайга борарсан давога” дея юм-юм йиғлаётган она ички ишлар ходимларини кўриб, эсдан оғишига бир баҳя қолди. Бу сафар Раъно саккиз йилга озодликдан маҳрум этилди. Қизидан бутунлай умидини узган шўрлик она кўзлари жавдираб турган тўрт норасиданинг тақдирини ўйлаб, дув-дув ёш тўкди. Уларни меҳрибонлик уйига топширишга аҳд қилди. Аммо ҳамма нарса тахт бўлай деганда кўзи киймади. Маслаҳатлашиб, катта қизи Барнога иккитасини топширди, икки нафарини эса ўзи парваришлай бошлади.

Олти йил ўтиб, Раъно озодликка чиқди. Болалар анча улғайиб қолишган, усти бут, қорни тўқ, тенгқурларининг олди бўлмаса-да, камчилиги йўқ ўсаётганини кўрган аёл хотиржам тортди. Болалар унга талпинмаганидек, у ҳам фарзандларига соғинч билан қарамади. Улар бир-бирларига бегонадек эди. Раъно шунча йиллик айрилиқдан сўнг фарзандларининг совуқ қаршилашидан ўкингани йўқ. Оналик меҳри жўш уриб ҳам кетмади. Аксинча, у озод эканлиги, ҳеч қандай мажбурияти, вазифаси, ташвиши йўқлигидан боши осмонга етди. Бу уйда қолса, эртами-кечми оёғига занжир тушадигандек, ижарага уй қидира бошлади.

Ҳеч қанча вақт ўтмай у Равшан билан танишди. Улар бир-бирига кўнгил қўйишди. Йигитнинг ота-онаси бўлғуси тўрт болали келиннинг тарихини эшитгач, ўғилларини бу “тенгсиз” никоҳдан астойдил қайтаришга уринишди. “Ўз норасидаларига вафо қилмаган, сенга вафо қилармиди”, дейишларига қарамай Равшан ундан воз кечмади. Охир-оқибат ота-онасининг панду-насиҳатлари жонига тегиб, уйдан чиқиб кетди. Севишганлар ижарага уй олиб яшай бошладилар. Равшаннинг топиш-тутиши яхши эди. Бироқ ошиқ йигитга ота-онасининг “оқ қилгани” қаттиқ таъсир қилдими ё Раънонинг нағмаларими, уйда тез-тез жанжал кўтара бошлади. Дастурхонда ичкилик мустаҳкам ўрин олди. Эр ота-она лаънатини унутиш учун ичса, хотин ўтмишини унутиш баҳонасида қадаҳ кўтарарди. Ҳеч қанча вақт ўтмай севишганлар фарзанд кўришди. Унинг оёғи ёқиб, эр-хотин уйли-жойли бўлди. Равшан ота-онаси набиралари ҳаққи кечиришидан умидвор эди. Бироқ ундай бўлмади.

Ўз уйларига кўчиб ўтгач, Раънонинг ҳаракатлари эркинлашди. Энди ичкилик, ундан кейин уриш-жанжал хонадонда одатий ҳолга айланди. Лаънатнинг юки оғир бўларкан. Ўзи кўринмаса-да, бутун борлиғингни эзиб ташларкан. Равшан ичса, гўё енгил тортарди. Бора-бора бу юкни ортмоқчилаб юришига ким айбдор эканлигига “ақли” ета бошлади. Нафақат бу, балки, ишдан кетгани, ота-онаси, ошна-оғайниларидан айрилганиям алам қилаётганди унга.

Ҳар гал ичиб “сени деб оқ бўлдим”, деб ёзғирадиган Равшан “сенинг касрингга адо бўлдим” дея дағдаға қилишга ўтди. Раъно-чи, у шунча йиллик “тажрибаси” билан жим турармиди?

– Хўв, бола! Мендан ажрашаман деб хомтаъма бўлма! Бирорта манжалақи билан дон олишганингни эшитсам ўлдираман! – деди у бирда лўнда қилиб.

“Бир шалтоқнинг уйини қирқта чаққон эплолмас”, деганларидек Раъно на уйига, на фарзандига қарамас, бундан қони қайнаган эр ҳамма аламини ичкиликдан оларди. Бу эса жанжалсиз тугамасди.



Ўша куни Раъно кимдандир 10 минг сўм қарз олиб келди. Эр-хотин бозорга бориб харид қилишдан аввал бир шиша винони бўшатишди. Уйдан чиқиб кетаётганда яна бир шишани уриб олишди. Кечки овқат олдидан, иштаҳани очиш мақсадида бозордан олган ароқни очишди. Ичкилик кучи эски гиналарни қўзғатди. Иккиси “айбдорни” қидира бошлашди. Маишат жанжалга айланди. Раъно тиканли сим ортида эгаллаган найрангларини эрига кўрсатиб қўйгиси келдими ёки асаблари дош бермадими пичоқни олдида, унинг дуч келган жойига санчди. Равшан оҳ-воҳлаганча ерга ағдарилди. Ҳайрият йиқилгани. Аёл яна тиғ ураман деб энгашди-ю, оёқлари остига оқиб келаётган қонни кўриб кайфи учди. Пичоқни отиб юбориб, кўчага югурди. Қўллари қонга беланган Раънони кўрган қўшниси гап нимадалигини дарҳол тушунди. Ҳолбуки, уларнинг кунда-кунора бўладиган тўполонлари шундай якун топиши кўпчиликка аён эди.

Чақирилган “Тез ёрдам”нинг ўз вақтида етиб келиши Равшаннинг ҳаётини сақлаб қолди.

Ҳа, Раъно қилмишига, Равшан қарғишига яраша жазоланди, дея воқеага шу ерда нуқта қўйсак ҳам бўларди. Лекин ўртада қолган норасиданинг тақдири-чи?! Афсуски, уни ҳар икки томон тан олишни истамади.

Маълумки, тани соғ одамларгина соғлом жамиятни, соғлом жамият эса келажаги буюк давлатни вужудга келтиради. Бир неча йилдирки, республикамизда она-бола саломатлигини яхшилаш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, уни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Кўриниб турибдики, ҳар биримиз шунга муносиб иш тутишимиз мақсадга мувофиқдир. Шу ўринда айрим худбин кимсалар айбни ҳадеб четдан қидиравермай, ўзларига, хулқларига назар солсалар яхши бўлармиди? Бобо-момоларимизнинг етти пушти, наслу-насабини суриштириб қуда-андачилик қилишида улуғ бир ҳикмат бор. Зеро, ёмон арава йўл бузар, ёмон хотин – уй, деб бежиз айтилмаган экан.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

---

Республика ИИВ Ҳуқуқий таъминлаш ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма катта инспектори, подполковник Ҳ. Ибрагимовга падари бузруквори

**ИСМОИЛ отанинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма навбатчилик қисми бошлиғи, майор А. Жамаловга онаси

**ИНОБАТХОН аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими катта иш юритувчиси, сержант М. Аҳмедовага падари бузруквори

**ХАЙРУЛЛА отанинг**

вафот этгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Республика ИИВ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби тиллар ва адабиёт кафедраси бошлиғи Д. Зайнутдиновага онаси

**МУҲАББАТ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

## БОЛАНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?



Жиззах вилояти ИИБ ҲООБ вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига 2005 йилнинг 28 январь куни 5-6 ёшлардаги ўғил бола олиб келинган. У билан суҳбатда исмини гоҳ **Шоҳруҳ**, гоҳ **Бунёд** деб айтади. Ўзбек ва рус тилларида бемалол гаплаша олади. Ота-онаси, яшаш жойи ҳақида маълумот беролмайди.

**Белгилари:** бўйи 110 см, юзи чўзиқроқ, озғиндан келган, сочи қорамтир, қоши сийрак.

**Кийимлари:** эгнида йўл-йўл жемпер, қора трико, оёғида калиш бор.

**Алоҳида белгиси:** бошининг тепа чап қисмида 2 см катталикда чандиқ бор.

***Боланинг ота-онаси, яқинлари Жиззах шаҳридаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига мурожаат қилишлари мумкин.***

Аср мўъжизаси

# КОИНОТГА ... ЛИФТДА ЧИҚИШНИ ХОҲЛАЙСИЗМИ?

Ойга, Марсга кўчиб бориш ғояси анчайин хаёлий. Аммо яқин коинотни ўзлаштириш бошқа гап. Сунъий ер йўлдошлари, орбитал лабораториялар ҳозирдаёқ эгаларига катта даромад келтирмоқда. Космик сайёҳлик ҳам келажакда фойдали бизнесга айланиши мумкин. Аммо фақат жуда қудратли ракеталаргина Ернинг тортишиш кучини енгиб, коинотга кўтарила олади. Ҳозирча Россия бу соҳада дунё миқёсида етакчилик қилаяпти. Бир кило юкни космосга олиб чиқиш 10-15 минг АҚШ доллари турса ҳам, хорижлик буюртмачиларнинг кети кўринмаяпти. Яқинда америкаликлар янгича ғояни илгари суришди. Улар космос билан сайёрамизни боғловчи лифт қуришмоқчи. Шунда бир кило юкни коинотга олиб чиқиш кўпи билан 200 АҚШ долларига тўғри келаркан.

Ғоя, аниқроғи, уни амалга ошириш бўйича хомаки лойиҳа жуда оддий. Яъни, тахминан 100.000 км узоқликда (баландликда) жойлашган станциядан Ерга трос ёки битта излик рельс туширилади (тортилади). Кейин ана шу йўлак орқали юк платформаси (вагони) қатнайверади. У йўлнинг анчагина қисмини Ернинг айланишидан ҳосил бўлган марказдан қочиш кучи ҳисобига босиб ўтади. Фақат станциягача қолган 36 минг километрни босиб ўтиш учунгина қувват сарфлашга тўғри келади. Кейинроқ, балки Ойга кўтариладиган лифт яратишнинг ҳам имкони бўлар. Ким бу лойиҳани амалга оширса, у коинотни ўзлаштириш соҳасида монополист (якка ҳоким)га айланиши мумкин.

Илк бор 1894 йилда К. Циолковский шундай таклиф билан чиққанди, 1960 ва 1983 йилларда коинотшунослар "Комсомольская правда" газетаси саҳифаларида яна шу масалани кўтаришганди. Қолаверса, Европа ва АҚШда ҳам мазкур мавзуда мақолалар ёзилган. Аммо рельс қандай материалдан ясалиши кераклиги масаласи асосий тўсиқ бўлиб келаётганди. Чунки металл йўлак контейнер билан бирга ўз оғирлигини ҳам кўтариши керак. Бунинг устига шунча материални станцияга олиб чиқишнинг ҳам ўзи бўлмайди. Масалан, уни одатдаги пўлатдан қилинса, йўғонлиги камида 3 метр келадиган қувур ҳосил бўларкан.

Фақат ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарига келиб муаммонинг ечими топилгандек бўлди. Японлар пўлатдан 50 баравар мустаҳкам ва бир неча юз марта енгил материал – углерод наноқувурчасини кашф этишди. Массачусетс Технология институтида NASA буюртмасига кўра, ундан 90 метрлик рельс ясаб, юк вагонини юргизиб кўришди. Бу айтиш мумкинки, коинот лифтининг модели эди. Уни яратишга 30 млн АҚШ доллари сарфланди. Ҳақиқий лойиҳани амалга оширишга эса 8 млрд АҚШ доллари сарфлашга тўғри келади. Иш бошлаб юборилди. Америкаликлар 2018 йилда юк вагонини космосга жўнатишни режалаштиришяпти.




## ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

**Сиз хизматда, сафарда, меҳмонда, дам олиш ва сиҳатгоҳларда, кино ва театрда, кундалик ташвишлар билан юрган пайтингизда хонадонингиз ҳамда мулкингизни жиноий тажовузлардан ким ҳимоя қилади? Бундай хизматни шаҳримиздаги марказлаштирилган қўриқлаш пультлари бажаради. Ушбу пультлар бу борадаги энг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан арзон қўриқчидир!**

**Хонадонингиз ва мулкингиз дахлсизлигини истасангиз марҳамат қилиб, Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бошқармаси ва туманлар ИИБлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлимларига мурожаат қилинг!**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**133-37-83,**
**134-01-69,**
**133-01-44**

## КРИПТОГРАММА

2 | 4 | 2 | 5
6 | 3 | 4 | 8 | 1 | 9 | 10
7 | 1 | 11 | 12 | 1 | 13
6 | 3 | 4 | .

| | 1. Юрист, мутахассис. | 2. Тожикистондаги шаҳар. 3. Портловчи қурол. | 4. Пойабзал ашёси. 5. ... Капур (актёр). | 6. Самолёт маркаси. 7. Ёзувдаги "кўл". | 8. Курол - ... 9. Немис олими. | 10. Миллий таом. 11. Шифобахш модда. | 12. Денгиз йиртқичи. 13. Инкор. | 14. Вақт ўлчови бирлиги. 15. Сибирь дарёси. | 16. Ҳарбий бошқарув органи. 17. Жануб тумани. | 18. Мулк сақлаш биноси. 19. Авто марка. | 20. Маҳкамлаш мурвати. 21. Иқтисод. | 22. Мато. 23. "Уфқ" романи персонажи. | 24. Кўҳна ҳисоб асбоби. 25. Самарқанд обидаси. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Насрий асар тури. 2. Ҳафта куни. | | | | | | | | | | 1 | | | |
| 3. Сартарошлик асбоби. 4. Илм манбаи. | 2 | | | | | | | | | | | 3 | |
| 5. Кимёвий модда. 6. Дин пешвоси. | | | | | | 4 | | | | | | | |
| 7. Ҳашарот. 8. Музаффар. 9. Юк кўтариш қурилмаси. | | | | | 5 | | | | | 6 | | | |
| 10. Ялта жойлашган маскан. 11. Маъдан. 12. Олов. | | | | | 7 | | | | | | | | |
| 13. Эстрада гуруҳи. 14. Мусобақанинг бошланиши. | | | | | | | | | | | | 8 | |
| 15. Ҳаёт. 16. Мато пардози. 17. Италия футбол командаси. | | | | | | | | | 9 | | | | |
| 18. Америкадаги шаршара. 19. Янгилик яратиш. | | | | 10 | | | | | | | | | |
| 20. Фурсат. 21. Ўтмиш маърифатимиз ҳомийси. 22. Тортишув. | | | | | | | | 11 | | | | | |
| 23. Узунлик ўлчови бирлиги. 24. Чоҳарёр. | | | | 12 | | | | | | | | | 13 |

### ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАЛАРНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Циклокроссворд бўйича: **1. Ҳал. 2. Арфа. 3. Метр. 4. Хема. 5. Арча. 6. Давр. 7. Инна. 8. Баён. 9. Маас. 10. Лаос. 11. Алла. 12. Нақл. 13. Адда. 14. "Аида". 15. Кадр. 16. Корт. 17. Горн. 18. Гама. 19. Амм. 20. Нина. 21. Раис. 22. Арра. 23. Краб. 24. Илик.**

Шаклнинг энг чекка хоналаридаги ҳикмат: **Ҳаммадин баланддир она мансаби.** *(Абдураҳмон Жомий).*

Чайнворд бўйича: **I. Войнич. II. Чебан. III. Нефертити. IV. Измайлова. V. Асқарова. VI. Алонсо. VII. Ожешко. VIII. Орлова.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

**Bosh muharrir Shuhrat MURODOV**

Bosh muharrir o'rinbosari **Erkin SATTOROV**

Navbatchi **Qobiljon SHOKIROV**

Mas'ul kotib **Rahmatilla BERDIYEV**

Sahifalovchi **Zokir BOLTAYEV**

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

- *Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart*
- *Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.*
- *Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.*

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma **J-001066.** Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 6 bosma taboq. **53229** nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ —Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.